

О'ЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№3. 2023

*Ҳар кунинг Ҷаърӯз дўлсин,
жонажон Ўзбекистоним!*

Азиз юртдошлар, дехқону
фермерлар, бобону
чорвадорлар, қишлоқ ва
сув хўжалиги ходимлари,
барчангизни НАВРЎЗ айёми
билин муборакбод этамиз!



*Мамлакатимизнинг бағра мөхнаткашларини
гүзалик, нағосат, уйғониш фасли бўлган
Наврӯз айёми билан чин қалдан таобриклаймиз.
Кириб келаётган баҳор дайрами файзу барака,
дастурхонларимизга тўжин-сочинлик олиб келсин.
Баҳорий шукук сизни асло тарқ этмасин!*

**Кишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси жамоаси**



**Тошкент вилояти
Чиноз тумани
Ҳокимлиги жамоаси**

**Мамлакатимиз аҳлини
янгиланиш ва ёшариш
фасли – Наврӯз айёми
билан самимий
қутлайди.
Юртимиз доимо тинч,
халқимиз турмуши
фаровон, шаҳару қишлоқ-
паримиз янаға обод
бўлишини тиляйди.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИДА АХОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Амалга ошириләётган ислоҳотларни изчилиларни давом эттириш, ердан оқилюна фойдаланиш ва кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини куришини ҳамда худудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтиришни солиқ юкини пасайтириш ҳисобига рағбатлантириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 майга қадар эксперимент тариқасида республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига улар-нинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзи-даги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартларга риоя қилингандა қайтариб бериш тартиби жорий этилсун:

қишлоқ хұжалигига мүлжалланган ҳар бир гектар ер учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлиги таъминланғанда;

хар бир нафар ишчи учун ойига мекнатга ҳақ тұлаш тарзидаги даромад мекнатаға ҳақ тұлашнинг эңг кам миқдорининг бир бараваридан кам бүлмаган миқдорда белгиланғанда;

пахта ва (ёки) фалла етиширишга ихтисос-лашган фермер хўжалиги ўтган йил якуни бўйича Солиқ кодексининг 57-моддаси талабларига жавоб берганда.

2. Иктиносидёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ кўмитаси **бир ой муддатда** республика бюджетидан пахта ва (ёки) фалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисбот ойидан кейинги ойининг 25 санасидан кейин тўлиқ миқдорда кайтаришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиксин.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари янги қурилған күп қаватли ишлаб чиқарып бинолари, шу жумладан, 2023 йил 1 январдан кейин фойдаланишга топширилған бинолар юзасидан (республиканинг шаҳарлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманларида жойлашган бинолар бундан мустасно) юридик шахсларнинг мол-мұлкига солинадиган солиқ бүйіча ҳисобланған суммами уч қаватли бинога – 0,9, тұрт қаватли бинога – 0,8, беш қаватли бинога – 0,7, олти қаватли бинога – 0,6, етти ва ундан юқори қаватли бинога – 0,5 пасайтирувчи коэффициентни күллаган ҳолда, бино фойдаланишга топширилған ойдан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тўлайди. Бунда, ушбу бандда белгиланған пасайтирувчи коэффициент:

маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи хоналар билан (офис учун хоналар ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун, касбни эгаллаш мақсадида ташкил этилган ўкув-ишлаб чиқариш хоналари ва ҳ.к.) бирга, агар уларнинг майдони янги курилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биносининг умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаган бўлса;

ишлаб чиқарыш мақсадларида бино бир нечта хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биргаликда фойдаланилаётган бўлса, бундай бинонинг ҳар бир мулкдори томонидан кўлпанилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 23 февралы



ҲОСИЛ БАРАКАСИ – ПАРВАРИШДА

**Бошоқли дон экинлари парваришида март ойида амалга ошириладиган
энг муҳим агротехник тадбирлар**

Республикамиз ғалла майдонларида макро ва микроэлементлар тақчиллигини қоплаш мақсадида куз, қиш, баҳор ойларида кузги буғдойни түғри ва ўз вақтида парвариш қилиш орқали ўсимликнинг нокулай шароитларга чидамлилигини ошириш ҳамда маҳсулдорлигининг юқори бўлишини таъминлашимиз зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кузги буғдой парваришида март ойида қўйидаги агротехник тадбирларни бажаришга эътибор бериш лозим.

Республикамизда феврал ойининг 3-декадасида кунларнинг исиганлиги ва ҳаво ҳароратининг 17-20°C гача кўтарилганлиги кузатилиб, март ойининг серёгин бўлиши башорат қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ғалла майдонларида замбуруугли касалликлар: сарик ва кўнғир занг, септариоз, ун-шудринг, фузариоз каби касалликларнинг кенг тарқалиши кўп йиллик тажкиби натижаларида ўз исботини топган. Шунинг учун кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари жуда эътиборли бўлиб, ҳеч қандай топширикни кутмай, ҳаво ҳарорати 15-18°C бўлганда касаллик, зааркунанда ва бегона ўтларга қарши курашишни бошлашлари керак.

Шунинг учун бугунги кундаги ғалла парваришида навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, яъни эрта, ўрта, кеч пишарлигига ҳамда ўсимликларнинг туплаш даражаси, ривожланишига қараб, ғалла парваришини ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш зарур.

Мутахассислар томонидан ҳар бир ғалла майдонларидаги экилган ғалланинг ўсиш ва

ривожланиш фазалари бўйича мониторингини ўтказиб, кузги буғдой ривожланишининг ҳолати бўйича “қолоқ”, “ўрта” ва “яхши” кўрсатичлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш (1-2 та барг қолоқ, 3-4 та барг ўрта ва тупланган майдонлар яхши), аниқ хуласалар асосида ғаллани баҳорги озиқлантиришдан ташқари кўшимча ишлов бериш, баргидан озиқлантириш, яъни суспензия сепиш, шарбат усулида суфориш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталарга эга бўлган биопрепаратларни суспензия қилиб сепиш каби агротехника тадбирларини амалга ошириб бориш самарали ҳисобланади.

Республикамизнинг айрим вилоятларининг далаларида ғалла ривожи орқада қолаётганлиги қайд этилиб, туплаш даражаси паст бўлган ғалла майдонлари аниқланмоқда.

Ривожи паст бўлган, яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зааркунандаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган.

Март ойида ғалла майдонларига минерал ўғит суспензиясини сепиш ўсимликларнинг ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Шунга асосан, март ойи давомида суспензиялаш тадбирини 2-3 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Суспензия учун эритма тайёрлашда ғалланинг туплаш даври учун 10 кг, найчалаш даврида эса 12 кг карбамид минерал ўғитга, Гео Гумат (1 л/га),

УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Агрозим (3 л/га), Зеребраагро (100 млгр/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), YieldOn (2,0 л/га) каби кимёвий воситаларни 300 литр сувга аралаштириб маҳсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига сепиш ғалла ҳосили ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бунда кузги буғдой ўсимлиги илдизидан оладиган озиқа элементларидан ташқари баргдан озиқлантирилиши натижасида ўсимлик барг сатхининг қалинлашиши ҳисобига ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ошиши билан бир қаторда баргдаги фотосинтез жараёни ҳам яхшиланади. Ўсимлик баргидаги ҳосил бўлладиган органик моддаларнинг кўпайиши натижасида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тезлашади. Бу фазада ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси, поялар сонининг кўпайиши ҳисобига азотли ўғитга бўлган талаби энг юқори ҳамда ғалла ниҳоллари туплаш жараёнидан найчалашга ўтади. Ўсимликнинг найлаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичидаги бошоқлар шаклланади.

Бошоқли дон экинларида найчалаш фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Ғалла ниҳоллари бу фазада бутун ўсув даври давомида тўплайдиган куруқ модданинг 55-60 физини тўплайди. Ғалланинг найчалаш фазасида намлик ва озуқанинг етишмаслиги олинадиган ҳосилдорликка ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 физини, яъни физик ҳолда амиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёра берилиши тавсия этилади.

Бу йилги об-ҳаво шароитида тупроқларда намлик захираси кўп тўпланганди, бу намлик ўлик намлик ҳисбланади. Бу намликнинг концентрацияси юқори бўлганлиги сабабли ҳозирги кунда кузги буғдойнинг илдиз тизими яхши ривожлана олмайди. Ушбу майдонларда суғориши ўтказилиши илдиз тизимининг ювилишига, концентрациянинг пасайишига, бу намликнинг пастки қатламларга тушишига, ўсимлик ривожланишининг яхшиланишига олиб келади.

Ғалла майдонларини ҳар бир озиқлантириш ўтказилгандан сўнг пешма-пеш ҳар бир минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, суғориш ишларини гектарига 600-700

м³ меъёра амалга ошириш зарур.

Суғориш ишларининг маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Маҳаллий ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган шакл ва нисбатларда барча озиқа унсурлари мавжуддир. Маҳаллий ўғитларнинг асосий қисмини қорамол гўнги ташкил қиласди. Гўнгнинг таркибида азот (0,4-0,6%), фосфор (0,2-0,3%) ва калийдан (0,5-0,6%) ташқари, микроэлементлар (бўр, марганец, кобальт, мис, кўроғошин ва бошқалар) ва углерод бўлгани учун ҳам қимматли ўғит ҳисбланади. Шунинг учун маҳаллий ўғит жамғариш учун хандак ўралар қазиш (хандак ўраларнинг ҳажми бўйига 3 метр, энига 2 метр, чуқурлиги 1,5 метр) ҳамда ғалла майдонларининг ҳар гектарига 3 тоннадан маҳаллий ўғитлар жамғариш зарур.

Бу даврда заарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари бўлган майдонларда биринчи навбатда профилактика ишловининг уйғунлашган ҳолда ўтказилиши орқали заарли хасва ва занг касаллиги кенг тарқалишининг олди олинади.



Бу ғаллазорлардаги бегона ўтлар ғаллага берилган минерал ўғитларни, сувни, ғалла ниҳолларига тушаётган ёруғликни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъмол қиласи ҳисобига ғалладан олинадиган дон ҳосилининг камайиши, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши олиб борилган кўп йиллик тажрибаларда кузатилган.

Бегона ўтлар ривожланган ғалла майдонларида уларнинг тури ва сонига қараб бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши Азантар, 75% в.д.г. – 20 г/га, Финито 750 в.д.г., 20 г/га, Eurostar 75% в.д.г. 20 гр/га, Зарстар в.д.г. 20 гр/га, Энностар в.д.г. 20 гр/га. (кўп йиллик икки паллали



Буғдойнинг ун-шудринг касаллиги.

бегона ўтларга қарши) Vinstar plus 75% в.д.г.30 гр/га, Энтостар плюс в.д.г. 30 гр/га, Зарстар плюс в.д.г. 30 гр/га, Prostar 75% в.д.г. 30 гр/га. (бир йиллик бошокли бегона ўтларга қарши) Энтопик Супер к.э. 0,15 л/га, Oxia Pro 10% ЕС 1,0 л/га, Propic 24% ЕС 0,15 л/га, Клодифоп Экстра 24% эм.к. 0,15 л/га, Bio Toppic 30% к.э. 1,0 л/га, Клоди Стар 24% н.кук 0,15 л/га каби гербицидлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Гапла майдонларида сариқ, кўнғир занг ҳамда ун-шудринг касалликларига қарши олдини олиш ёки бўлмаса касалликлар билан зарарланган майдонларга Ўсимликлар ҳимояси ва карантин агентлиги рўйхатидан ўтган фунгицидларни ҳаво ҳарорати 15-18°C бўлганда Титул 390 к.э.к. 0,26 л/га, Тилтазол 500 к.э.к. 0,170 л/га, Бампер 25% эм.к. 0,5 л/га, Крест 25% эм.к. 0,5 л/га, Тилзол 25% эм.к. 0,5 л/га; Альто Супер 33% эм.к. 0,3 л/

га, Файтер 33% эм.к. 0,3 л/га, Супер Коназол 33% эм.к. 0,3-0,35 л/га, Виальто Супер 33% к.э 0,3 л/га, R-ULTRA Super 33% к.э 0,3 л/га, Колосаль Про м.эм.к. 0,2-0,3 л/га, Суперфар 50% эм.к. 0,16-0,18 л/га, Титул Дуо к.э.к. 0,2 л/га, Дуазол к.э.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Уредазол 40% к.э.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.э.к. 0,25-0,3 л/га, Титус Микс 40% к.э.к. 0,2 л/га, Диканазол 40% к.э. 0,2 л/га, Дупплетт ТТ, 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Торсо 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Энтопикур 22,5% эм.к. 0,3-0,5 л/га, Рейкон 28% сус.к. 0,5 л/га, Броадер 30% эм.к. 0,3 л/га, Сплеш 30% эм.к. 0,3 л/га каби фунгицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов беришни амалга ошириш ўзининг ижобий самарасини беради.

Ғапла заарқунандаларига (шира, трипс, хасва, шиллиққұрт) қарши Имитрин 20% эм.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55%/ эм.к. 0,5 л/га, Дүэт 55% эм.к. 0,5 л/га, Фосшанс, эм.к. 0,15 л/га, Борей Нео сус.к. 0,2 л/га, Дефентокс 2,5% эм.к. 0,25 л/га, Децис 10% эм.к. 0,1 л/га, Кинфос эм.к 0,25 л/га, Имидашанс, с.э.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га каби инсектицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёрда ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов бериш тавсия этилади.

Юқорида келтирилган агротехник чоратадбирлар республиканинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига ҳамда бегона ўтларнинг униб чиқиш даврига қараб 5-10 кун оддин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда юқоридаги тавсиялар асосида белгиланган агротехника чора-тадбирларининг ўз муддатларида ва сифатли бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори,

қ.х.ф.д., профессор,

Россия ва Турон ФА академиги,
Иброҳим ХОШИМОВ,

қ.х.ф.д., илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосари,

Илҳомжон ЭГАМОВ,

қ.х.ф.д., институт лаборатория мудири.

БУГДОЙ МАЙСАЛАРИ ХИМОЯГА МУХТОЖ

Қиши ойларининг совуқ ва нам келиши ҳамда баҳор ойлари серёгин, ҳаво ҳароратининг паст бўлиши замбуруғли касалликлар, заараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлар кенг тарқалиши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган.

Бошоқли дон экин майдонларида учрайдиган касалликлар, заараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш бўйича мавсумий тадбирлар

2023 йилнинг январь – февраль ойларининг серёгин келиши буғдойда занг касалликларининг ривожланиши авж олишига олиб келади. Занг касалликларининг ривожланиши учун қулай оптимал температураси бошлангандан бошлаб ғалла майдонларини мониторинг қилиш ва занг касалликлари аломатлари кузатилса профилактика ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Маълумки, кузги буғдой майдонларида учрайдиган касалликлар споралари, заараркунанда ҳашаротлар имаголари, уруглари (тухумлари) ва личинкалари дала четларида, увватларда, сугориш ва зовур тармоқлари қирғоқларида сақланиб қолиб, аксарият йилларда кучли совуқ таъсирида нобуд бўлиши кузатилган.

Кузги-қишики мавсумда ҳаво ҳароратининг нисбатан илик ва қуруқ келиши ғалла ривожининг яхшиланиши билан бирга, касаллик ва заараркунанда ҳашаротларнинг ҳам нобуд бўлмасдан қишилаб чиқишига қулай замин яратди.

Кузги бошоқли дон экинлари ривожини яхшилаш мақсадида март ойида карбамидли суспензия бериш зарур. Эрта баҳорда ғалла экинлари қўшимча озиқлантиришга эҳтиёжи юқори бўлади, шу каби бегона ўтларнинг ҳам авж олиб ўсиши, заараркунанда ҳашаротлар ва касалликларнинг ғалла майдонларида айнан шу даврда жадал ривожланишини инобатга олиб суспензияга инсектицид, фунгицид ва гербицидларни кўшиб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ғалла экинлари баҳор мавсумида ҳар 7-10 кунда камидан бир марта майдонда заараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг

тарқалиш ҳолатини мунтазам назоратдан ўтказиб бориш лозим.

Сариқ занг касаллиги

Сариқ занг буғдой баргларини зааррлайди, кучли ривожланганда барг қини, бошоқ қилитиqlари ва бошоқча қобиқларига ва донга ўтади. Бу касаллик кўнгир зангга нисбатан камроқ тарқалган. Аммо келтирадиган зарари юқори шу сабабли, ўта хавфли ҳисобланади. Сариқ занг касаллиги билан дон тўлиш фазасида зааррлансан 5-10% дан 30-35% гача, агар ривожланиши эрта бошланиб, байроқ барг чиқариш фазасида ривожланиши 50-60% га етса, ҳосилнинг 33,5-39,4% гача, ҳатто, ундан ҳам кўп йўқотилиши мумкин. Касаллик билан зааррланган ғаллада ҳосил кескин пасайиб, дон пуч бўлиб қолади дон сифати ёмонлашади.

Март ойининг иккинчи ўн кунлиги охиридаги нисбатан совуқ ҳаво ҳарорати занг касалликлари спорасининг жадал ривожланиши учун қулай шароит яратади. Сариқ занг споралари муз эриш

Буғдой касалликларининг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда бошоқли дон ҳосилнинг турли фазаларида нобуд бўлишининг тахминий миқдори, %

Касалликлар	Касаллик ривожланиш даражаси		
	Бошоқлаш	Найчалаш	Туплаш
Буғдой			
Сариқ занг	5-10	15-35	40-60
Кўнгир занг	3-7	15-35	35-55
Септариоз	5-10	15-25	30-40
Ун-шудринг	5-10	15-25	20-45



Сариқ занг касаллигининг ташқи кўриниш белгилари.

ҳароратидаёқ (0°C да) ўсишни бошлайди, $7-14^{\circ}\text{C}$ да қулай ўсади ва $20-23^{\circ}\text{C}$ гача ўсишда давом этади. Спора ўсимталари буғдой барги тўқималари ичига ҳарорат 2°C ва 23°C (оптимум $7-14^{\circ}\text{C}$) орасида бўлганида киради. Янги споралар ҳосил бўлиши 5°C ва 20°C орасида, энг қулай $12-15^{\circ}\text{C}$ ҳароратда кузатилади.

Сариқ занг споралари муз эриш ҳароратидаёқ (0°C да) ўсишни бошлайди, $9-13^{\circ}\text{C}$ да қулай ўсади ва ўсишни 23°C гача давом эттиради. Спора ўсимталари буғдой барги тўқималари ичига ҳарорат 2°C ва 23°C (оптимум $8-13^{\circ}\text{C}$) орасида бўлганида киради. Янги споралар ҳосил бўлиши 5°C ва 20°C орасида, энг қулай $12-15^{\circ}\text{C}$ ҳароратда кузатилади.

Занг касалликларига қарши Альто Супер, 33% эм.к. 0,3 л; Бампер, 25% эм.к. 0,5 л; Колосаль, 25% эм.к. 0,3-0,5 л; Фалькон, 46% эм.к. 0,4 л; Импакт, 25% сус.к. 0,25-0,5 л; Консул, 12,5% сус.к. 0,5-0,75 л фунгицидларини 200-300 литр ишчи эритма ҳисобида қўллаш тавсия этилади.

Заараркунандаларга қарши кураш чоралари

Заарарли хасва. Ҳаёт кечириши етук зот шаклида дала атрофларидаги уватлар, қир ва тоғолди, кесаклар остида ва ўсимлик қолдикларида тўпланиб қишлоаб чиқади.

Хасванинг уйғониши март-апрель ойларида, ўртача бир кечакундузлик ҳарорат $10-12^{\circ}\text{C}$ га етганда бошланади. Қишлоқ жойининг ўртача ҳаво ҳарорати $12-20^{\circ}\text{C}$ бўлганда хасва ғалла майдонлари томонига учиб, тарқала бошлайди.

Заарарли хасванинг уйғониши март-апрель ойларида, ўртача бир кечакундузлик ҳарорат $10-12^{\circ}\text{C}$ га етганда бошланади. Қишлоқ жойининг

ўртача ҳаво ҳарорати $12-20^{\circ}\text{C}$ даражада бўлганда хасва ғалла майдонларида кенг тарқалишини бошлайди.

Хасванинг қишлоаб чиқсан авлодига қарши кимёвий кураш буғдойнинг тупланиш пайтида ҳар 1 m^2 майдонга ўртача 1-2 ва ундан кўп етук зот тўғри келса ўтказилади. Янги явлодга қарши эса ғалла бошоқланиши билан ҳар 1 m^2 майдонда 5-10 та хасва личинкалари тўғри келганда ўтказилади.


Заарарли хасванинг буғдой баргидаги тухуми (1), I-V ёш личинкалари (2-6) ва етуклик даври (7).

Заарарли хасва зарари. Хасва билан заарарланган ўсимлиқда заараркунанда зичлигига кўра (30-40%) гача ҳосилдорлик камаяди, янги донуругнинг унувчанлиги эса (50%) гача пасайиши қайд қилинган.

Заараркунанда ҳашаротларга қарши Каратэ (Киллер, Кураш, Далате, Ломбардо), 5% эм.к. 0,15-0,2 л; Децис (Депцис, Экоцис), 2,5% эм.к. 0,25 л; Нурелл-Д (Циперфос, Агрофос-Д, Дуэт, Тагрил-Д, Хлорцирин, 55% эм.к. 0,5 л; Карбофос (Фуфанон), 57% эм.к. 1,5-2 л; Суми-альфа (Эсфен-альфа), 5% эм.к. 0,2-0,3 л; Суми-альфа (Эсфен-альфа, Бест- гол), 20% эм.к. 0,07-0,08 л; Данадим, 40% эм.к. 1,5 л сарф мөъерида 200-300 литр эритмада қўллаш яхши самара беради.

Бегона ўтларга қарши кураш чоралари

Республиканинг ғалла майдонларида begona ўтларнинг 200 га яқин турлари учрайди. Begona ўтлар ғалла майсаларини сиқиб, келгусида соя қиласида ва экиннинг тўлиқ ривожланишига йўл кўймайди. Экинга бериладиган сув ва озуқа моддаларининг ҳам бир қисмини ўзлаштириб,



Зарарли хасванинг буғдой баргидаги тухуми (1), I-V ёш личинкалари (2-6) ва етуклик даври (7).

ҳосилдорликнинг кескин пасайиб кетишига олиб келади. Яна бир жиҳат: кунлар исиб, тупроқдаги ўртача ҳарорат 14-16 даражага етганда турли хилдаги баҳорги бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтлар ҳам униб чиқа бошлайди. Бу эса уларга қарши курашишни бироз қийинлаштиради.

Бегона ўтлар зааркунданалар учун ҳам кўшимча хўжайин, ҳам озуқа моддалар манбайдир. Бегона ўтлар (уруғлари) арапашган фалланинг нархи ва сифати пасаяди. Қўйпечак ва қўмри ўти пояга чирмасиб, экинни ётқизади, комбайн ишлашини қийинлаштиради, ўрим-ийғим техникасининг самарадорлиги 30-40% га пасаяди ва фалла ерга тўклилиб, исроф бўлади.

Буғдой майдонларидағи бегона ўтларнинг тури, баландлиги ва қалинлиги ҳисобга олинган ҳолда, гербицидни сарфлаш меъёри мутахассис томонидан белгиланади. Гербицидлар трактор пуркагичлари (ОВХ-28) ёрдамида сепилгандан гектарига сув сарфи 200 литрни, моторли қўл пуркагичлар ёрдамида қўлпанилганда 100 литрни ташкил этиши лозим. Шундан сўнг 4-5 кун ўтиб, бегона ўсимликлар сарғая бошлайди, 10-14 кундан кейин эса бутунлай қуриб, нобуд бўлади.

Ушбу гербицидларни об-ҳаво очиқ кунлари ҳарорат ўртача 5 даражадан юкори бўлганда қўллаш тавсия этилади. Тунги қисқа муддатли ҳароратнинг пасайиши самарадорликка салбий таъсир кўрсатмайди. Ишлов ўтказилгандан кейин уч соатгача ёмғир ёғмаган тақдирдагина гербицидларнинг таъсир этувчи моддаси бегона ўтлар танасига тўлиқ сингиб улгуради. Гербицидлар, фуницидлар ва инсектицидлар билан биргалиқда қўлланганда сарф харажатлар анча камаяди.

Бунда, бир йиллик иккى паллали бегона ўтларга қарши Громстор, Далстар, Тайфун, гербицидларини ҳар гектарига 20 г; Гранстар плюс, 50% с.э.г. 30 г; Серто плюс, 25% с.э.г. 0,1-0,15 кг; Дерби, 17,5% сус.к. 50-60 мл; Старане, 20% эм.к.

0,75-1 л; Старане премиум, 33% эм.к. 0,5-0,6 л сарф меъёри ҳисобида пуркаш тавсия этилади.

Галласимон бир уруғпаллали бир йиллик бегона ўтларга қарши Топик (Далзлак - Т, Тердок), 8% эм.к. 0,4 л; Овсюген экстра, 17,5% эм.к. 0,4 л; Ал - максан, 28,4% эм.к. 2 л; Атлантический, 3,6% с.э.г. 0,25-0,3 кг гербицидидан ишлатиш лозим. Бунда ҳам гербицидларни бегона ўтларнинг буйи 7-10 см бўлганда қўллаш ҳам яхши самара беради.

Гербицидлар самарадорлигига таъсир қиливчи омиллар

Гербицидларнинг танлаб таъсир қилиш хусусияти, уларни сарфлаш меъёрларининг аниқ бир микдорлари орасида намоён бўлади ва бу хусусият нафақат маданий экин ва бегона ўтлар турларининг ўзига хослиги, ваҳоланки тупроқ, об-ҳаво, агротехник шароитлар, баъзида эса навларнинг препаратларга мойиллиги билан ҳам боғлиқидир.

Галла экинларида гербицидлар қўллаш учун энг қулай давр-туплаш ва поя ўсиш фазалари бўлиб, бу вақтда бегона ўтларнинг фаол ўсиши кузатилади ва улар кимёвий воситалар таъсирига жуда мойил (чидамсиз) бўладилар.

Гербицидларнинг бегона ўтларга энг кучли таъсири куруқ, илик ва шамолсиз шароитда, ҳаво иссиқлиги 16-22°C ва нисбий намлик 50% дан баландлигига кузатилади. Пастрок ҳароратларда ишлатганда препаратлар самараси ҳам пасаяди. Иссиқ ҳавода қўллагандан экинлар органлари кувиши, кимёвий воситалар эса тез буғланиб кетиши мумкин. Гербицид сепилгандан сўнгра 3-5 соат ораларида ёмғир ёғиши ҳам кимёвий воситалар самарадорлигига салбий таъсир қиласи.

Ойбек АМАНОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

Акмал МЕЙЛИЕВ,

қ.х.ф.д., к.и.х.,

Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти.



БОГЛАРДА БАҲОР КЕЗМОҚДА

**Боғбонларнинг боғ ва токзорлардаги
баҳорги юмушлари авжидা**

Мамлакатимизда ҳар йилгига нисбатан жойий йилда қиши ойлари декабрь ва январда ҳаво ҳарорати анча совуқ бўлиб, қор ҳамда ёғингарчилик миқдори кўп бўлди. Ушбу шароитда дараҳтларда тиним даври бироз ҷузъилди. Мева дараҳтларидан ҳар ичи муттасил мўл ҳосил олишга қаратилган агротехник тадбирлар комплексида дараҳтларга тўғри шакл бериш, буташ, сийраклаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирлар ҳаво ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлганда баъсарилади.



Данакли мевалиларнинг ҳосил куртакларини эрта уйғонишига йўл қўймаслик учун март ойининг биринчи ярмигача боғларда имкон даражасида 1-2 маротаба яхоб сувини бериш зарур. Бунда ҳар бир гектар боғга **1500-2000 м³, токзорларда **1200-1500 м³** миқдорида яхоб суви бериб **4-5** кун давомида сугорилади. Яхоб суви билан сифатли сугориш натижасида тупроқ **2 м.** чуқурликкача тўлиқ намланади. Яхоб сувини сифатли ичган боғларда дараҳтлар ва токзорларнинг асосий илдизлари жойлашган тупроқ қисми яхши намланади ҳамда тупроқ ҳарорати анча пасайиши боис дараҳтлар куртакларининг ҳаракати **8-10** кунга кейинга сурилади. Яхоб суви **1-2** марта берилса, боғларда куртакларнинг эртаги ҳаракати анча кечикилади.**

Боғларда дараҳт таналарини ва скелет шоҳларини оҳак билан оқлаш зарур. Бунда 10 л. сувга 2 кг. оҳак ва 1,5 кг. тупроқни аралаштириб дараҳтларнинг танаси ва она шоҳлари оқланади. Дараҳт таналарини оқлаш билан новдалардаги куртакларнинг ҳаракати кечикирилади.

Мевали боғларда дараҳтларга 3 фоизли бордо суюқлиги билан пуркаш яхши натижада беради. Бунда Бордо суюқлигининг оҳак қисми 4-5 фоизга ошириб пуркалса, суюқлик оқ ранг бўлиши натижасида дараҳтлардаги ҳароратни пасайтиради

ҳамда куртаклар ҳаракати секинлашади.

Дараҳтларга шакл бериш, буташ-сийраклаштиришнинг афзаллиги, бунда дараҳт ортиқча ғовламайди, ҳосилдорлик ва меваси сифатли бўлиб, ҳосил асосан, дараҳт танасининг ичидаги шаклланади, танасида ҳаво яхши юради ва қуёш нурининг тушиш даражаси баланд бўлади. Боғларда дараҳт қатор ораларини ҳайдаш, сугориш учун эгатларни олиш, дараҳт тагларини ағдариб чопиш ишларини бажариш керак.

Ҳосилли боғ ва токзорларда эрта баҳорда (март ойи бошларида) озиқлантириш учун минерал ўғитлардан соғ ҳолда азотли ўғит 120 кг, фосфорли ўғит 90 кг ва калий ўғитидан 30-45 кг. бир гектарга (20-25 см чуқурликда) соғлиб озиқлантириш керак. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган боғларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида ушбу меъёрни 20-30% га ошириш мумкин. Минерал ўғитлар органик ўғитлар билан кўшиб берилса, уларнинг самараси анча ошади.



Кейинги йиллари баҳор фаслида қисқа муддатли совуқлар тез-тез тақрорланиб туриши сабабли дараҳтларга салбий таъсир қилимоқда. Бунинг учун мевали дараҳтларни қисқа муддатли совуқлардан асраш мақсадида боғнинг ҳар бир гектар майдонига тутатиш учун гўнг, хашак ва хазон аралашмасини йигиб қўйиш (уюмлар сони **150-200 та) мақсадга мувофиқдир.**

Жойларда фермер хўжаликлар, боғбонлар бунга унчалик аҳамият бермасликлари боис айрим йиллари ҳосилни йўқотиб кўймоқдалар. Яна бир тадбир бу боғларда қатор ораларида суфориш ариқларини олиб, совуқ келиши олдидан, ариқлардан оз миқдорда жилдириатиб сув оқизиши натижасида ҳаво ҳарорати 2-3°C кўтарилиб, баҳорги аёзли қора совуқлардан саклаш мумкин.

Боғларда дарахтларнинг куртаклари бўртганда ҳаво ҳарорати +10°C дан паст бўлмаганда данакли, уруғли боғларга 3% бордо суюқлиги билан ишлов берилади (100 литр сувга 3 кг мис купороси ва шунча сўнмаган оҳак қўшилади).

Резавор мевали ўсимликларда эрта баҳорда қулупнайзор қатор оралари ва туп атрофи юмшатилади. Март ойининг бошларида, тупроқ қуриши билан қулупнайзорда ўсимлик тупларининг эски барглари тўплаб олинниб, даладан ташқарига чиқариб, ёқиб юборилади. Сўнгра ўсимлик қатор ораларига ишлов беришдан олдин минерал ўғитлардан 90 кг. азотли ва 50-60 кг. фосфорли ўғит солиниб юмшатилади, туп атрофи кўлда чопик қилинади. Орадан 20-25 кун ўтгач, иккинчи марта ишлов берилади, яъни қатор оралари ўтоқ қилиниб, юмшатилади.

Эрта баҳорда қорағатзорларда (смородина) қорағат тупларига шакл берилади. Бунда, биринчи навбатда, қуриб қолган, синган ва касалланган новдалари олиб ташланади. Тудаги нимжон новда ва шохлари, ўсимликнинг асосий қисмини салқинлатиб кўядиган, ердан кўкариб чиққан бачки новдалари хам кесиб ташланади.

Қорағат тупидаги асосий ҳосил ўтган йили чиқарган новдаларида шаклланади. Йиллар ўтиши билан ўсимлик 2 ва 3-тартиб новда чиқаради, ҳосилнинг шаклланиши ҳам марказидан узоқлашиб боради. Новда чиқариш тартиби қанча кўп бўлса, туккан мевалари хам шунчалик майда бўлади. Шунинг учун 5 ёшга етган шохлар кесиб олиб ташланиб, ўрнига янги чиққан бир йиллик новдалардан 4-5 та қолдирилади. Ўсимлик 4-5 ёшга етганда бир тупда ҳар хил ўшдаги новдалар сони 15-20 та бўлиши керак.

Қорағат тупларига шакл бериб бўлингач, қатор ораларига 120-150 кг. соф азот ҳисобида азотли ўғит солиниб, юмшатилади.

Март ойи охирида қорағат гуллай бошлайди. Қорағат гуллаш вақтида биринчи сув берилади.

Малина ҳамда маймунжон экилган ерларимизда эрта баҳорда қуриб қолган новдалари ҳамда кўп ўсган нимжон новдалари олиб ташланади. Қатор оралари 10-12 см., қатор ичи 4-5 см. чуқурлиқда юмшатилади.

Малина ҳамда маймунжонзорга минерал ўғитлардан эрта баҳорда гектарига 150-200 кг. ҳисобида азотли ўғит билан озиқлантириллади ҳамда сўфорилади.



Эрта баҳорда **токзорларда** таъмирлаш ишлари, яъни темир бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб чиқиш, устунлар тагларини зичлаш ишлари тугалланади.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим худудларда ойнинг охиридан кўмилган ток туплари очилиб, симбағазларга кўтариб боғлаш ишлари амалга оширилади. Токзорларда ток ораларида қуриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун новдаларни пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Токлар симбағазларга кўтариб боғлангач, қатор ораларига маҳаллий ўғитлардан гўнг 10-20 т/га, минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли 60 кг/га, калийли 30 кг/га ҳисобида солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.

Боғлар, резавор мевалилар, иссиқхоналарда цитрус ўсимликлари ҳамда токзорларда агротехник жараёнлар ўз вақтида, сифатли бажарилса, сифатли ва мўл мева-узум ҳосили олишга эршилади.

Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф.ф.д. (PhD), катта илмий ходим,
Жамшид АГЗАМХОДЖАЕВ,
катта илмий ходим,
Академик М.Мирзаев номидаги БуваВИТИ.



КЎКЛАМ ЮМОУШЛАРИ АВЖИДА

Баҳор фасли кириб, кунларнинг аста-секин исиб бориши сабзавоткор дехқонларимиз, фермерларимиз ишига иш кўшиб боради, далада амалга ошириладиган юмушлари авжига чиқа бошлайди.



Ушбу ойда Республикаизда катта майдонларда етиштириладиган асосий иссиқсевар сабзавотлардан - помидор, бақлажон, ширин қалампир, аччик қалампир кўчатларини етиштириш, сифатли кўчат тайёрлаш ишларини давом этишиларни лозим. Кўчатлар тавсиялар асосида ўз муддатида ва меъёрида озиқлантирилади ва суфорилади.

Маълумот учун

Эртаги муддатда сабзавотларни дастглабки ўсув даврида шаффоф полиэтилен плёнка остида парвариш қилиш низолларнинг барвақт пайдо бўлишини ва ушбу экин ҳосилини оддий усулга нисбатан камида 15-20 кун эрта пишиб етилиш ва йигиб олиш имкониятини беради. Шу билан бирга, кечикиб экилган сабзавотларнинг ривожини тезлаштиришга имкон беради.

Салқинсевар сабзавотлардан - оқбош карам, гулкарам, сабзи, пиёз, ош лавлаги ва салат экинларини парваришилаш, озиқлантириш ва суфориш ишларини ўз вақтида ҳамда тавсия этилган муддат ва меъёrlарда тавсия асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Оқбош карам

Оқбош карам кўчати экилиб бўлгандан кейин тупроқ намлигига қараб, дала кетматек суфорилади. Орадан 2-3 кун ўтгач, кўчат ўтказилган эгатлар текширилади, хато жойларга захирадаги кўчатлар экилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари чопиқ ёки культивация қилинади. Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади.

Карам кўчатлари экиб бўлингандан кейин 7-10 кун ўтказиб биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари махсус КРН-4,2 ёки бошқа культиватор билан 15-16 см чуқурлиқда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, маъдан ўғитлар билан озиқлантирилади ва сув берилади. 20-25 кундан кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади.

Оқбош карам тупроқ унумдорлигига, маъдан ўғитларга ўта талабчан.

Ўғитлашда йиллик фосфор



ўғитларининг 70-75% миқдори, калийнинг 50% ерга асосий ишлов беришда, қолган 25-30% фосфорни 50% азот билан биргалиқда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олдидан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотни 50%, калийни 50% билан биргалиқда карам боши ўрай бошлаганда ўсимликка яқинроқ қилиб берилади. Оқбosh карамни юқорида кўрсатилгандек ўғитлаш ўғитлардан самарали фойдаланишга, ҳосилнинг кўпайишига, унинг сифати яхшиланишига олиб келади.

Бўз туроқли ерларда эртаги карамага 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта сув бериш тавсия этилади. Суғориш меъёри гектарига 500-550 м³.

Гулкарам

Гулкарам етиштириш мавсумига қараб суғориш тизими ҳам фарқ қиласди. Плёнкали қопламалар остида етиштирилганда гулкарам ўсов даври жуда салқин пайтга тўғри келади. Биринчи суғориш кўчат ўтказиш пайтида амалга оширилади ва бунда сув сарфи 200-250 м³/га.

Ўсов даврида гулкарам ўсимликлари қатор ораликлари ва ўсимлик оралари чопик қилинади ва юмшатилади. Ўсимликлар қатор ораларини ёпиб олишигача 2 марта чопик ва 3-4 марта культивация қилинади.

У экиладиган ҳар бир гектар ерга 30-40 тонна чириган гўнг, соф модда ҳисобида 400-500 кг азотли, 250-300 кг фосфорли ва 150-200 кг калийли ўғит солиниши лозим.



Унинг ўсов даврида баргидан кўшимча озиқлантирилиб, гўнг шарбати берилса, гулкарамдан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади. Тупроқда озиқ моддаларнинг етишмаслиги унинг ҳосилдорлигига, урғу маҳсулдорлигига, касалликларга чидамлилигига, биокимёвий таркибига ва уруғлик сифатига катта таъсири кўрсатади.

Сабзи

Сабзини парваришлаш жараёнидаги энг муҳим масалалардан бири ургуни ердан текис ундириб олишdir. Сабзи ниҳоллари туроқ доим нам бўлганда 5-7 кунда кўринади ва 10 кунда униб чиқади.

Сабзи униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яганалашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Даствлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейинги сеса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида ягана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун кичик майдонларда қўл кучи ёрдамида, катта майдонларда гербицидлардан фойда-

ланилади. Бир йиллик ўтларга қарши экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг бегона ўтлар уруғи ердан унгунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5 фоизли препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Сабзи ўсимлиги бошқа сабзавотлар каби туроқ унумдорлигига, асосий озиқа элементларига талабчандир. Озиқа элементлари тавсия этилган миқдорда берилганда юқори ҳосил олиш имкони бўлади.

Сабзи ўстиришда туроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суғоришдан олдинги туроқнамлиги 70-75% бўлиши керак.



Кўкламда экилган сабзи апрелнинг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Даствлабки пайтларда экин ҳар бир ярим-икки ҳафтада, майнинг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суръатда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суғорилади.



Ҳосил етилиб, йигим-терим пайти яқинлашганда суғориш тұхтатилади.

Сизот суви чүкүр жойлашган ерларда әртегі сабзи үсув даврида 8 марта, сизот суви юза жойлашган далаларда эса 5-6 марта суғорилади.

Пиёз

Пиёз тұқсонасты әки әртә баҳорда әкілгандан баҳорда ердан униб чиққандан сұнг иккі-уч маротаба: дастлаб үсиммикларнинг бүйи 6-8 см еттанда, иккінчи марта 16-18 см бүлгандан ва товар ҳолига келгандың үткіншілігінде. Қатор оралариңдегі бегона үтлар махсус КРН-4,2 әки башқа культиватор билан ер 15-16 см чүкүрликда юмшағанда орқали йүқтеледі.

Пиёздан бүз тупроқтарда 30-40 тонна ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга соф ҳолда үртака 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий беріш лозим. Үтлоқи, үтлоқи-ботқоқ тупроқтарда эса минерал үғит мөжіліктері бир оз камайтириліп, соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калийни гектар ҳисобида беріш тавсия этилади.

Үғитларни беріш муддаты: фосфор үғити йиллик миқдорининг 70-75% ерга

асосий ишлов беріш даврида, қолған қисми эса ерни бороналашдан олдин берилади. Азот үғити эса вегетация даврида озиқлантириш пайтида тент иккиге бүлиб берилади. Биринчи озиқлантириш пиёз яғаналанып, үткі қилингандан сұнг, иккінчиси эса илдизмелевалар шакллана бошлаганда берилади. Пиёз үсиммилігінде органик үғитлардан янги ғүнгні беріши тавсия этилмайды.

Пиёз тупроқнинг сернама бүлишини хоҳлайды, унинг илдизи яхши ривожланмаганлигидан тупроқ намлигига талапчанлығы ниҳоятда күчли. Урұғ униб чиқаётгандың ва пиёз башқа шаклланаётгандың даврда әкіннинг сувга талаби, айника, ошади.

Пиёзни суғорыш тартиби екиш муддатига қараб турлича бүләди. Қишиға яқын ва баҳорда сепилған пиёз майсалары күрингандан кейин суғорилади. Биринчи сув, одатта, баҳорға ёғын-сочин тұхтагандан кейин берилади. Күкпам серәғин келген йилларда бу муддат апрелнинг иккінчи ярмiga, күрғоқчыл келген йилларда эса апрелнинг башларига, айрим ҳолларда эса, ҳатто, мартнинг охирiga түғри кела-

Пиёзни тез-тез суғориш то пиёз башы шаклланишининг охиригача давом эттирилиб, янги барг үсіб чиққандан сұнг тұхтатилади.

Укроп

Укроп үсиммилігінинг бүйи 20 см га етганда, майин масса үйікән вактда ва әнг үткір хидли бүлгандың үйишиши көрек. Ҳосилни үйишиши вакті әкіладиган нав ва етишириш муддатларға күра турличады. Үсиммикларни үйишишида илдизи билан суғуриб оли-



нади. Укропнинг тупроқ юзидан юқориги қисмини кесиб үйишиши ҳам мүмкін. Бунда суғорилғандан сұнг яна үса башлайды ва уни иккінчи марта үриб олиш мүмкін. Укропнинг ҳосилдорлығы плёнкали иссиқхоналарда етишириш муддатига қараб – 1,5-2,5 кг ни ташкил қиласы.

Рустам НИЗОМОВ,

қ.х.ф.д.,

Фахриддин РАСУЛОВ,

қ.х.ф.ф.д.,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик ИТИ.



ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

ПАХТАЧИЛИК РАВНАҚИНӢ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 январдаги “Пахта хомашёсини етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори пахта етиштириш ва кўшилган қиймат занжирини яратишдаги тизимли муаммоларга ечим бўлди.



Алоҳида таъкидлашимиз керакки, шу пайтгача пахта хомашёсини харид қилиш ва етказиб бериш бўйича томонлар ўртасида шартномалар тузилишида қатор бюрократик тўсиқлар ва ноқонуний аралашувлар мавжуд эди.

Мазкур қарорга асосан томонлар ўртасида фьючерс шартномаларини рўйхатдан ўтказишиш ва мониторинг қилишнинг шаффоф тизими яратилмоқда. Эндиликда ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил ҳосили учун фьючерс шартномалари тузилиб, солиқ органларининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилади ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Агроплатформа” ахборот тизимига интеграция қилинади.

Бугунги кунда пахта хомашёсининг харид нархини белгилашда кластерлар ва фермерлар ўртасида турли эътиrozлар ва келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Ушбу қарор билан вазирлик Нью-Йорк биржасида пахта толасининг ўртача ойлик фьючерс котировкалари таҳлилини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради ҳамда томонлар пахта хомашёсининг харид нархини ўзаро манфаатли келишув асосида ҳисоб-китоб қиласидилар.

“ Эндиликда, пахта-тўқимачилик кластерларида бўнак маблагларини ишлаб чиқарувчилар билан келишув асосида пул ва моддий ресурслар шаклида амалга ошириш имконияти яратилади. Шунингдек, уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда етказиб берилади ва кунлик электрон ҳисобварақ-фактурапар орқали расмийлаштириб борилади.

Маълумки, лазерли ер текислаш ишларини олиб бориш пахта ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг структурасини яхшилаш, айниқса 20 физигатча сув тежашда мухим ҳисобланади. Лекин ушбу замонавий техниканинг нархи қиммматлиги сабабли кластерлар ва пахта етиштирувчилар томонидан етарли миқдорда сотиб олинмаяпти.

Шу боис, жорий йилдан бошлаб, сотиб олинган хорижий ва маҳаллий лазерли ер текислагич агрегатлари қўйматининг 30 фоизи Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Яна бир жиҳати, сўнгги йилларда пахта етиштиришнинг таннархи ортиб бориши кузатилмоқда, бунинг сабабларидан бири пахта хомашёси етиштириладиган майдонларни на-

сос орқали суғоришда сарфланадиган электр энергияси харажатлариридир.



Эндиликда ушбу ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, пахта хомашёси етишириладиган майдонларни насос орқали суғоришда сарфланадиган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда экинларнинг униб-ўсишини кузатиб бориш, ўсимлик касалларни ҳамда зараркунандала-рига тезкор қарши курашиш ва бошқа зарурий агротехник тадбирларни амалга оширишда учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан кенг фойдаланилади.



Бу борада энди бизда ҳам давлат-хусусий шериклик асосида пахта-тўқимачилик кластерлари маблағлари ҳисобидан учувчисиз учадиган аппаратлар олиб келинади ва Қишлоқ хўжалигига хизматлар кўрсатиш агентлиги орқали маҳсулот етиширувчиларга хизматлар кўрсатиш йўлга кўйилади.

Бунга қўшимча сифатида яна шуни айтиш мумкинки, минерал ўғитлар нархи барқарорларни таъминлаш ва танқислигининг олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 январга қадар импорт қилинадиган айrim турдаги минерал ўғитларга божхона божининг «ноль» ставкаси қўлланилади.

Яратиб берилган имкониятлар натижасида кластерлар томонидан мавжуд хомашёга нисбатан тола ишлаб чиқариш 140 фоиздан, ип-калава ишлаб чиқариш 100 фоиздан ошади. Айниқса, ип-калавадан мато тўқиши, матони бўяш ва пардозлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд кувватлар ва амалга ошириладиган ин-

вестиция лойиҳаларининг барча қайта ишлаш босқичларида бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган тўрт томонлама битимга ўзgartариш ва қўшимчалар киритилади.



Шунингдек, пахта ва ғалла етиширувчи фермерлар учун барча солиқлар бўйича ҳисобланган ва тўланмаган пениялар ҳисобдан чиқарилмоқда. Бу ўз навбатида фермер хўжаликлари молиявий ҳолатининг яхшиланишига сабаб бўлади.



Кластерлар ва пахта етиширувчилар фамилиятига хорижнинг энг илфор тажрибаларини жорий этиш ҳамда уларнинг замонавий билим ва малакаларини ошириб бориш энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Бу борада 2023–2025 йилларда пахта етиширища замонавий илм-фан ютуқлари, илфор хорижий тажрибаларни фермер хўжаликларида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда унинг худудий марказларига 20 миллион АҚШ доллари миқдорида ҳалқаро молия институтлари маблағлари жалб қилинади.

Барча яратилган тизим, берилган имтиёзлар ва давлат томонидан кўллаб-куватлов тадбирлари кластерлар ва фермерларга катта имконият ҳамда рагбатлантириш бериш билан бирга пахта етишириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қўймат ва даромадни кўпайтириш бўйича мажбуриятларимизни янада оширади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор ижроси натижасида пахта-тўқимачилик соҳасини янги босқичга кўтариш, соҳада қулай инвестиция муҳитини яратиш, ҳудудларда янги иш ўринларини ташкил этиш ва, албатта, соҳада банд аҳолининг даромадини оширишга эришилади.

Соатмурод ҚУЛМИРЗАЕВ,

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
бошқарма бошлиғи ўринбосари.**

ЎЗБЕКИСТОН СУВНИ ТЕЖАШДА

Марказий Осиёда ташаббускор



Марказий Осиёда йилдан-йилга тобора сезилиб бораётган сув танқислигининг кутилаётган муқаррар салбий оқибатларини юмшатиш чоралари кўп. Суғориш тармоқларини бетонлаштириш ва уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш, ерларни лазерли текислаш, сувдан самарали фойдаланишга эришиш, соҳани тўлиқ рақамлаштириш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни кенгайтириш, суғориш маданиятини юксалтириш кабиларни бунга қилиб мисол келтириш ўринли.

Бугунги кунда мутахассислар сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга асосий эътиборни қаратишмоқда. Сабаби, бу усул давлат бюджетига кўп юк бўлиб тушмайди, асосан, сув истеъмолчиларининг ўз маблағлари ҳисобига барпо этилади. Нафақат сув, балки минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, ишчи кучи кабиларга сарфхаражатларни тежаш билан бирга ҳосилдорликни ошириши нуқтаи назаридан унинг самарадорлиги юкори.

Айнан сув танқис бўлган ҳудудларда тежамкор технологияларни кўллаган дехқон ва фермерларнинг мўл ҳосил ва кўп даромад олаётгани ҳақидаги ҳаётий мисоллар бу тажрибанинг янада оммалашшига турткি бўляпти. Бухоро вилояти Олот туманидаги “Жумагеди” фермер хўжалиги, Наманган вилояти Тўракўргон туманидаги “Бахтиёр-Неъматжон-Шавкатжон” фермер хўжалиги, Андикон вилояти Кўргонтепа туманидаги “Хантекс”, Фарғона вилояти Кўштепа туманидаги “Фарғона глобал текстил”, Сардоба туманидаги «Сардоба универсал кластер» кластер ташкилотлари тежамкор технологияларга ўтишда ўз ҳудудининг “локомотиви”га айланган десак муболага эмас.

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб сувтежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш механизми йўлга кўйилгани, жумладан, субсидиялар ажратилаётгани катта самара бериб, кластер ташкилотлари ва фермерларни рагбатлантиримоқда.

“ Субсидиялар ажратиш йилдан-йилга тако-миллаштириб борилаяти. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2019 йилда 137,9 млрд. сўм, 2020 йилда 251,6 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган бўлса, 2021 йилдан бошлаб давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар миқдорини технологиянинг сифат қўрсаткичидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби белгиланди ҳамда шу йили 899,4 млрд. сўм, жумладан, пахта майдонларида жорий қилинган технологиялар учун 754,4 млрд. сўм субсидия ажратиб берилди.

2022 йилда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоғо механизмини йўлга кўйиш мақсадида

“Томчи-реестр” пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри ишга туширилди. Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш юзасидан маълумотларни келишишинг “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, сув тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш механизмлари такомиллаштирилди ва замон талабларига мослаштирилди. Яъни, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харакатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратилидиган субсидиялар миқдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланиши ҳамда ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 50 фоизи тизим жорий қилинган йили ажратилиши, 50 фоизи келгуси йили ҳосилдорлик ошиши ва ускуналарнинг ишлатилишига қараб ажратилиши, кўшимча 20 фоизи учинчи йилда жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда юқори ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, галла ва мева-сабзавот кластерларига тўлаб берилиши йўлга кўйилди. Янги тартиб асосида пахта ҳомашёси этиштирувчиларига 2022 йилда тўлаб берилган субсидия миқдори 71,3 млрд сўмни ташкил этди.

Рақамларни таҳлил қиласидаги бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар 1,0 млн гектарга етказилди. Шундан томчилатиб сугориш 398 минг гектар, ёмғирлатиб сугориш 31 минг гектар, дискрет усулда сугориш 16 минг гектарни ташкил этади. 73 минг гектар майдон эгилувчан қувур орқали, 36 минг гектар майдон эгатта плёнка тўшаб сугорилса, 452 минг гектар ерлар лазерли текисланди.



Хозирга келиб Ўзбекистон сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонлар бўйича Германия, АҚШ, Россия, Испания, Бразилия ҳамда Италия давлатидан сўнг 7-уринда туради.

Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар кенгайиши ҳисобига ушбу технологияларни ишлаб чиқаришга талаб ҳам орталини. 2019 йилда мамлакатимизда сув тежовчи технологиялар билан шуғулланадиган корхоналар бармоқ билан санарли бўлганлиги учун технологияларнинг 90 фоиз ускуналари ва бутловчи қисмлари хорижий давлатлардан келтирилган. Ўша йиллари фермер хўжаликлари

томчилатиб сугориш тизимини жорий қилиш учун 100 фоиз маблагни олдиндан тўлаб, технология олиб келинишини 70-80 кун кутар эди.

Бугунги кунда йирик пахта-тўқимачилик кластер корхоналари томонидан технологияни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш саноати йўлга кўйилмоқда. Масалан, Бухородаги “Мергантекс” ва “Agrocluster” кластер корхоналари томонидан томчилатиб сугориш технологиясини тўлиқ маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Хозирга келиб Ўзбекистонда сувни тежовчи технологияларнинг ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 50 тага етди. Улар томонидан олдиндан 30 фоиз тўловни амалга оширган фермер хўжаликларига технология тўлиқ ўрнатиб берилмоқда. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилиши ҳисобига бир гектар учун маҳсулот таннахи 5-7 млн сўмга арzonлашиши билан бир қаторда жойларда савдо шахобчалари ва утилизация хизматлари йўлга кўйилди.

2023 йилда сувни тежайдиган технологияларни 500 минг гектар майдонда жорий этиши ва 1,5 млн гектарга етказиш режалаштирилган. Жумладан, бу йил 260 минг гектарда томчилатиб, 25 минг гектарда ёмғирлатиб, 15 минг гектарда дискрет усулда сугориш технологияси жорий этилади. Яна 200 минг гектарда лазерли текисланаш кўлланилади.



Ушбу технологияларни ишлатиш орқали 1,9 млрд куб метр сув, 100 минг тонна минерал ўғитлар, 13 минг тонна ёқилги мойлаш материаллари иқтисод қилинади ҳамда ҳосилдорлик ўртача 15-20 центнерга оширилиб, 300 минг гектар майдонда тақорорий экинларни сугориш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида мамлакатда сугориладиган 4,3 млн гектар майдоннинг камида 50 фоизида сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш вазифаси қўйилган. Бу йўлда амалий ҳаракатлар давом этирилмоқда, улкан марранинг деярли ярми уddyаланишига оз қолди.

Прогнозларга кўра, глобал иқлим таъсирида Марказий Осиё минтақасида сув ресурслари камайиб бораверади, аҳоли сонининг ортиши ва саноатнинг ривожланиши ҳисобига сувга талаб йилдан-йилга кучаяди. Мана шундай шароитда сув танқислигини юмшатишнинг энг мақбул ёчими сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб туриди.

Шуҳрат СЮНОВ,

Сув хўжалиги вазирлиги
Ахборот хизмати раҳбари.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



ТОМЧИ

СУВ КОДЕКСИ ПИШИҚ, ПУХТА ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Сув ҳаёт ва иқтисодий тараққиёт манбай сифатида Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда йилдан йилга тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Сув ресурсларини оқилона ва барқарор бошқариш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг зарур шарти эса сув муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмлари мавжудлигига бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар турли-туман ҳуқуқий хужжатлар билан тартибга солинади. Эндилиқда уларни бевосита таъсир қилувчи ягона ҳужжатта бирлаштириш ва ягона шаклга айлантириш вакти келди. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Сув кодекси лойиҳаси устида иш олиб бораётган идоралараро ишчи гуруҳи олдига кўйилди.



Сув кодексини ишлаб чиқишдан мақсад
Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда сув муносабатларини комплекс ва тизимлаштирилган ҳуқуқий тартибига солишини таъминлашдан иборат.



Янгиланган сув қонунчилиги, энг аввало, сув соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатларини чегаралашнинг ҳуқуқий асосларини, давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий усулларидан фойдаланишдан бозор иқтисодиёти тамойилларига йўналтирилган усул ва механизмларга ўтишини, барча сув ресурсларидан фойдаланиш ва истеъ-

мол қилишини ҳамда аҳолини сув билан таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва табиат ўртасида тақсимлашни тўлиқ қамраб олган ҳолда сув ресурсларини интеграциялашган бошқарувини жорий этишини таъминлаши лозим.

Шунингдек, кодексда миллий кадастр маълумотлар базаси билан боғлиқ сув ресурсларини ҳисобга олиш,

режалаштириш ва бошқарышнинг яхлит тизимини яратиш, маълумотларнинг барча учун очиқлиги, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда сувдан самарали ва оқилона фойдаланиш принципларига жавоб берадиган сугориш учун сув чиқариш лимитларининг янги тизими ни жорий этишга ёътибор қаратилади.





Сувни тежашни рағбатлантириш, сув хўжалигига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш, барча ер усти, ер ости ва қайтувчи сувларнинг интеграциялаштирган ҳолда бошқарув принципларини кенг татбиқ этиш, сув хўжалигига давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни қўллаш механизмлари белгилаб берилади.

мақсадда амалиётда ўзини оқлаган амалдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг концептуал қоидаларини сақлаб қолиш, шу билан бирга жамият ва иқтисодиёт тармоқларининг, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларининг замонавий талабларини акс эттирувчи янги нормаларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Шу боис, Сув кодексини ишлаб чиқишида халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка татбиқ этилишига эътибор қаратилмоқда. Чунки, Ўзбекистон сув масалалари бўйича кўп томонлама шартномалар иштироқчиси ҳисобланади. Жумладан, БМТнинг Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида конвенция, БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича конвенция, Иқлим ўзгариши тўғрисида конвенция, Халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенция (Рамсар конвенцияси)ни ратификация қилган, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан бир қатор шартномалар имзолаган.

Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш жараёнида қонунчиликнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу

Шу билан бирга, Сув кодексининг қабул қилиниши сув хўжалиги соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ваколатларининг бирбирини тақрорлаши, сув таъминотчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг масъулиятини ошириш, сувдан фойдаланишга рухсат олиш тартибини соддалаштириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамда Осиё тараққиёт банки кўмагида Сув кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишига ваколатли миллий, минтақавий ва халқаро мутахассислар жалб қилинди. Тайёргарлик босқичи сифатида хорижий давлатларнинг сув муносабатларини ҳуқуқий тартибига солиш тажрибаси ўрганилди, Ўзбекистоннинг вазирлик ва идоралари ҳамда ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорларидан таклифлар олинди.

Сув кодексини ишлаб чиқишида бундай пухта ёндашув ўз самарасини берib, сифатли ва замонавий қонун лойиҳаси тайёрланиши шубҳасиз.

Динара ЗИГАНШИНА,
Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг
Илмий-ахборот маркази директори.

СОХА ФИДОЙИСИ МУЛОҲАЗАЛАРИ



Жиззах вилояти ҳудудида Санѓзор дебномланган мўъжазгина дарё мавжуд. Туркистон тог тизмаси булоқлари сувидан ҳосил бўладиган бу дарё воҳанинг Бахмал, Фаллаорол ва Шароф Рашидов туманлари даваларини оби-ҳаёт билан таъминлаиди.

Маълумки, “Санѓзор” атамаси форсчадан туркйига ўгирилганда “тошлок”, деган маънени беради. Афсуски, кум, шагал ва тошни кайта ишловчи тадбиркорлик субъектлари, уларни сотиб пул топаётгандар Сангзор дарёси ўзани ва қирғоқбўй худудларига жиддий зарар етказмоқда.

Мухбиримизнинг республика Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш инспекциясининг Жиззах вилояти бўлими бошлиғи, “Дўстлик” ордени соҳиби Жўра Қораев билан бўлган сұхбатида шу ҳақида сўз боради.

- Жўра ака, умрининг қарийб ярим асрлик қисмини сув хўжалиги тизими равнақига бағишлаган мутахассис сифатида Санѓзор дарёси атрофида юзага келаётган муаммолар ҳақида нима дея оласиз?

- Юртимизда тадбиркорлик соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Ишбилармонлар қатор имконият ва имтиёзларга эга. Аммо, Санѓзор бўйида айрим кўштироқ иҷидаги “бизнесменлар” бундай кулаилклар фақат “мен учун яратилган”, деган хаёл билан иш тутишмоқда. Улар дарёдан тош, кум, шагал қазиб олиб, ўз эҳтиёжларини қондиришмоқда. Аммо зиммаларидаги асосий вазифа - дарё ўзанини тўприлаш ишларини “эсдан чиқариб” кўшишаётir.

- Муштарийларимиз ана шундай “қаҳрамонлар” кимлигини билиб кўйса яхши бўларди.

- Битта мисол келтираман: “BINAR TEXNO» дебномланган шўъба корхонаси бор. 20 йилдан бўён Санѓзор дарёсининг Фаллаорол тумани худудидан тош қазиб оладиган корхона вилоят экололари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, сув инспекцияси томонидан бир неча марта огоҳлантирилган ва жаримага тортилган бўлса-да, ўз билганидан қолмаяти. Дарё ўзанини тозалаш-тўғрилаш ишларига умуман эътибор қаратмайди. Натижада, корхона учун ажратилган худудда дарё қисмининг туби 3 метргача пасайб, эни 200-300 метргача кенгайиб кетган. Бундай мисоллар жуда кўп.

- Дарёдан тош қазиб олишга руҳсати борлар тадбиркорларга қандай талаблар қўйилади?

- Тош савдоси билан шуғулланаётган корхоналарда биринчи галда оқова сувни бирламчи тозалашга мослашган ўралар (отстойниклар), махсус ҳовузлар бўлиши керак. Аммо уларнинг аксарияти бу талабни ҳам бажаришмайди. Оқибатда кум-шагал ювишда ишлатилган чиқинди сув янга тўғри дарёга оқиб тушаётir.

Кум-шагалининг аёвсиз қазиб олиниши натижасида дарё устидаги айрим кўприкларнинг таянчлари атрофи ҳам ювиллиб келаётir.

- Жўра ака, дарё ўзанининг бундай мажбуран, нотабиий ўзгартирилиши яна қандай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин?

- Ҳукumatning тегиши қарорига кўра, ўзан бўйлаб дарё кўприкларидан юқори ва пастига қараб 2,5 километргача бўлган масофани ковлаш умуман тақиқланган. Санѓзор кум-шагалининг аёвсиз қазиб олиниши эса, дарё устидаги айрим кўприкларнинг таянчлари атрофи ювиллиб, уларнинг юк ўтказиш кувватига птур етказмоқда.

Дарё ва унга параллель барпо этилган Эски тутяртар канали бетон қопламалари, гидротехник иншоотлари созлигига птур етәётir. Тошкент-Термиз ҳалқаро автойоли ва темир ўйланинг Санѓзор ёнидан ўтган қисмида қирғонки мустаҳкамлаш зарурати туғиляпти. Сўнгги 3 йил ичida бу борадаги ишлар учун давлат бюджетидан 27 миллиард маблағ сарфланди.

Фаллаоролдаги Жарғоқ, Ўрта, Бойларовул, Олмасувон, Гадой, Сарой, Явощ, Чувиллоқ, Заргарлик, Бахмалсой қишлоқлари аҳолиси дарё ўзанининг пастлаб кетганлиги сабабли ўз томорқаларига сув чиқара олишмаяти.

Сув йўланинг кўздан йироқ қисми турли саноат ва маишӣ чиқиндилар билан тўлиб кетяпти. Катта сув ёки сел келган пайтларда эса, бу чиқиндилар яна ортга оқиб, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани худудларини булгамоқда.

Хуллас, иш шундай кетадиган бўлса, бу худудда иқтисодий ва экологик муаммо юзага келиши, вақтида сервис, табобат ва наботот олами бетакрор бўлган Санѓзор дарёсининг келажаги хавф остида қолиши мумкин.

Сұхбатдош: ўз мухбиримиз
Худойберди КАРИМОВ.

ТАЖРИБА ВА ШИЖОАТ ОМУХТА БҮЛГАНДА

“

Қуий Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси (НСЭБ) Сирдарё вилоятидаги насос станциялари ва агрегатлари, трансформаторлар, тик зовур ва сугориш күдуқлари, электр узатиш линияларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва ривожлантириш вазифаси зиммасига юкланган йирик ташкилот ҳисобланади.

Бугун 500 нафардан ортиқ ишли-ходимлар мөхнат қилиб келаётган жамоа атзорлари гарданидаги юмушни бекаму-кўст бажариши учун етар-лича моддий-техника базага ҳам эга. Сув тармоқларини куриш, тозалаш ва таъмирлашга мослашган экскватордан тортиб, тизимдаги бошқа энг муҳим ишларни бажариш имкониятига эга 55 та транспорт воситаси НСЭБ оғирини енгил қилмоқда.

— Жамоамиз ва техникаларимиз кучи билан 45 дона насос станциялари, улардаги 121 та насос агрегатларининг узлуксиз ишлаши таъминланмоқда, — дейди бошқарма бошлиғи Даврон Абдуллаев. — Шунингдек, тасарруфимизда 591 та мелиорация, 142 дона сугориш тик күдуқлари ҳам мавжуд. Биз мана шу техника ва технологияларимиз ёрдамида вилоятимизнинг 132 минг 770 гектар экин майдонини сув билан таъминлашнинг уддасидан чиқяпмиз.

Сирдарё НСЭБ жамоасининг ўз фаолияти давомида қандай ижобий натижаларга эришгани қуйидаги факт ва рақамлар орқали ҳам яққол кўзга ташланади: Жамоа вилоят дехқонларини сўнгги уч йил ичida 1 миллиард 809 миллион метр кубга яқин оби-ҳаёт билан таъминлади. Бу борадаги ишларнинг тўғри ва оқилона ташкил этилиши натижасида 12 ярим миллион киловатт электр энергияси иктисад қилинди. Демак, воҳа миришкорларининг шу давр ичida қариб барча соҳаларда давлат билан тузилган шартнома шартларини ортиғи билан уддалашганида ушбу жамоа вакилларининг муносаб ҳиссаси бор, дейишга тўлиқ асос бор.

— Эришаётган ютуқларимиз шубҳасиз. жамоамиз аҳиллиги эвазига кўлга киритилмоқда, — дейди фикр билдири бошқарма ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Фуломжон Сулаймонов. — Сафи-



мизда тиришқоқ ва ишга чанқоқ ёшлар кўпчиликни ташкил қиласди. Мен ўзимни улардан бири, деб биламан. Энг муҳими, биз ёшлар ўзимиз билан ёнма-ён ишлаб келаётган кўпни кўрган, тажрибали мутахассислардан ўрганишга, уларнинг тажрибасини ўзлаштиришга ҳаракат қиласми.

Мана, яқинда жамоамиз учун унугтилмас воқеа содир бўлди. Айнан бизнинг бўлимимиз ходими Гўзал Абдурамонова вазиримиз бўйруги билан “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Шубҳасиз, бундай қувончли дамлар бутун жамоани руҳлантиради. Биз ёшларни эса, касбимизни эъзозлашга унданб, ишимиизни вижданон бажаришимиизда кўшимча дастак бўлади.

Дарҳақиқат, НСЭБ нинг юксак мукофотга савовор бўлган ходими Гўзал Абдурамонова ишда ҳам, ҳаётда ҳам ҳамкасларига ўрнак. Жамоа ёшлари-ку, опани ўзларининг энг яқин одами, деб билишади. Унга ўхшашга, у каби мөхнат қилишга интилишади.

— Қарийб чорак асрдан бўён шу жамоадаман, — деди бизга “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони соҳибаси Г.Абдурамонова, — Зиммамга бўлимнинг техникавий шўъбасини бошқариш вазифаси юкланган. Бажараётган ишимииз масъулиятли эканини, элу-юрт фаровонлигига дахлдорлигимизни доим англаб турамиз. Камтарона мөхнатимизнинг давлат ва халқимиз томонидан эътироф этилгани эса, қалбимиздаги бу каби эзгу туйғуларни янада мустаҳкамлайди!

Суратда: “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишони совриндори Г.Абдурамонова НСЭБ бўлим бошлиғи F.Сулаймонов билан.

Ўз мухбиришимиз.

ТУПРОҚДАН ЗАР УНДИРАР НАФИС ҚҰЛЛАР

Аёл ўзининг латофати, нафосати, чексиз бардоши ва Афидойилиги билан нафақат оиласи, балки жамиятни чароғон этади. Дарҳақиқат аёл — меҳрибон она, вафоли ёр, у Яратганинг буюк мұйыжаси. Ҳаёт нафасини ва гүзіллигини ўзида мужассам этган аёл зотини, ҳар қанча улуғламайлик, сўзимизнинг адоги топилмайди. Албатта, ҳар йили баҳорнинг илк кунлари мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланадиган “Халқаро хотин-қизлар куни” ҳам назокатли опа-сингилларимизга бўлган алоҳида эътибор ва ҳурмат намунаси, аслида.



Бугун ён-атрофимиизда ўзининг заҳматли меҳнати ва қалб саҳовати билан барчага намуна бўлиб келаётган хотин-қизларимиз бисёр ва улар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносабидир. Юртимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда асосий вазифа — фарзанд тарбиясиек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилишаётган кўплаб қасб әгалари қатори фермер аёллар ҳам фидойилик билан фаолият юритмоқда. Бугун, шубҳасиз, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишининг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада, фермер аёллар пахта, ғалла етиширишда, умуман, қишлоқ ҳўжалигининг турли йўналишларида катта мудавфақиятларга эришмоқда. Имкониятларнинг ошиб бориши аёлларимизни ўз фаолияти кўламини янада кенгайтиришга ундумоқда. Ўз ҳўжалигига қайта ишлаш, хунармандлик, тикучилик цехлари очган ҳамда касаначиликни йўлга кўйган мулк соҳибалари талайгина.

Оқдарё туманида 19 йилдан бўён “Оқдарё Дилдора ҳосили” фермер ҳўжалигини бошқариб келаётган “Илғор фермер” кўкрак нишони ва яна кўплаб мукофотлар соҳибаси Дилором Бозорова ҳам меҳнатдан бахт топган аёллардан. Ҳозирда опа 104 гектар экин майдонида дехқончилик қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

— Чорвадор-дехқон оиласида туғилганман. Оиласиз катта бўлиб, отам раҳматли ўғил-қиз деб ажратмасди. Дала ишларини яхши тушунганим учунми, доим мени ўзи билан олиб юрарди. Ишонч билан “Сендан яхши агроном чиқади”, дерди. Шу-шу, бошқа касб танлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Гарчи бошқа касб эгаси бўлиш имкони бўлган

бўлса-да, ҳаётимни кенг далалардан айро тасаввур қилолмаганман, — дейди Дилором опа. — Бугун юртимиз хотин-қизлари барча жабҳада ўз фаоллигини намоён этмоқда. Узимнинг мисолимда олсан, аёл учун эл мағнаати йўлида қарийб қирқ нафар ишчи-ходимни ўюри ҳосил олиш учун бошини биринтириб турининг ўзи бўлмайди, албатта. Агар давлатимиз бизни қўллаб-куватламаса, бугунгидай натижаларга эришмаган, кўзланган ҳосилни ололмаган бўлардик. Фермер ҳўжалигимизда 70 гектар ғалла, 34 гектар пахта майдонида дехқончилик қиламиз. Техника ва ишчи кучимиз етарли. Ҳўжалигимизда янги-янги тармокларни ишга тушибормоқдамиз. Очиги, илгари оддий қишлоқ аёлининг мулк эгаси бўлиб, бундай ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ҳозирги пахтачилик кластери тизими яратилгани дехқонларнинг эртанги кунига бўлган ишончини янада ошириди. Хомашёнинг олувчиси аниқ, териб олиш бўйича ҳам, теримчиларнинг иш ҳақларини беришда ҳам муаммолар, ортиқча бош қотиришлар ўз-ўзидан барҳам топди.

Дилором Бозорова яратилаётган имкониятлардан, ажратилаётган субсидиялардан унумли фойдаланиб, тез орада ҳўжалиқда чорвачилик йўналишини ташкил этиш ва, ундан ташқари, томчилатиб сурорищ технологияларини ҳам жорий этиш ниятида. Дарҳақиқат, Дилором опа мисолидаги мухтарама аёлларимиз хамиша кўз ўнгимизда садоқатли ёр, меҳрибон она, фидойи етакчи тимсолида гавдаланади. Опа каби, аввало, оила, шу қаторда, жамиятга ҳам файз кириладиган, ҳар даврани эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари доимо юксак эътирофга лойиқ бўлиб қолаверади.

Ўз мухбиримиз.

Гоҳо йўқотищдан куйинар аёл,
Гоҳо топмишидан севинади у.
Фарзандлар бахтини, элнинг бахтини
Аллоҳдан сўрайди, ўтинади у.
Чўққилар устига кўймайди нарвон,
Аммо бахтга томон кўяр зиналар.
Қадам ташлар экан йўлида унган,
Гул-боғларга тўлар дур-хазиналар.
Аёл юрагининг яримда баҳор,
Яримида меҳрнинг интиқ изи бор.
Унга фарзанд каби маҳталдир гуллар
Меҳнатидан рангин гуллайди боғлар.

АЁЛ МЕҲНАТИДАН ГУЛЛАЙДИ БОҒЛАР



Анча йиллар олдин Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги ургучиликка иҳтисослашган “Хушнуд” фермер хўжалиги раҳбари Солия опа Матяқубова билан учрашиб, журнализига макола тайёрлаган эдим. Хўжалик ерлари “Қиличбой Арна” канали бўйларида жойлашганлиги сабабли сувга якин, унумдор. Кўп билан кўплашиб, эл билан тиллашиб, кимнингдир оғирини енгил қилиб, кимнинг ғамига шерик бўлиб яшаётган опанинг шихоатини кўриб ҳавас қилган эдим.

Мазкур хўжалик жойлашган йўл бўйлари чиройли ва манзарали, мевали дараҳтлар билан бурканганилигидан гўё жаннатга кириб қолдиммикан, деб йўлайсиз. Бироқ бу ерларни боғ қилган, хушманзара қилган Солияжон опа. Боғолон қишлоғини республикамизда билмаган одам кам бўлса керак. Ўзбекистон халқ шоири, устоз Омон Матчон туғилган, болалиги ўтган гўша.

Бугун 71 ёшли қаршилаган онахон фермеримиз болалигидан дехқончиликка ўрганган эди. Онаси ёлғиз боши билан далада ишлаб, уч қиз фарзандини бирорвга зор қилмай тарбиялади. Қизлар катта бўлгач, онаси каби далаларга меҳр кўйди. Солия 1969 йили мактабни тутатиб, Хива тиббиёт билим юртида ўқиди, туман

туғриқхонасида 10 йилдан зиёд меҳнат қилиб, 2000 нафардан зиёд чақалоққа доялик қилди. 1973-1978 йилларда Урганч Давлат университетининг биология факультетини тутатди. Ўзи кўнгил қўйган инсонга турмушга чиқди. Ўзи ўқиган мактабда биология фанидан ёш авлодга таълим берди.

Мамлакатимизда фермерликка эътибор кучайгач, 1994 йилда унинг кўнглида дехқончиликка иштиёқ үйғонади. Интилишлари ва қизиқишлиари яна болалик дамларига етаклади. Албаттa, оиласи аёлга осон эмас. Бироқ, унинг турмуш ўртоғи Римбой Каримов бағри кенг инсон бўлиб, уни ёлғизлатмади, қайтага бу ишини маъқуллаб ёрдам берди.

Солияжон опа дастлаб 3 гектар ер билан чорвачилик йўналишида оилавий “Хушнуд” фермер хўжалигини ташкил қилди. 1999 йилга келиб 57 гектар, 2003 йилда тендерда ютиб олиб, жами ер майдонлари 103 гектарга етди.

— Хозирги кунда кўп тармоқли фермер хўжалигимизнинг 132 гектар экин майдони бўлиб, 50 гектарига пахта, 50 гектарига ғалла экилади, — дейди фермер опа. — 4 гектар боғ, 20 гектар чорва учун беда, маккажӯхори экилмокда. Ҳар йили 10 қути ипак курти боқилади. 47 бош маҳаллий қорамолимиз, 200 бош қўй-қўзи, 200 бошдан зиёд ҳар хил паррандаларимиз бор.

Албатта, бу ишларнинг ўзи бўлмайди. Йиллик фойдага ҳар йил янги техникалар сотиб олинади, бир қисми хайрия ишларига сарфланади, кам таъминланган оилаларга ёрдамга ажратилади. Етарли техникага эга хўжалик ерларида лазерли текислаш ишлари амалга оширилган. Хўжаликда 47 ишчи меҳнат қиласиди. 150 тонна сифимли мева ва полиз маҳсулотлари сақланадиган совутгич орқали бозорга арzon ва сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда.

2022 йилда хўжаликнинг умумий даромади 2 млрд 640 млн. сўмдан зиёд, соғ фойда эса 800 млн. 700 минг сўмни ташкил қиласди.

Опанинг бағрикенглигидан қишлоқ аҳли мамнун. 16 ёшли бокувчисини йўқотган Боғибек Собировни фарзандликка олганига анча бўлди. У зориқмай бу оилада тарбия кўрмоқда. Иккита ногирон шахсга аравача олиб берди. Қишлоқнинг камхарж оилаларига қишда 40 тонна кўмир тарқатди. Боғча, мактаб ва бошқа ташкилларга баҳоли қудрат ҳиммат кўрсатиб келмоқда.

Опанинг ҳаётида яхши-ёмон кунларида ҳамдарди бўлган турмуш ўртоғи Римбой Каримов 2022 йилнинг июль ойида оламдан ўтди. Бироқ ундан матонатни ўрганганд Солияжон опанинг атрофида отасидай эътиборли 5 нафар фарзанди, 13 нафар невараси бор.



“Шуҳрат” медали ва “Илғор фермер” кўкрак нишони соҳибаси Солия Матякубова бугуннинг ҳар бир онидан унумли фойдаланади. Халқнинг тўкин турмуши, саодати учун меҳнат қилишдан чарчамайди.

Сўзимизни муҳтасар қилиб айтмоқчимизки, меҳнат қилган инсон элда азиздир. Хўжалик аъзолари йилдан йилга юксалиш сари ҳаракат қилмоқда. Ҳаётини эл хизматига бағишлаган Солия Матякубовани ва барча меҳнаткаш, сабрли ва матонатли қишлоқ аёлларини, онажонларимизни 8 март байрами билан чин дилдан табриклаймиз! Бардоши метиндай, юраги дарё, меҳри осмон онажонларим, доимо омон бўлинглар! Йўлларингизда гулзорлар барқ уриб яшнасин! Наврўз муборак бўлсин!

**Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз муҳбиримиз.**

Тарихдан маълумки, Нодира бегум шахсияти ва газалиёти ҳар қандай даврда тилларимизда янграйди. Бугунги қаҳрамонимиз шоура эмас, аммо ҳаётда ўз ўрнини топган, ширин фарзандларга она, невараларига буви, үлкан хўжаликка раҳбар бўлган замонамиз Нодираи дурдонаси. Ўз руҳиятини далалардан излаётган, бошига ўзбекона рўмол, оёғига этик кийиб қишининг қировли, баҳорнинг ёмғирли кунларидаги ҳам далалар беғуборлигини, ернинг меҳрини, сеҳрини юракдан ҳис қилган Ўзбекистоннинг оловқабл аёлларидан бири ў.

ЯЛЛАМАНИНГ НОДИРАСИ



Далаларга боқар маҳлиё,
Юрагида баҳор тилсими.
Меҳнат қилиб излар баҳт, зиё,
Жаннат юртга мосдир қадами.
Сен баҳтлисан, ўзбек аёли!

Далаларга тушган хаёли,
Кулгучлари – меҳр жилваси.
Мовий кўзлар – нафис, иболи
Ошиқ унга кўкнинг ҳилоли,
Сен баҳтлисан, ўзбек аёли!

Нодира Пўлатова Чинозда зиёли оиласда туғилиб ўсади. Отаси Ҳусан Пўлатов ички ишлар тизимида хизмат қилган. Бобоси Маҳмуд Пўлатов эса ўз даврида Чиноз туманининг Охунбаев номидаги донгдор хўжалигининг раиси бўлиб, пахтачилкда донг таратган эди. Нодира мактабни тутатиб Тошкентдаги 1-тиббиёт билим юритида ўқиди. Шу орада кўнглидаги йигит – Ташқи ишлар вазирлигига ишлайдиган Абдумалик Аҳмедов билан умр йўлларини боғлади. Улар баҳтли эдилар... Нодира фарзандли бўлса-да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида сиртдан ўқий бошлади. 2009 йилда ўқишни тутатиб, Якка-сарой тумани солиқ инспекциясида аввалига ходим, сўнгра ишчилар билан ишлаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Отаси Ҳусан aka Чиноз туманидаги “Маҳмуд Пўлатов” фермер хўжалигини бошқарар эди. 2014 йили жондан азиз кўрадиган отаси вафот этди. Вақт қалб жароҳатларига даъво бўлди. 2016 йилдан Нодира бобоси номидаги фермер хўжаликни бошқара бошлади.

—Болаларимга онам қарабди, Тошкентдан Чинозга далага қатнайман. Гоҳо кийинчилликлардан

безиб йиғлаган, гоҳо кулган пайтларим ҳам бўлди. Меҳнат сари интилдим, — дейди Нодира Пўлатова. — Менинг елкамда меҳнат билан бирга катта масъулият ҳам бор эди. Отам ва бобомнинг шунча йиллар қилган меҳнати чипакка чиқмаслиги керак эди. Уларга муносиб бўлишга, хўжаликни ривожлантиришга интилдим.

Дастлаб, бу нозиккина аёл эрқаклар қиласидаган ишни эплаб кетармикин, эплай олмаса керак, дегувчилар ҳам бўлди. Мен бу гапларни эшишиб қайтага яна илдамроқ ҳаракат қилдим. Уйни, болаларни онамга топшириб, тун-кун далада ишладим. Майдонларга сув ҳам тарадим, трактор ҳам хайдадим. Онам, акам Аҳмаджон Гўлатов ёрдам берди...

Юқоридаги сўзлар Нодира қалбининг фифони, меҳнат жабҳасига интилган ва далаларни ошиён айлаган кўнгилнинг бир шингили, холос. Аёл меҳр кишиси, бироқ Нодира отаси ва бобосидан меҳнатни, онасидан ижодни ўрганди. Устоз Омон Матжон “...Ўзбекистон тупроғидан ўрганмоқ керак шоирликни!, деган эди. Нодира гоҳ-гоҳ китоб ўқийди, шеъриятга ошно кўнглида бу тупроқнинг азизлиги, қадри жилоланади. Унинг айтишича, худуддаги фермерлар ҳам қараб туришмаган,

вақтида қўлларидан келганича унга ёрдам беришган.

Ҳозирги кунда Нодира 115 гектар ерга экин эмоқда. Унинг ўзига хос дехқонча шиори қуидагича:

**“Ерни алдасанг, ўзинг алданасан.
Ерни севсанг, ўзингга яхши бўлади”.**

2022 йилда 37 гектар ерга буғдои, 10 гектар ерга пахта экди, 20 гектар ерда шоли, 2 гектар ерда сабзавот етиштири. Фалладан бўшаган 14 гектар ерга шоли ва мош етиштириб, таъминоти кам оиласларга бўлиб берди.

Ўтган иили хўжаликнинг умумий даромади 500 млн. сўмни, соф фойдаси 300 млн. сўмни ташкил қилди.

У ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотди. Нозиккина қалби кўп марта дарз кетди, аммо эгилиб қолмади, тўғри юрди, ҳаёт уни, у ҳаётни таниди. 2009 йилда турмуш ўртоғи, 2014 йилда отаси бу дунёдан кўз юмди. Уч фарзандини бағрига босиб

овунди. “Вақт даво экан”, дейди у.

Унинг ёнида сувчилар Баҳодир Аширов, Сакин Тасибаев, тракторчилар Ақбар Файзуллаев, Фарҳод Жўрабаев каби матонатли инсонлар, пиллакор, пахтакор Шахло Ашурова, Барно Йўлдошева сингари кўнгли тоза аёллар бор.

Хўжаликнинг учта дала шийпони атрофи баҳорий гўзалликка бурканмоқда. Негаки гир атрофда 200-300 туп тут кўчатлари, 1000 тупдан зиёд терак ва бошқа дараҳтлар билан ўралган. Кўклика қўхлиқкина ярашган Нодира энди яна боғ ташкил қилиб, брокколи эмоқчи. Палоний дараҳтларини кўпайтиришни режа қилмоқда.

Меҳрибон она бўлиш билан бирга далаларга меҳр берган аёл билан хайрлашар эканман, оқшом тушганини ҳам билмай қолдик. Унинг ҳаёт йўллари ҳақидаги сұхбатимиз ҳеч тўхтамасди. Ана далаларга оқшом ёйилмоқда. Уфқининг қизғиши нурлари бизга янги кунлар келишидан дарак берарди...

**Шукуржон СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.**

*Мұхтарам жұтқошлар!
Барғанғизни ёшағи
ба гүзәллік фасли -
Набұрж айёли билан
тадриқтайды.
Ұйыбы құттық әйрәм
маилакатимизнің
хаф биғ ҳонағонига
тапчылған-хотиржасамык,
құт-барака омб қелсін.
Жұтимиз тиңіліги
ба әлимиз тотуғлигига
хөт қаюн күйз тегласын!*

**Чиноз тумани “Маҳмуд Пўлатов”
фермер хўжалиги жамоаси**

Жаннатмонанд Ўзбекистон боғларида баҳор нашидаси ҳукмронлик қилаётган шу кунларда қишидан уйғонган далаларга меҳнаткаш дәхқон қўллари тегади, кўклам кўнгилларга масрурлик бағишлиайди. Довдараҳтларда яшиллик барқ уради, ҳадемай, боғлар гуллайди. Тўғриси, Хоразм ва Қорақалпоғистон ерларида Наврӯзда майсалар қўкариб чиқади, кейин ўриклар, олмалар, баҳорий дараҳтлар гулга киради.

БОҒОТЛИК Ҳанифа ОПА



**“
Боғот тумани
бүйк аллома
Жөнриядин
Дабъузай бобомиз
ўтиан юртди.
Журналигизни
бу сени қўпроқ
аёлларимизга
бағашланаётгани
сабаб юртимиш-
нинг нокиза,
сулуб, меҳнаткаш
аёлларини
излашда давом
этамиш.
”**

Ҳанифа Маткаримова. Боғот туманининг Ўғизравот қишлоғида дәхқон оиласида туғилди. Унинг отаси элга танилган қўлигүл уста Сафо Маткаримов фарзандлар тарбиясига жуда эътиборли инсон эди. Онаси Яқутжон она Ваисова оила томорқасида керакли маҳсулотлар етиширар, уйда қорамоллар, паррандалар боқишини хуш кўрарди. Шундай оиласида ўсиб, дәхқончиликни болалигидан ўрганган Ҳанифа мактаб таҳсилидан кейин 1979 йилда Фарғона политехникикуми товаршунослик бўлимини имтиёзли диплом билан тутагатди. Шу йили имтиёз асосида институтга қабул қилиниб, 1985 йилда иқтисодчи-муҳандис дипломини қўлга олди. Ўрганч шаҳридаги ёғ-мой заводида иқтисодчи бўлиб иш бошлади, Боғот пахта тозалаш заводида ҳам меҳнат қилди. 1989 йилда машхур пахтакор, раҳматли Машарип Қувоқов раҳбарлигидаги Боғот совхозида иқтисодчи вазифасида ишлади.

Далаларга меҳри баландлигидан 2006 йилда “Дилшода, Дилшодбек, Манзура” фермер хўжалигига асос солди. Илк бор тендерда ютиб олган 22 гектар ерида пахта ва ғалла етиширилди. 2008 йилда хўжалик ерла-

ри 76 гектарга кўпайтирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги қарори асосида ўтказилган оптимальлаштиришдан сўнг у 112 гектар ерда дәхқончилик қила бошлади. Ҳанифа мен аёл кишиман, деб ўтирмас, худди ийгитларга ўхшаб бел боғлаб, тонгдан далага чиқарди. Гоҳ трактор рулида, гоҳ сувчилар ёнида, гоҳ мажлисда... Фермер аёлнинг ҳеч дам олишга вақти бўлмаган бу кезлар орта қолди. Ахир, хўжаликни илғорлар қаторига кўшиш учун тинимсиз меҳнатнинг ўзи етмайди, изланиш, ўрганиш ва ўрганганларини ҳаётга татбиқ этиш керак бўлади. У барини уддалади. Бугун кўксини қатор нишонлар безади.

Бу йил 30 гектар ерга ғалла экилди. 69 гектар ерга пахта экиш режа қилинган. Ҳар йили ғалладан бўшаган майдонларнинг 7 гектари ёш оиласида ғалла 69 гектарни 1 тонна 112 кг. ипак тола етиширилади. Ипакчилар Дилшода Қурбонова, Мехрибон Каримовалар доимо етакчилик қиладилар. Фермер опанинг қўлидан совганинг ноёбини ҳам

улар оладилар, албатта. Сувчилар меҳнати ҳам оғир, опа уларни ҳам вақтида қадрлайди.

— Сувчи Шавкат Қурбонов, Фарҳод Бўязов, тракторчилар Ҳамдам ва Расул Жуманиёзовлар доимо ёнимда турадилар, — дейди у фахр билан.

Ўтган йили ғалла ўримида “Боғот Дон” АЖ билан келишилган шартнома асосида 84 тоннадан ошик ғалла топширди. Қолгани аъзоларга тақсимланди. “Ково Тех” МЧЖ кластер ташкилоти билан қилинган шартномага кўра гектарига 40 центнердан олинган пахта хомашёси етказиб берилди.

Хўжалик ўтган йили 3 млрд. сўм даромад топди. Шундан соф фойда 700 млн. сўмни ташкил қилди. 24 гектар ер майдони томчилатиб суғоришига, 5,2 гектар ер майдони ёмғирлатиб суғоришига мўлжал қилиниб, янги техник қурилмалар ўрнатилган. Аммо, фермер опанинг айтишича, унинг далалари кўмлоқ бўлганидан томчилатиб суғориш ҳам, ёмғирлатиб суғориш ҳам натижа бермаётгандек. Унинг фикри тўғри, кўмга томчи билинмайди-да! Майли, бу каби муаммолар ҳам ечимини топар. Амунинг сувлари тўлиб оқса, балки далаларга сув ўз йўллари билан кириб келар, деб умид қиласиз. Опа фойда эвазига техникалар сотиб

олишга интилади, бугун 90 фоиз техникага эга хўжалиқда ишлар авжида.

2022 йилнинг декабрида Умра сафарига бориб-келган фермер опанинг кўнгли саховатда ҳам беназир. Шунинг учун ҳам унинг меҳнати ўз вақтида эътироф этилмоқда. 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходими” ва “Илғор фермер”, 2021 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Оила боши, анча йиллар банк ходими бўлиб ишлаб нафақага чиқсан Зияддин ота Қурбонов ҳам унга кўмакчи. Ўғли Дилшодбек эса хўжалиқда иш бошқарувчи. 30 нафар ишчи-хизматчи оиласарининг қозони ҳам шу хўжалиқдан олган даромаддан қайнайди. Мавсумда 100-150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиласиз.

Ҳа, у дехқон, оила бекаси, фарзандлар ва кепинлар, невараларнинг онажони, бувижони.

Ватанимизнинг Ҳанифа Маткаримовага ўхшаган шиддатли, жасоратли фермер аёлларини Баҳор билан, 8 март билан, Наврӯзи олам билан чин дилдан кутлаймиз! Доимо хонадонларингизда омад ва баҳт жамол очиб, ёрқин йўлларингизни меҳнат ва саховат безайверсин!

Ўз мухбиришимиз.

*Халқасиизни, аттар өсса меҳнат-
кашларни миллӣ байрамлишиз –*

Жағрўди олам

бислан мудборакбод ётамлишиз.

*Жорий ўйл дечқончилик маъсулни-
да ҳосилишиз мўл, сувилишиз сероб,
хирмонларинишиз сарбаланг бўлшиши
тилалишиз.*

**“Дилшода Дилшодбек, Манзура”
фермер хўжалиги жамоаси**



ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ОНАХОН

Бугун ўлқамизда баҳор нафаси, кўклам еллари кезмоқда. Жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар фасли ўзгача ранглар билан кириб келади. Ана қўклиқ, кўркамлик, күшчаларнинг чаҳ-чаҳ сайраган овозлари... Сулув аёлларнинг шоҳиу атлас, адрасларга бурканниб, баҳорга монанд бўлаёттанидан кўзлар қувонади. Тогларда баҳор, боғларда баҳор, яшил қир-адирларда баҳор. Воҳада эсаётган нафис шамоллар ҳаммани боғларга, далаларга чорлайди. Қишлоқлар жамоли илиқликка, нафосатга бурканмоқда.

Хоразм вилояти Урганч туманинди Беруний маҳалласи фаоли Гулруҳ Оллаберганова тонг отар-отмас атрофдаги сўлим нашиддан шодланганича томорқа хўжалигига кўчатлар етиширадиган иссиқхонани Ҳайитжон онанинг уйига йўл олди. У маҳалланинг бу тиниб-тинчимас, ҳамма ёшларни бирдай бағрига олгувчи онахони билан кунда-кунора кўришиб туради.

Ҳайитжон она оиласида ҳамма иш билан банд. Она ва ўғиллари томорқада, иссиқхонада, келинлар тикиш-бичиш ишлари билан, бўш қолсалар, қайноасига ёрдам беришга ошиқадилар. Ҳунарни, меҳнатни севган, қайнона илмини олган келинларнинг ўн бармоғида ўнта хунар. Улар ўз иқтидори ва имкониятларидан келип чиқиб, ёшларга тикувчилик, тўкувчилик сир-асрорларини ўргатадилар. Қадимий кўрпачиликнинг турли жиҳатларини билган Ҳайитжон она ўргатишдан ва янгиликлар излашдан чарчамайди. Хонадони, иссиқхонаси доимо ёшлар, қизикувчилар ва харидорлар билан гавжум. Оила дарғаси Зарипбой ота Тоиров ҳисобчиликдан нафақага чиқиб, ёшлигидагидай тинчимас хонимига қанот бўлди.

— Онахонимизнинг тўрт ўғли ҳам томорқачилик билан шуғулланиб, ўз-ўзини банд қилди. Маҳалламизнинг 60 нафардан зиёд ёш оиласарини бирлаштирган Ҳайитжон она маҳалламиз фахри, — дейди Гулруҳ. — 1998 йилда ўз томорқасида 3 сотих жойда иссиқхона қуриб иш бошлаган эди. Ҳозир ташки дала томорқаси 12 сотих, хонадондаги томорқа 8 сотихни ташкил қиласи.

Сухбатдошим билан хонадонга кириб бордик. Бу ердаги ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат уфуриб турган ўзига хослиқдан ҳайратландик. Хонадон аъзолари субҳи сабо билан ўйғониб, томорқа ишлари билан банд бўлар эканлар. Кейин эса бирин-кетин ёшлар кириб кела бошлади. Биз билан кўришар экан, онахон кўйидаги кичикроқ ҳажмли сеткадаги бодринг кўчатларини Гулруҳга узатди:

— Қизим, буни сенга тайёрлаган эдим, — деди у.

Уларни шу заҳоти суратга муҳрладим. Тупроғи ўзида алоҳида ўроғлик турган яшил кўчатлар ерга қўйилса бўлди, қийинчиликсиз палак ёзизб ўсиб кетади.

— Йилига уч марта ҳосил оламиз. Помидор кўчатлари, бодринг, болгар қалампири, исмалоқ каби турли кўкатлар етишириб, бозорга чиқарамиз ва атроф хонадонларга сотамиз. Шу қўклини берган Аллоҳимга минг шукур, — дейди Ҳайитжон она.

Биламизи, у колхоз даврида ҳам далада меҳнат қилган. Бугунги кунга келиб қилаётган ишларидан мамнун бўлиб сўзида давом этди:

— Ҳозирги шароитимиз жуда яхши. Ўзимиз экамиз, йигамиз, маблағ топамиз. Ҳеч кимга қарам эмасмиз, топганимига тўйлар берамиз, иморатлар курамиз, автоуловлар, ё ишишимизда кўл келадиган мини-техника сотиб оламиз. Ким келса, эшигимиз очик, даромадимиз ҳам шунга яраша...

Йилига 100 млн. умумий даромадининг тенг ярми соф фойданни ташкил қиласи. Онахонни маҳалланинг барча аҳолиси ҳурмат қиласи, тўй-томушасига, албатта, таклиф этади. Ахир, у ҳеч қаҷон иссиқхоначиликни ўрганаётган оиласардан ёрдамини, ширин сўзини аямайди, керак бўлса, кўчатлар совға қилишни кандо қилмайди. Қадрлаганин эл ҳам севиб қадрлайди. Шу ерда мен Гулруҳ синглимиш ва Ҳайитжон она билан хайрлашдим. Уларни кириб келаётган баҳор билан, хотин-қизлар байрами 8 март ва Наврӯзи олам билан чин дилдан кутладим. Омадли, сиҳатли ва саодатли элимнинг бекалари! Баҳор сизлар билан баҳордир, Наврӯз сизлар билан дилбардир. Кўклам ва ёшартириш онлари кўзларингизда жилва қилаверсин!

Суратда: намунали томорқачи Ҳайитжон она Матчонова ва маҳалла фаоли Гулруҳ Оллаберганова.

Ўз мухбиришимиз.



ИШЧИЛАРИНИ УМРАГА ЮБОРГАН ФЕРМЕР



Бешарқ - Фарғона вилоятида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тобора ривожланиб бораётган туманлардан. Замонавий уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, майший хизмат уйларидаги сарандом-сарашталик, орасталик киши кўзини кувнатади.

Бу туманда меҳнат қилаётган минг-минглаб кишиларнинг ўз қилаётган ишларидан кўнгли тўқ, келажакка ишончи юксак эканлигидан далолат. Энг муҳими, улар мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий испоҳотларнинг ўзлари яшаётган туманда ҳам бўй кўрсатаётганидан мамнун. Айниқса, қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган испоҳотлар туфайли фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам, замонавий техникаларини ҳам йил сайин кўпайтиб бораётгани танланган йўлнинг бағоят тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

“Туманимиз раҳбарияти халқимиз фаровонлиги ва дастурхон тўқинлигини таъминлаш мақсадида Президентимиз кўрсатган йўлдан шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда — дейди туман фермерлар кенгаши ходими Ҳусанхон Юсупов.

— Жорий йил 20906 гектар экин майдонининг 7650 гектарида пахта, 8800 гектарида ғалла, 35 гектарида дуккакли ўсимликлар, 1070 гектарида мойли ва 1272 гектарида озуқа маҳсулотлари етиштирилса, 2123 гектар майдонга полиз, сабзавот, картошка ва бошқа экинлар экиласди. Албатта, ушбу майдонларда фаолият юритиш ва мўл ҳосил олишда 191 та кўптармоқли, 33 та сабзавотчиликка ихтисослашган ва 124 та боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўрни бекиёс.

Ўтган йили Президентимизнинг қарори асосида пахта ва ғалла майдонларидан 465 гектар экин майдонларини “E-auksion” асосида 2775 нафар фуқарога мева-сабзовот етиштириш учун тақсимлаб бериш натижасида 3566 та иш ўрни яратишга мудаффақ бўлдик. Жорий йил учун ҳам туманимизнинг 4 секторидан 835 гектар экин майдонини ажратиш ва 5566 нафар фуқарони доимий иш ўрни билан таъминлашни режалаштирганимиз. Бу борада ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Мақсадимиз, шу ажратилган экин майдонларидан 39 млрд. Сўмдан кўпроқ миқдордаги маҳсулотни ички ва ташки бозорга йўналтириш. Бунинг учун “Бир маҳсулот, бир контур” лойиҳаси бўйича иш олиб боряпмиз”.

— “Меҳнат инсон кўрки, — деб сухбатга ралашди туманинг илғор фермерларидан бири “Йигитали пахтакор замини” фермер хўжалиги раҳбари Икромали Йигиталиев. — Болалигимдан ер билан тиллашдим. Аввалига “Рапқон” ширкат хўжалигига оддий ишчи, кейин сувчи ва узоқ йиллар бригадир бўлиб фаолият юритдим. 2007 йил 76 гектар экин майдони билан хўжалигимиз ташкил этилди. Ўша пайтларда 74 та карта экин майдони бўларди. Уларни бирлаштириб, 14 тага қисқартирдик. Натижада, экин майдонларида агротехник тадбирларни ўтказишдаги қийинчилликлар ортда қолди. Ўтган 2022 йил 34 гектарга ғалланинг “Аср” навини экиб, ҳар гектар майдондан 70 центнердан ҳосил кўтаришга мудаффақ бўлдик. 42 гектар майдонга экилган

“Наманган-77” навли пахтамиз ҳам 43 центнердан “оқ олтин” бериб, юзимизни ёруғ қилди. Жорий йил ҳам 10 гектар экин майдонига ғалла ургуни күпайтириш учун “Васса” навини ва 24 гектарга “Аср” навини экиб, калийли, фосфорли ва маҳаллый ўйтитлар билан озиқлантириб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб кеплямиз.

Хўжалигимизда 34 нафар доимий ишчимиз бор. Бизнинг шиоримиз: “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун”. Ишчиларимиз яхши билишадики, ҳосилимиз мўл бўлса, уларнинг омборлари галлага, чўнтаклари пулга тўлади. Мана, ўтган 2022 йил пахта ва ғалладан 187 млн. сўм, 13 сотих иссиқхонадаги лимон, мандарин ва апелсиндан 10-15 млн сўм, 1 гектар шафтозордан 50-60 млн. сўм соф даромад олдик. Ҳар бир ишчининг уйидаги омборига ўртача 1 тоннадан ғалла кирди. Яна тақорорий экин экиш учун ер ажратдик. Бундан ташқари, хўжалик хисобидан кунига дала шийпонимизда 2 маҳал иссиқ овқат, тўй қилаётганларга алоҳида моддий кўмак, уй қураётганларга қурилиш моллари етказиб берилиди. Худога шукр, шу ўтган йиллар давомида техник базамизни қишлоқ хўжалик техникалари билан тўлиқ таъминлашга эришдик. Ҳозирда за-

монавий, юқори унумли тракторлар, комбайнлар, лазерли ер текислагичлар хизматидан унумли фойдаланяпмиз”.

– Туманда сизни ишчиларини ҳурмат қиласидиган, ҳалқидан ҳомийлигини аямайдиган фермер сифатида таърифлашди, – дедим мен.

– Халқимизда “Ўнг қўлинг берганини чап кўлинг билмасин”, деган гап бор. Жорий йил оддий ишли, механизатор ва сувчилардан иборат беш нафар ходимимизни муқаддас умра зиёратига кузатиб, қайтишганида иззат-икром билан кутиб олдик. Аслида, бу инсонлар қарийб 25-30 йил давомида хўжалигимизда астойдил меҳнат қилишди. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам елкама-елка туришди.

Ҳа, қайси элда инсон қадри юксалар экан, ўша элда миллат ривож топади, юрт фаровон, дастурхон тўкин бўлади. Биз ҳам бешариқлик заҳматкаш инсонлар билан хайрлашар эканмиз, уларга олдиларига қўйган улкан мэрраларини илдамлик билан босиб ўтишларини тиладик.

Суратда: “Ийигитали пахтакор замини” фермер хўжалиги раҳбари Икромали Ийигиталиев.

Каримjon ЭРГАШЕВ,
ўз муҳбиримиз.

**Сув хўжалиги
ходимлари, зиёкор
олимлар, аграр соҳада
улкан ютуқларга эри-
шаётган дехқонлар,
она ҳалқимизга боғ-
ларни яшнатиб, диллар-
ни яйратиб келаётган
Наврӯзи олам
муборак бўлсин!**

**«Ҷэсувқурилиш» АЖ ҳуэзуринидағы
Бешариқмажсуссувлардат МЧЖ
жамоаси**



Мамлакатимиз равнақу, ҳалқымиз түрмүш фаровонлигию дастурхонимиз файзу баракаси барча соҳа қатори қишлоқ хўжалиги истиқболига ҳам боғлиқ. Бу борада Навоий вилоятининг Кармана туманида ҳам озиқ-овқат программасининг мұхим тармоғи ҳисобланган гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришига алоҳидә эътибор қаратиб келинмоқда.

НАСЛАЛИ ЧОРВА – СОҲА РИВОЖИГА ЗАМИН

Туманда йилдан-йилга ишга тушаётган янги-дан-янги лойиҳалардан кўзланган асосий мақсад, аввалимбор, чорва наслини яхшилаш. Буни амалга оширишда фермерлар томонидан хорижий давлатлардан келтирилаётган наслли қорамолларнинг кўпайиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Тумандаги “Истиқбол” фермер хўжалигига ҳам ана шундай 150 бosh наслли чорва парваришланмоқда.



– Хориждан наслли қорамол олиб келувчиларга тақдим этилаётган субсидия маблағлари бизга анча енгилликлар яратмоқда. Ушбу имтиёзлардан фойдаланиб, келгусида хориждан яна қорамол олиб келишни, шу билан яна беш нафар қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминлашни режалаштириб турибмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Норов.

Суратда: “Истиқбол” фермер хўжалиги аъзолари.

Албатта, аввало, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ҳуқуқий мезон, мулқдорлар синфида ишонч асносидаги ташаббусни вужудга келтирмоқда. Бу эса соҳа тараққиётига мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Ўз мухбиримиз.

Яратилаётган имкониятлар соҳа ривожига омил бўлиши баробарида, фермерларга ишонч ва шикоат бағишламоқда. Шоғиркон туманидаги “Акрамов Асқар замини” фермер хўжалиги аъзолари ҳам яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, йилдан-йилга наслли чорва сонини кўпайтирмоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур фермада жами 300 бosh қорамоллар бўлса, шунинг 55 боши хориждан келтирилган наслли чорва.



– Президентимизнинг «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада кўллаб-куvvatлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёзлар бизга куч бағишламоқда. Қарорга асосан, етиширилган гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳар бир килограмми учун тўлданадиган субсидиялар биз фермерларга катта енгиллик яратди, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Асқар Акрамов.

Суратда: Шоғиркон туман ветеринария бўлими бошлиғи Фозилжон Ражабов, туман чорва насл маркази вакили Икром Назаров фермер Асқар Акрамов билан

НУРОБОДДА ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантиришда жадал ислолоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Жойларда янги хўжалик юритувчи субъектлар — чорвачилик, паррандачилик, ўилқичилик, туючилек, қуёнчилек, паррандачилик хўжаликлари ташкил қилинмоқда. Албатта, бу каби ишлар самарасини оширишда ветеринария хизматининг ўрни катта. Бу борада Нуробод туман ҳудудида **73 минг 948** бош қорамол, **600** мингдан ортиқ майдага шохли моллар мавжуд бўлиб, уларга туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимни мутахассислари ветеринария хизмати кўрсатиб келмоқда. Тумандаги қорамол наслини яхшилаш, уларнинг сонини ошириш бўйича, туман Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли **13** та ветеринария шохобчаси ҳамда сунъий уруғлантириш пунктларида ветеринария мутахассислари ва техник оссеминаторлари хизмат кўрсатиб келмоқда.



Суратда:
Нуробод туман
ветеринария
бўлими бошлиғи
Юсуф Рўзиев
ветеринар
Қодир Қурбонов
билин.

— Туманимизда вилоят Ветеринария бошқармаси томонидан эпизоотик тадбирларнинг режаси тузилган бўлиб, у туман ҳокими томонидан тасдиқланган, шу асосда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимидаги 19 нафар ветеринарлар томонидан тегишли вазифалар ойма-ой бажариб келинмоқда. Бугунги яна бир муҳим вазифамиз чорва бош сонини кўпайтириш, мавжуд қорамоллар наслини яхшилаш бўлиб, бу борада ҳам аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган барча маҳсус воситалар билан жиҳозланган участкаларимиз фаолият олиб бормоқда, — дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Юсуф Рўзиев.

Туманда йилдан-йилга амалга оширилаётган дастурлар ижросига асосан хориждан олиб келинаётган қорамоллар, майда шохли моллар ҳисобига гүшт, сут маҳсулотлари етиширишда ҳам ўсиш суръати кузатилмоқда. Бу борада тумандаги "Самариддин" фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили кўнши Қирғизистон республикасидан 200 бош наслли кўйлар олиб келди.

— Президентимиз томонидан 2021 йил 3 март куни «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида тақдим этилган имтиёзлар бизни қувонтириди. Ушбу қарорга асосан, чорвачилик хўжаликларига ўз хўжаликлирида етиширилган гүшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг ҳар бир литри учун 200 сўмдан тўланиши ва бошқа имтиёзлар биз фермерларга катта имкон яратди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Тўра Розиков.



Суратда: "Самариддин" фермер хўжалиги раҳбари Тўра Розиков.



Суратда: Фермер Боҳодир Тоҷиев, туман чорва насл маркази вакили Низом Норқараев билан.

Тумандаги яна бир фермер "Адҳамжон кумуш боғзори" фермер хўжалиги раҳбари Боҳодир Тоҷиев ҳам хориждан олиб келинган 40 бош наслли қорамолларни парваришлаб келмоқда. Фермер хўжалиги асосан гүшт йўналишига мўлжалланган бўлиб, етказиб берилаётган ҳар бир килограмм гүшт учун 2000 сўмдан субседия маблағлари тўланишидан мамнун. Боҳодир Тоҷиев яратилаётган бу каби имкониятлардан фойдаланиб, жорий йилда ҳам хориж давлатларидан яна наслли чорва олиб келиш пайида.

Туманда йилдан-йилга амалга оширилаётган дастурлар ижросига асосан хориждан олиб келинаётган қорамоллар, майда шохли моллар ҳисобига гүшт, сут маҳсулотлари етиширишда ҳам ўсиш суръати кузатилмоқда. Албатта, бу каби чора-тадбирлар, бозорларда чорва маҳсулотлари арzonлигини таъминлаб, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиш билан бирга иқтисодиётнинг янада юксалишига хизмат қиласди.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиризим.

НАВОЙ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ВА ТОГОЛДИ ТУМАНЛАРИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ИХТИСОС- ЛАШГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Annotation. This article highlights the characteristics of farms specializing in horticulture in mountain and sub-mountain districts and the activities of farms in Navoi region.

Республикамизда ҳозирги кунда амалга оширилётган ислоҳотлардан бири, яъни аҳолини ҳўл мева билан таъминлаш учун боғдорчилликка ихтинослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган «2022-2026-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг еттига устувор йўналиши бўйича Таракқиёт стратегияси»да 30-мақсаддада белгилаб берилган «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали дехқон ва фермерлар даромадини камидаги 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камидаги 5 фоизга етказиш» тўғрисида айтиб ўтилган. Ундан ташқари, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти даврида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва республикамиз ҳукумати бу соҳага катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида»ғи фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг бўйруқ ва қарорлари бу соҳалар ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Навоий вилоятининг тоголди туманларида, яъни мева-сабзавотчилик, боғдорчиллик, узумчиликни ривожлантириш учун реал асос яратиш мақсадида кўпгина ишлар олиб борилмоқда.

Тоголди минтакасида асосан Навбаҳор ва Нурота туманлари жойлашган бўлиб, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчиллик-узумчиликка ихтинослашган фер-

мер хўжаликлари фаолият юритиб келмоқда. Қуйидаги 1-жадвалда вилоятнинг тоголди туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг тавсифи келтирилган

2020-2025 йилларда боғзорлар майдонини 2020 йилдагига нисбатан 250-300 гектарга кўпайтириш ва 2025 йилга бориб уларни 1500-1550 гектарга етказиш.

Вилоятнинг жануби-шарқий ҳудуди чўл текисликлари ва шимолий тоф ва тоголди қисмлари мевали экинлар захирасига эга.

Тоф ва тоголди массивларини ўзлаштириш иқтисодий жиҳатдан қулай, чунки, уларни суғориш учун сув билан таъминлаш осон. Ресурстежамкор технологиядан фойдаланиб, сув заҳираларини тежаб, кўп маблағ сарфламасдан катта аҳамиятга эга бўлган сифатли мевалар етиштириш имконияти бор.

Ҳозирги вақтда вилоят бўйича мевали боғларнинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 120-130 центнерни ташкил қилмоқда. Мевали дараҳтларни парваришлаш технологиясини саклаган ҳолда боғлардан олинадиган ҳосилдорликни 3.5-4 баробарга оширса бўлади. Масалан, Нурота туманида 111 та боғдорчилликка ихтинослашган фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, 1037 гектар ер майдонини ташкил қиласди. Айниқса, тоғли зонасида жойлашган «INTENSIV NUR LAZZATLI BOG` МЧЖ» 56,39 гектарни, «NURATO OLTIN BOG LARI МЧЖ» 106,6 гектар ер майдонини ташкил қиласди. Тоғли минтака бўлишидан қатъий назар, гектаридан 150-170 центнердан ҳосил олинди. Навбаҳор туманининг ««FRESH FRUITS-GRAPES» МЧЖ» («Фреш Фрутес Грапс» МЧЖ)» фермер хўжалигига гектарига 110-135 центнергача ҳосил олинган.

Кўп йиллик кузатишлар натижасига кўра, янги ўзлаштирилган тоф ва тоголди массивларида ишлаб чиқариш экинлари олма, беҳи, шафтоли, олча, олхўри, ва гилоснинг районлаштирилган навларини экиш мақсадга мувофиқидир.

1-жадвал.

Вилоятнинг тоғолди туманларида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг тавсифи

№	Туманлар номи	Массивлар	Фермер хўжаликлари	Майдони
1.	Нурота	Ш.Рашидов номли	4	35,0
		Навоий	20	232,2
		Истиклол	3	17,0
		Ўзбекистон	20	174,8
		Мустакиллик	4	38,0
	Туман бўйича		51	498,0
2.	Навбахор	Сармиш	1	3,0
		Наврӯз	5	44,5
		Янги ҳаёт	2	33
	Туман бўйича		8	80,5
3.	Вилоят бўйича		59	578,5

Нурота туманинг тоғли ҳудудларида дengиз сатҳидан 1000-1300 метр баланддикда олма, ўрик, олча, олхўри ва бошқа турдаги мева турларини етишириш мақсадга мувофиқидир.

Навбахор, Хатирчи ва Нурота туманларининг тоғли ҳудудларида дengиз сатҳидан 1200-1300 метр баланддикда ёнғоқ меваларини етишириш жуда яхши самара беради, бироқ бу туманларда ёнғоқ дарахтларини парваришлаш зарур эмас, чунки дарахтлар бу массивларда об-ҳаво намлигидан яхши озиқланади (ёмғир ва қор ёғинларининг намлиги етарли даражада). Янги кўчатлар экилиб, боғзорлар барпо қилинса, тез ривожланиб кетади ва юқори маҳсулот беради. Олинган маҳсулот рентабеллиги юқори ва узоқ сакланади. Шунинг учун уларни ташиш тоғ шароитида ҳам енгил бўлади. Чунки «Фреш Фрутес Гралпс» МЧЖ ва INTENSIV NUR LAZZATLI BOG` МЧЖ фермер хўжаликларини шароитлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, етиширилган маҳсулотни сотиш муаммоси йўқ.

Вилоятнинг тоғ ва тоғолди туманларида боғдорчilikни ривожлантиришнинг асосий технологияси боғ ташкил қилинадиган бу майдонни рельефи бўйича ҳар хил кўринишида бўлади. Адирликлар, мураккаб конфигурацияли ерлар, қиялик бўйича ҳар хил йўналиши бу майдонлари дengиз сатҳидан турли хил баланддикда жойлашган бўлиши мумкин.

Шу сабабли фақатгина ер майдонини танлаш эмас, балки қандай усулда боғзорларни ҳудудини ташкил қилиш ҳақида ҳам тўғри қарор қабул қилиш зарур.

Дарахтларни ўтқазишдан олдин ерни тайёрлашда майдонни турли хил берона ўтлардан

тозалаш, алоҳида дарахтлар ва буталар бўлса, уларни тозалаш, экиладиган ер майдонининг устки қисмини текислаш ва бошқа мелиоратив ишларни тўғри бажариш лозим. Бундан ташқари, органик ва минерал ўғитлар бериб, чукур қилиб ҳайдаш керак. Кўп қиялик ерларни террасса қилиб тайёрлаш зарур.

Майдоннинг устки қисмини текислашда аста-секинлик билан сугориш ва техника билан ишлашга шароит яратиш керак.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари шароитида энг мақбул бўлган жойлаштириш қўйидагича бўлиши керак: яъни тоғли ҳудудлarda дарахтлар шахмат тартибида экилади, чунки эрозия хавфининг олдини олишга жуда катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам тоғолди ва тоғли туманларда боғзорлар ҳудудини ташкил қилишда ер тузиш ишларини тўғри ташкил қилиш зарур.

4 метр кенгликтаги террассаларда бир қатор қилиб бир-биридан 2-3 метр оралиқда ўтқазиш керак. Кварталлар ўлчами 5-8 гектарни ташкил этиши лозим.

Шунинг учун ҳам тоғли ва тоғолди ҳудудлarda боғдорчilik ва узумчиликни ривожлантириш кўп жиҳатдан мева кўчатлари учун ер майдонлари ва навларни тўғри танлаб олишга, ҳудудий жойлаштиришга, тупроқнинг агротехник ҳолатига ҳамда соҳани механизациялашуви доирасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, республикада ушбу тармоқларни тарақкий эттириш, уни ҳудудий жойлашувини такомиллаштириш комплекс тадқиқотлар (лойиҳаларни) олиб боришини тақозо қиласи.

Хуласа қилиб шуни айтиш мумкини, республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

етиштириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тоғ ва тоғолди минтақаларда боғдорчиликни ривожлантириш учун фермер хўжаликлариша шароит яратиб бериш, ахолини хўл мевалар билан таъминлаш ва экспортбоп меваларни барқарор

ривожлантиришда илмий тадқиқот ва методлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Зулфия ХАФИЗОВА,
“ТИҚҲММИ” МТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони.
2. Навоий вилоятидан олинган статистик маълумотлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот. Т., Давергеодезкадастр, 2018.
4. З.Хафизова, Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланиш тизимини ривожлантириш (Навоий вилояти мисолида)
5. Монография. –Т.: “ТИҚҲММИ” МТУ, 2022.

УЎТ: 631.635.1:631.52

ТАДҚИҚОТ

ПОМИДОРНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРГА МОСЛАНУВЧАН НАВЛАРИ

***Annotation.** The article presents the results of assessing the collection of tomato hybrid varieties in terms of early maturity, adaptability, the formation of the leaf surface, tops, root system and productivity, and as a result, high-yielding, adaptive hybrid varieties are identified. It was revealed that hybrid varieties of tomato were distinguished - Seraj F1, Tomck F1, Bobcat F1, Lojain F1, which formed tall plants (71.2-80.2 cm) with a leaf surface area (0.67-0.75 m²), weight of roots - 124-144 g, tops - 473-574 g, fruit yield per bush - 1716-2305 g. These hybrid varieties provided the highest yield (75.5-101.4 t/ha).*

Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароити ўзиға ҳосилиги, помидор ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли талабини таъминлашдан анча пастлиги, ҳосилдорлик даражаси эса гектаридан 20-22 тоннадан ошмаслиги билан характерланади.

Муайян шароитда помидор экинининг ҳосилдорлигини ошириш кўп жиҳатдан юқори маҳсулдор, шўрга, касаллик, зааркунанда ва бошқа экстремал омилларга чидамли мосланувчан навларни танлаб экишга, илмий асосланган маҳаллий бирламчи ва элита уругчилигини ташкил этишга, амалиётга кенг жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб масалалардан ҳисобланади.

Помидор республикамизда асосий етакчи сабзавот экини бўлиб, унга бўлган талаб шу кунгача етарлича қондирилмасдан келмоқда.

Бунинг асосий сабаби ҳар бир худуд тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экин нав-дурагайлари баҳоланиб, улардан юқори ҳосилли мослашганлари ажратиб олинмаганлиги, юқори сифатли уруғлар етишмаслиги ҳисобланади. Амалиётдан маълумки, тўғри ташкил этилган уруғчilik орқали ҳосилдорликни 20-25% га ошириш мумкин [5,6].

Тадқиқот мақсади - Бухоро вилояти кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида помидор тезпишар, ўртазеэзишар ва ўртапишар нав-дурагайлар тўпламини ҳар томонлама баҳолаш асосида мосланувчан истиқболлilarини ажратишдан иборат.

Дала тажрибалари қуйидаги йўналишларда Бухоро вилояти Жондор тумани “Хамроев Халил Бозорович” фермер хўжалиги суғориладиган

ўтлоқи аллювиал тупроқларида ўтказилди. Тажриба битта контурда ўтказилиб, тажриба участкаси тупроғида гумус микдори 0,97-1,12%, ялпи азот-0,102-0,115%, фосфор 0,171-0,188%, калий эса 1,96-2,03%, сувли сўрим — кучсиз ишқорий pH=7,2-7,3, шўрланиш даражаси-кучсиз хлоридли (0,310-0,412% хлор иони) эканлиги билан характерланди.

Тадқиқотларда 18 та нав ва F₁ гетерозисли дурагайлар ўзаро таққосланди. Барча навларнинг 1- репродукция, 1- класс, дурагайларнинг 1-авлод (F₁) уруғлари олинди. Делянканнинг майдони – 18 м², тақорлар 3 та бўлди. Экиш 5-7 чинбаргли кўчатлар билан 12 апрелда 90x25 см тартибида амалга оширилди.

Тажриба участкасидаги барча кузатиш, ўлчаш, ҳисоблаш ва таҳлиллар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди[1,2,3,4].

Барча тажрибалар битта контурда ўтказилиб, тажриба участкаси тупроғида гумус микдори 0,97-1,12%, ялпи азот-0,102-0,115%, фосфор 0,171-0,188%, калий эса 1,96-2,03%, сувли сўрим — кучсиз ишқорий pH=7,2-7,3, шўрланиш даражаси-кучсиз хлоридли (0,310-0,412% хлор иони) эканлиги билан характерланди.

Муайян шароитда помидор нав-дурагайлар тўплами ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ҳосилдорлиги ва меваларнинг товарлиги билан кескин фарқланди.

Маълумотларнинг кўрсатишича, тезпишар навлар гуруҳида ўсув даври, яъни кўчат ўтказилгандан 1-теримгача бўлган давр 50-57 кунни, ўртатезпишар навлар гуруҳида-60-64 кунни, ўртапишар навларда эса 69-71 кунни ташкил этди. Тезпишар навлар гуруҳида ўрганилган барча нав-дурагайлар стандарт “Мустақиллик-28” навига нисбатан 1-7 кун эрта пишиши билан, ўртатезпишар навлар гуруҳида синалган нав-дурагайлардан фақат Terra Cotta F₁ ўсув даври 59 кун, стандарт “Волгоградский 5/95” навига 60 кун бўлган бўлса, бошқа ўрганилган навларда ўсув даври 2-4 кун узун бўлгани кузатилди. Ўртапишар навлар гуруҳида ўсув даври стандарт нав даражасида бўлиб, фақат H2274 F₁ дурагайида 71 кунни ташкил этди, яъни ўсув даври 2 кун узун эканлиги қайд этилди.

Эртапишар нав-дурагайлар гуруҳи бошқа гурух навларидан нисбатан баланд бўйли, шохланган, барг сатҳи юзаси, бақувват илдиз,

палак массаси ва ҳосил шаклланиши билан фарқланди. Айниқса, бу кўрсаткичлар Bobcat F₁, Lojain F₁, Tomsk F₁, Seraj F₁ нав-дурагайларида энг юқори бўлиб, ўсимлик бўйи 71,3-80,2 см, барг сатҳи юзаси 0,67-0,75 м², ён шохлар 4,0-4,8 донани, илдиз вазни 124-144 г, палак массаси 473-574 г, бир туп мева ҳосили 1716-2305 г ни ташкил этди. Шунда меванинг палакка нисбати ҳам энг юқори бўлиб, 1:3,6-4,1 ни ташкил этди.

Нисбатан юқори ўсиш ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртатезпишар “Red stone” наvida, ўртапишар “Floradade”, Pink trind F₁ нав-дурагайлар қайд қилиниб, бир туп мева ҳосили 980-1009 г бўлиб, палакнинг мева ҳосилига нисбати 1:1,8-2,1 ни эканлиги аниқланди. Ҳар бир пишган мева массаси ҳам кескин фарқланиб, энг ийрик мевалар (147-308 г) Seraj F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Pink trind F₁ нав-дурагайлардан олинди. Floradade битта мева вазни 56 г, “Red stone” наvida эса 103 г ни ташкил қилди. Кучсиз шўрланган шароитда ўрганилган помидор тезпишар навлар гуруҳидан Tomsk F₁ дурагайи ҳосилдорлиги гектаридан 101,4 тонна, Bobcat F₁ 92,1 тонна, Seraj F₁ 89,6 тонна, Lojain F₁ 75,5 тонна ҳосил олишни таъминлади. Тезпишар Ogastin, ўртатезпишар Red stone, ўртапишар Floradade навлар, Pink trind F₁ дурагайидан эса гектаридан 40,3-44,4 тонна ҳосил олинди. Бошқа синалган навлардан эса стандарт навлар даражасида, яъни 29,3-40,4 т/га, BT 1019 F₁ дурагайидан энг паст (16,3 т/га) ҳосил қайд этилди.

Кучсиз шўрланишга чидамлилиги, кучли ўсиши, ривожланиши, юқори маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги ҳамда мосланувчанлиги билан тезпишарлар Seraj F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Lojain F₁, Red stone, Pink trind F₁ нав-дурагайлари ажралди.

Демак, эртапишар нав-дурагайлардан Seraj F₁, Tomsk F₁, Bobcat F₁, Lojain F₁ ўсимликлари баланд бўйи (71,3-80,2 см), кўп барг сатҳи юзаси (0,67-0,75 см²) шаклланиши, бақувват илдиз (124-144 г), палак массаси (473-574 г), маҳсулдор (1716-2305 г мева ҳосили) бўлиши билан ажралди. Нисбатан юқори ўсиш ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўртатезпишар “Red stone” наvida, ўртапишар Floradade, Pink trind F₁ нав-дурагайларида қайд қилиниб, бир туп мева ҳосили 980-1009 г бўлиб, палакнинг мева ҳосилига нисбати 1:1,8-2,1 ни ташкил этиши аниқланди. Тупдаги мева массаси кескин фарқланиб, энг ийрик мевалар (147-308 г)

Seraj F₁, Tomck F₁, Bobcat F₁, Pink trind F₁ навдурагайларидан олинди. Энг юқори ҳосилдорлик тезпишар навлардан – Tomck F₁ (101,4т/га), Bobcat F₁(92,1 т/га), Seraj F₁ (89,6 т/га), Lojain F₁ (75,5 т/га), тезпишар “Ogastin”, ўртатезпишар “Red stone”, ўртапишар “Floradade” навлари,

Pink trind F₁ дурагайдан эса ҳар гектаридан 40,3-44,4 тонна ҳосил олинди.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ, профессор,
Гулшода САИДОВА, СПЭКТИ докторанти,
Хайтмурод ТИЛАВОВ, қ.х.ф.ф.д.,
ТошДАУ Самарқанд филиали доценти.

АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизичлик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси. Тошкент. Ўзбекистон миллый энциклопедияси . 2002. –Б. 217.
2. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. Ташкент. 2022. -С. 103.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. 1985. С.351.
4. Литвинов С.С. Методика полевого опыта в овощеводстве. Москва. 2011. -С. 648.
5. Низамов Р.А. Помидор етишириш. Тошкент. 2021. Б. 82.
6. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., О.Қ.Қодирхўжаев. Мева-сабзавотчилик (Сабзавотчилик). Тошкент. Наврӯз. 2019. –Б. 552.

УЎТ: 634.7/635.5

ТАДҚИҚОТ

ГУЛКАРАМНИ ЭГАТЛАБ ВА ЁМГИРЛАТИБ СУҒОРИШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ

Аннотация. Уибу мақолада Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида гулкамни парваришилашда эгатлаб ва ёмғирлатиб сугории тартибининг тупроқдаги ҳажм массаси, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар баён этилган.

Annotation. In this article, cauliflower as presented on the effect of furrow irrigation and rain irrigation on the bulk mass of soil, growth and development of the plant, cauliflower yields in meadow gray soils of the Tashkent region.

Бугунги кунда дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда сабзавот ва картошка маҳсулотларига бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Сўнгги йиллардаги маълумотларни таҳлил қиласидаган бўлсак, дунё бўйича сабзавот экинлари ҳисобланган помидор экинидан йилига 182,3 млн. тонна, оқбош карамдан 71,45 млн. тонна, ширин ва аччиқ қалампирлардан жами 36,1 млн. тонна, сабзи экинидан 42,83 млн. тонна ва картошкадан 388,19 млн. тонна ялпи ҳосил етиширимоқда. Халқаро ФАО ташкилотининг маълумотларига кўра қишлоқ ҳўжалиги экинларини нотўғри суғориш оқибатида 30-33% экин майдонлари деградацияга учраган, натижада маҳсулот ишлаб чиқариш 15-20% га камаймоқда.

Дунё қишлоқ ҳўжалигида экинларни суғориша сув сарфини камайтириш, турли суғориш усусларида тупроқнинг намланиш дарражаси ва сув сарфини тадқиқ этиш, тупроқнинг агрофизик ҳоссаларини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, шунингдек, сабзавот экинларини турли суғориш усусларида ҳосилдорлигини кўпайтириш ва дала майдонининг фитосанитар ҳолатини (бегона ўтлар ва зарапкунандалар зичлиги, касалланиш даражасини) баҳолаш бўйича кенг миқёсда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Сув танқислиги шароитида сабзавот экинларини баҳорги ва ёзги муддатларда экиб парваришилашда мақбул тежамкор суғориш усусларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётта кенг жорий этиш қишлоқ ҳўжалигидаги

долзарб масалалардан ҳисобланади.

Сувтежамкор сугориш усууллари дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилади. Сугориш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда, жумладан, Washington State University (АҚШ), University of south Carolina (АҚШ), University of Leipzig (Германия), Tokyo University of Agriculture (Япония), The University of Milan (Италия), Chinese Agricultural University (Хитой), The Indian Agricultural Research Institute (Хиндистон), Бутунrossия сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти (Россия), Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сугориш сувларидан самарали фойдаланиш ва сувни тежашда томчилатиб сугоришни қора полиэтилен плёнка остидан амалга ошириш мақбул ва истиқболли технология эканлиги аниқланиб, бунда томчилатиб сугориш шлангларидаги тешиклар ҳар 10 - 20 см да бўлиши мақбул эканлиги кузатилган. Томчилатиб сугориш қўлланилганда тупроқда эрозион жараёнлар юз бермаслиги, тупроқдаги намликтининг максимал даражада сақланиши, тупроқ сув-физик хоссалари яхшиланиши, бир йиллик бегона ўтлар микдорининг 70-80% гача камайиши таъминланганлиги, турли сувтежамкор сугориш усууллари таққосланганда, томчилатиб сугориш усули қўлланилган вариантларда сув сарфи ўртacha 50% га тежалиб, ҳосил 15-20 кун эрта пишиб етилиши ва ҳосилдорлик 10-15% гача ортиши аниқланган, [1, 2, 3, 4, 5].

Лекин, бугунги кунда нафакат Республика мизода, балки бутун дунёда кутилаётган сув тақчиллиги шароитида экин майдонлари ортиб бораётган бир вақтда гулкарамни сувтежамкор эгатлаб ва ёмғирлатиб сугоришнинг мақбул сугориш тартибларини ишлаб чиқиш ва ўсимликнинг сув истеъмолини аниқлаш борасида етарли илмий изланишлар олиб борилмаган. Шунинг учун гулкарамни эгатлаб ва ёмғирлатиб сугоришнинг мақбул сугориш тартибини ишлаб чиқиш долгзарб вазифа ҳисобланади.

Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида гулкарамнинг “Раскот” навини эгатлаб ва ёмғирлатиб сугориш тартибини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тошкент вилоятининг қадимдан сугориладиган, ўтлоқи бўз тупроқлари, эгатлаб ва ёмғирлатиб сугориш усули, гулкарамнинг “Раскот” нави олинди. Эгатлаб ва ёмғирлатиб сугориш тартиби, сугориш сони, мавсумий сугориш меъёри, гулкарамнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Илмий тадқиқотлар лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатиш ва биометрик ўлчашлар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПТИ) асосида олиб борилди. Гулкарам ҳосили маълумотлари Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” манбасидаги дисперсион таҳлил услуби ҳамда компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилиш услубий қўлланмаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Гулкарам тажриба даласи 2022 йилда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани “ТИҲХММИ” МТУнинг Ўқув-илмий маркази” даласида (тупроғи ўтлоқи бўз, сизот сувлари сатҳи 2,5 метрда жойлашган) ўтказилди.

2022 йил 11 апрель куни гулкарамнинг “Раскот” навининг кўчати экилди ва кўчат суви берилиди. Гулкарамни парваришлашда 3-4 марта ҳашаратга қарши ишлов берилиди, 6-7 марта қатор орасига ишлов берилиди, бегона ўтларга қарши 4-5 марта ишлов берилиди қўлда, гулкарам 5 марта эгатлаб сугорилди, гулкарам 11 марта ёмғирлатиб сугорилди ҳамда гулкарам ҳосили етилиши билан 3-4 марта қўлда ийғишириб олинди.

Гулкарам парваришлашда тупроқдаги ҳажм массасини аниқлаш мақсадида амал даври бошида умумий тагликда ўрганилди ва тупроқдаги агрофизик кузатиш натижаларининг кўрсатишича, тажриба даласининг 0-30 см қатламидаги тупроқ ҳажм массаси $1,29 \text{ g/cm}^3$ га, 0-50 см да $1,31 \text{ g/cm}^3$ га, 0-70 см да $1,33 \text{ g/cm}^3$ га ва 0-100 см да эса $1,35 \text{ g/cm}^3$ га тенг бўлган бўлса, тажриба майдонининг ўртacha ғоваклиги юқоридан пастга қараб камайиб борилди, яъни

0–30 см да 51,5 %, 0–50 см да 50,4 %, 0–70 см да 49,6 ва 0–100 см да эса 48,7 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанилиги 6 соат давомида гектарига 882 м³ ни, 88,2 мм ни ёки 0,24 мм/мин ни ташкил қилган бўлса, амал даври давомида тажриба даласига суғориш ишлари ҳамда агротехник тадбирлар амалга оширилиши хисобига амал даври охирига бориб, тупроқнинг сув сингдириш қобилияtlари пасайиши кузатилди.

Тупроқнинг агрокимёвий таҳлили учун умумий фон сифатида олинган тупроқ намуналарида тупроқнинг 0–30 см ҳайдовости 30–50 см қатламда чиринди миқдори 0,823%, ҳайдовости 30–50 см қатламда 0,812% ташкил қилган бўлса, шунингдек, асосий озиқа моддалардан умумий азот ва фосфор элементларининг миқдори ушбу қатламларда мутаносиб равишда 0,091–0,079% ва 0,098–0,086% атрофида бўлган бўлса, тупроқ таркибидағи озиқа моддаларнинг ҳаракатчан шакли NO₃ 9,87–8,9 мг/кг, P₂O₅ 18,8–16,6 ҳамда K₂O 159–147 мг/кг кўрсаткичларни ташкил этганлиги аниқланди.

2022 йилда ўрганилган гулкарамнинг “Раскот” навини эгатлаб суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75% да 1–2–2 тизимда 5 маротаба суғорилиб, гуллашгача фазасида 1 маротаба 590 м³/га, гуллаш–хосил тўплаш фазасида 2 маротаба 600, 650 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 2 маротаба 650, 640 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги 15–17 соатни, суғоришлар ораси 24–37 кунни, мавсумий суғориш меъёри 3130 м³/га ни ташкил этган

бўлса, сояни ёмғирлатиб суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75% да 2–4–5 тизимда 11 маротаба суғорилиб, гуллашгача фазасида 2 маротаба 230, 230 м³/га, гуллаш–хосил тўплаш фазасида 4 маротаба 220, 220, 220 ва 220 м³/га меъёрларда, пишиш фазасида эса 5 маротаба 220, 220, 220, 220 ва 220 м³/га меъёрда суғорилиб, суғориш давомийлиги 2,0–2,2 соатни, суғоришлар ораси 8–10 кунни, мавсумий суғориш меъёри 2440 м³/га ни ташкил қилганлиги кузатилди. Гулкарамни эгатлаб суғорилганга нисбатан гулкарамни ёмғирлатиб суғорилган вариантда 690 м³/га сув кам сарфланганлиги аниқланди.

Гулкарамни эгатлаб суғориш усулида карамнинг бўйи 23 см, барги 12 дона, карам катта барги 22 см, эъни эса 12 см бўлган бўлса, гулкарамни ёмғирлатиб суғориша карамнинг барча кўрсаткичлари 2–3 см катта, карам бўйи 25 см, барги 13–15 дона, катта барг эни 25 см, карамнинг умумий эни 41,5 см ни ташкил этганлиги кузатилди.

Хулоса. Тошкент вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида бир йиллик илмий кузатувлар асосида, гулкарамнинг “Раскот” навини суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–75–75 фоизда, яъни гулкарамни ўсув даврида 11 марта, ҳар галги суғориш меъёри 220–225 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 2440 м³/га миқдорида суғорилган гулкарамнинг “Раскот” навидан 31,8 тонна ҳосил олишга эришилди.

Сабиржан ИСАЕВ, қ.х.ф.д., профессор,
Жамшид НАРЗУЛЛАЕВ, докторант,
“ТИҚҲММИ” МТУ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли «Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепцияси» тўғрисидаги фармони, 2020 й. 21-сон, “Ўзбекистон овози” газетаси.
2. Илхамов Н.М. Сабзавот экинларини суғоришнинг истиқболли усувлари. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 1992. – №11 – Б. 37–38.
3. Илхамов, Н.М. Ўзбекистон шароитида сабзавот ва картошка экинларини тежамкор суғориш усувлари. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналиниң “Агро илм” илмий иловаси. Тошкент, 2012. – №3 (23) – Б. 29–30.
4. Илхамов Н.М. Карам етиштиришда тежамкор суғориш усувлари // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. №12. – Тошкент, 2013. – Б. 26.
5. Илхамов Н.М. Ресурсосберегающая технология орошения при возделывании белокачанной капусты и перца сладкого. // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналиниң “Агро илм” илмий иловаси – Тошкент, 2013 – № 4. (28). – Б. 34–36.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА БЕХИДА УЧРОВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ЗАРАРИ

Аннотация. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти даврида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса хомашёга бўлган талабини қондирни ҳозирги кунда қишилоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, шунинг учун республикамизда бу соҳага катта эътибор берилмоқда.

Аннотация. В период рыночной экономики в нашей стране удовлетворение потребности населения в продуктах питания, а промышленность в сырье остается одной из важнейших задач, стоящих сегодня перед сельским хозяйством, поэтому этой отрасли уделяется большое внимание.

Annotation. Satisfying the needs of the population for food and industry for raw materials in the period of a market economy in our country remains one of the most important tasks facing agriculture today, and much attention is paid to this industry in our republic.

Кириш: Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ургули мева боғлар ташкил қилинмоқда Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда беҳи қадимдан экиласди. Баъзи маълумотларга кўра беҳи Ўзбекистонга Эроннинг шимолий туманларидан келтирилган деб таъкидланади. Беҳининг икки тури - оддий беҳи ва япон беҳиси бўлиб, ҳосили учун оддий беҳи экиласди. Япон беҳисидан хушманзара ўсимлик сифатида фойдаланилади. Оддий беҳининг бўйи 6-8 м, шоҳ-шаббаси пирамидасимон ёки тарвақайлаган. Мевасининг сифати узоқ сақланиши, консерваболлиги жиҳатидан Кавказ, Коим ва Жанубий Европада етишириладиган беҳи навларидан қолишмайди. Беҳи 50-60 йил яшайди, нок учун паст бўйли пайвандтаг ҳисобланади. Беҳи иссиқсевар ўсимлик. Бироқ унинг баъзи турлари анча шимолий кенгликларда, Шимолий Кавказ ва Поволжье (И. В. Мичурин етишириган совукقا чидамли навлар эса бундан ҳам шимолроқда) бемалол ўсиб, мўл ҳосил беради. Ҳозирги кунда беҳига бир қатор заарали организмлар зарар етказиб келмоқда. Буларга оддий ўргамчакканা, ширалар, олма меваҳўри, шиш кўғҳатувчи нок канаси ва бир қатор касалликлар зарар етказиб келмоқда. Беҳи боғларининг кенгайиши уларни етишириш агротехнологиялари, заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш усулларини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Уруғ мевали боғларида 30 дан ортиқ заараркундалар учраб, улардан энг асос-

сийси баргўровчилар (Lepidoptera; Tortricidae) ҳисобланади. Баргўровчиларнинг дунё бўйича 9800 тури рўйхатга олинган бўлиб, улар учта кенжа оила, яъни Torticinae, Olethreutinae ва Chlidanotinae кабиларга ажратилган. Олма меваҳўрининг морфологик хусусиятига кўра орқа қанотлари оч қўнғир тусли. Қанотларининг ташки чеккасида шарсизмон калта, қорамтири попуги бўлади. Ғумбаги 10-12 мм узунлиқда, жигарранг, қорнининг 2-7-сегментларида, орқа томонида икки қатордан тиканлари кўринади. 8 ва 9 сегментларда ва қорин учидаги қатордан узуроқ тиканлари бор. Ғумбак юмшоқ пилла ичида туради, бу пилланинг ўраган иплади орасида аксари қурт кемирган пўстлоқ парчалари ҳам бўлади. Вояга етган куртнинг узунлиги 18 мм га етади, усти пушти, пасти оқ ёки сарғиш, ёш қурт оқ бўлади. Қурт танасида тукли, майдада, оч кулранг доғчалар бор. Куртнинг боши ва энса усти оч қўнғир ёки қизғиши туслади. Тухуми одатда 1,5 мм, юмалоқ, яссиланган, оқимтири бўлади. Ҳозирги кунда бу заараркунанда беҳини кўп микдорда заарлаб келмоқда.

Үргимчаккана одатда, олма дарахтига зарар етказади, аммо бошқа уруғли ва данакли мева дарахтларига ҳам тушади. Үргимчаккана заарарлаган барглар дастлаб сарғаяди, кейин эса қўнғир туслаганда кирбади. Мева үргимчакканаси дарахт танасидаги пўстлоқлар остида ва дарахт танасидаги ёриқлар ичида, бегона ўтлар қолдиғи тагида, шоҳларда ва кисман шоҳлардаги куртаклар яқинида тўп-

тўп бўлиб қишилайди. Заараркунанда мевали дараҳатлар барги ҳужайрасининг ширасини сўриб озиқланади. Вақтида кураш тадбирлари ўтказилмаса, барглар ва мевалар тўкилиб кетади. Боғ атрофида чангли кўчалар бўлса, чангли кўтарилиб дараҳат баргларига ўтириши заараркунанданинг кўпайишига қулай шароит туғдиради. Қурғоқчилик ўргимчакканаларнинг кўпайишига олиб келади.

Олма яшил бити (Aphis pomi Deg). Олма яшил бити тенг қанотлилар туркумига оид битлар оиласига мансуб ҳашарот. Бу заараркунанда олма, нок, беҳи экиладиган хаммада жойларда кенг тарқалган. Заарарланган барглар қорайиб тўкилиб кетади, новдалари қинғир-қийшик, меваси қаттиқ, бемаза бўлиб, нормал ривожланмайди. Ва кўпгина мева бити ширасининг ёпишқоқ ахлати билан ифлосланади. Қанотсиз урғочи битнинг катталиги 2 мм., яшил пушти рангда, баъзан қорамтир бўлиб, шира найчалари ва думчалари қора тусга, личинкаси сарғиш тусга, тўқ яшил рангача, кўзлари қизил бўлади. Тухумининг катталиги 0,5 мм., қора

тусли. Кўпчилик ўсимликлар битлари сингари яшил битнинг эркаклари ҳам баҳорда ва ёзда учрамайди. Бу пайтда урғочиси эркаги билан қўшилмайди. Бундай урғочи битлар партеногенетик йўл билан ривожланади. Олма шираси мавсумда 15 та бўғин бериб ривожланади. Дунё бўйича ҳар йили қишлоқ ҳўжалигида заараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўртacha 75,0 млрд. доллар маблағ сарфланмоқда. Етиштирилаётган ҳосилдорликка нисбатан олганда ўртача етиштирилаётган ҳосилнинг заараркунандалар туфайли 13,8%, касалликлар туфайли 11,6%, бегона ўтлар туфайли 9,5% нобуд бўлиш кузатилмоқда. Аммо ўсимликларни ҳимоя қилишининг замонавий усусларини қўллаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш натижасида мева-сабзавот, полиз ва картошка экинларидан ўртача кўшимча 15 ц/га ҳосил сақлаб қолишига эришилмоқда.

**Мадинахон РАХМОНОВА, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Кимсанбой ХАМДАМОВ,** катта ўқитувчи,
Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва
агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Sh.T.Xo'jaev. "Entomologiya, qishloq xo'jalik ekinlarini himoya qilish va agrotoksikologiya.
2. Kimsanboev X.X. Umumiy va qishloq xo'jaligi entomologiyasi
3. Ш.Т.Хўжаев, О.А.Сулаймонов. Умумий ва қишлоқ ҳўжалиги энтомологияси ҳамда уйғунашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари.
4. Ostonaqulov T.E., Narzieva S.X., G`ulomov B.X. Mevachilik asoslari. Toshkent <Tafakkur bo'stoni> 2011-y.
5. Aripov A.U., Aripov A.A., Urug`li intensiv meva bog`lari. Toshkent. <sharq>

ТАДҚИҚОТ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАРРАНДАЧИЛИК ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ДЕҲҚОН ҲЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация. В статье в развитии птицеводства нашей Республики было проведено монографическое обследование фермерских хозяйств, изучено и проанализировано количество продукции птицеводства, производимой фермерами.

Annotation. In the article in the development of poultry farming in our Republic, a monographic survey of farms was carried out, the number of poultry products produced by farmers was studied and analyzed.

Мамлакатимиз аграр соҳасидаги илм-фан ва техника ютуқларини, яъни илмий-тадқиқот ва тажрибалар натижаларини ишлаб чиқаришга

жорий этиш бевосита тармоқларнинг инновацион фаолият самарадорлигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда илмий мусассасалар фаолияти аграр

соҳада илмий-тадқиқотларни ташкил этиш, изла-нишлар олиб бориш, паррандачилик тармоғида паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва тармоқ иқтисодиётини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.


Маълумки, бугунги кунда мамлакат паррандачилик тармоғида амалга оширилаётган исплоҳотларнинг асосий мақсади озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакат аҳолисининг ўсишига мутаносиб равиша ҳажми ва сифати жиҳатидан таъминлашда паррандачилик тармоғини ривожланишида дехқон хўжаликларининг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, паррандачилик тармоғини ривожланишида ҳали фойдаланилмаган имкониятлари кўп бўлиб, улар устида кенгроқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, тармоқда маркетинг тадқиқотларини мунтазам равиша үтказиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, маркетинг тадқиқотлари натижаларини дехқон хўжаликлирида жорий қилиниши тармоқда инновацион фаолиятни ривожлантиришга хизмат қиласди. Айтиш жоизки, якуний маҳсулотнинг сифати харидор тасавурида бўлинмайдиган, интеграцияланган ягона категория сифатида намоён бўладиган истеъмол хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Харидор танлови ниманидир ёқтириши ва яна бир эмас, бир неча омиллар бўйича афзal деб билишига асосланади. Нархлар омилининг таъсири ҳар доим ҳам талаб ва таклифни мувофиқлаштиравермайди. Шундай қилиб, паррандачилик маҳсулотлари бозорида нарх талаб-таклифнинг мувофиқлаштирадиган белгиловчи механизми бўла олмайди.

Республикамиз паррандачилик тармоғинининг ривожланишида дехқон хўжаликларнинг иштирокини аниқлаша мақсадида, Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон, Кумкўргон ва Узун туманларида паррандачилик фаолияти билан шуғулланётган субъектлар ўртасида сўровнома үтказилди. Ушбу сўровномада Жарқўргон туманидан 58 нафар, Кумкўргон туманидан 74 нафар ва Узун туманидан 68 нафар жами 150 нафар респондентлар қатнашиши.

Ўтказилган анкета сўровномалари натижаларига мувофиқ, респондентлар паррандачилик маҳсулотларини энг хавфсиз маҳсулот сифатида афзal деб биладилар (98,7%). Шунингдек, “Хонадонингизда нечта парранда мавжуд?” деган

саволга респондентларнинг 43,5 фоизи 10-20 та парранда мавжуд эканлигини, 34,8 фоизи эса 1-5 тагача парранда боқишиларини маълум қилишган. Сўровнома натижаларига мувофиқ, ушбу паррандаларнинг 91,3 фоизини аҳоли ўз маблағлари ҳисобига харид қилишганлиги ҳамда 52,2 фоиз респондентлар паррандалар тухум ва гўшт маҳсулотлари учун боқилаётганлигини маълум қилишган. Респондентлар томонидан ўртача бир йилда битта товуқдан нечта тухум олиши тўғрисидаги саволга 56,5 фоиз сўровномада қатнашган аҳоли билмаслигини маълум қилган. Шунингдек, бир йилда битта товуқдан нечта кг гўшт оласиз деган саволга 52,2 фоиз респондентлар 1,5-3 кг гўшт олишини ҳамда бир йилда битта она товуқдан 10-20 та жўжа олишини маълум қилишган. Хонадонингизда паррандаларни қайтартибида кўплайтирасиз деган саволга 73,9 фоиз аҳоли она товуқлардан жўжа очириш орқали кўплайтирамиз деган жавоб беришган бўлса, 65,2 фоизи эса тухум олишга мўлжалланган парранда зотларини парвариш қилишини маълум қилишган.



Респондентлар томонидан умумий масалалар бўйича билдирилган фикрлар натижалари.

Ўтказилган сўровнома натижаларидан келиб чиқкан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, паррандачиликни ривожлантириш учун янги парранда зотларини парвариш қилиш ҳамда тармоқда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадга мувофиқиди.

Хулоса ва таклифлар: Паррандачилик тармоғида инновацион фаолият самарадорлигини ошириш учун эса, маҳсулот сифатини яхшилашни таъминловчи қўйидаги асосий йўналишларни тавсия этамиз:

- ҳалқаро фирмалар билан ҳамкорликда мамлакат паррандачилигига наслчиллик ишларини тақомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- жаҳон стандартлари ва харидорлар талабига жавоб берадиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш тадбирларини фаоллаштириш;

- паррандани боқиш, етишириш ва қайта ишлашга замонавий технологик ускуналарни татбиқ этиш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш;

- талаб ва сотиш муаммоларини аниқлаш, харидорлар эҳтиёжларини аниқлаш учун доимий равишда маркетинг тадқиқотларини ўтказиб бориш;

- паррандаларни ишлаб чиқариш стандартлари талабларига жавоб берадиган янги авлод озуқа мoddалардан фойдаланганг холда боқиш

ва сақлаш;

- паррандачилик маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда корхонанинг ҳудудлараро ва ҳалқаро бозорларга чиқишини таъминлаш;

- тармоқка инновацион лойиҳаларни жалб қилиш орқали парранда маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги ишчи ўринларини яратиш ва бошқалар.

**Музаффар РАҲМАТАЛИЕВ, PhD,
Нурбек АБДУРАХМОНОВ, талаба,
“ТИҚҲММИ” МТУ.**

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 сентябрдаги “Республикада паррандачилик тармогини янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 774-сонли қарори. - www.lex.uz.

2. Rakhmataliev M. Innovative development at poultry enterprises in conditions of globalization of agricultural markets in Uzbekistan. //Бюллетень науки и практики, 2018. №7, 264-269 б. ((12- Index Copernicus) ICV – 79.69; 17: OAJI - 0.350; 16: DIIF – 1.08).

УДК: 631.56

ИССЛЕДОВАНИЕ

ПРОБЛЕМЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПРОЦЕССА ОЗОНИРОВАНИЯ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Annotsiya. Bir qator inkor etilmaydigan afzalliklarga qaramay, ozonlash jarayoni bir qator afzalliklarga ega. Qishloq xo'jaligida ozonni amaliy qo'llashdagi asosiy muammo - sog'lom odamlar uchun gazning yuqori konsentratsiyasi xavfi.

Annotation. Despite a number of undeniable advantages, the ozonation process has several advantages. The main problem in the practical application of ozone in agriculture is the danger of high concentrations of gas for healthy people.

Как отмечалось выше, озонированный воздух с успехом применяется как средство для стерилизации, обеспечения сохранности пищевых продуктов и для устранения запаха (дезодорация) в холодильниках и овощехранилищах. Озон позволяет хранить в одной камере несовместимые продукты без риска испортить их из-за передачи запахов. Окисляя этилен, озон задерживает перевревание фруктов, уничтожает окись углерода и резко снижает содержание вредных, токсичных, дурно пахнущих веществ в воздухе.

Были исследованы вопросы обеззараживания воздуха на предприятиях агропромышленного комплекса с применением автоматического

регулирования концентраций озона.

Изучая влияние озона на микрофлору продуктов животного происхождения (охлажденного говяжьего мяса и полукопченых колбас), рекомендует следующие условия озонирования:

– для дезинфекции воздуха холодильных камер – концентрация 12-14 мг/м³, время озонирования 10 ч.;

– для хранения говяжьего мяса (температура 0-1°C) – концентрация 10-20 мг/м³, ежедневное озонирование по 4 часа в начальный период хранения в 4 суток; сроки хранения мяса с начальным содержанием 102 – 103 бактерий/см² увеличиваются при этом до 5 суток;

Таблица 1.

**Режимы основного периода хранения
плодовоощной продукции**

Продукт	Концентрация озона, мг/м.куб	Время озонирования в сутки, ч	Количество обработок в неделю
Морковь	5-15	4	3 дня подряд 1 раз в месяц
Чеснок	9-14	5	2
Лук	16-20	3	2 дня подряд 2 раза в месяц
Виноград	3-8	3	3
Яблоки	4-9	5	2

Режимы основного периода хранения плодовоощной продукции приведены в таблице. Согласно представленного материала дезинфекционные мероприятия плодовоощных хранилищ подразделяются на следующие этапы:

- перед закладкой продукции на хранение хранилища должны быть высушены, убраны, побелены;
- для снижения потерь от микробиологической порчи перед закладкой продукции на длительное хранение необходимо провести дезинфекцию самого хранилища (дезинфекцию хранилища методом озонирования рекомендуется проводить по следующим режимам: обработка озоном при концентрации 30-35 мг/м³. в течение 8 часов или при концентрации озона 50 мг/м³ – 5 часов.);

• режимы озонирования в процессе хранения картофеля:

а) в лечебный период хранения — температура хранения +12 - +18°C, относительная влажность 80-90%, концентрация озона 25-30 мг/м³, периодичность по 4 часа через 3 суток;

б) в основной период хранения — температура хранения +2 - +4°C, относительная влажность 85-95%, концентрация озона 15-20 мг/м³, периодичность по 4 часа через 3-4 суток.

При воздействии озоном на плодовоощную продукцию наблюдается резкое снижение обсемененности на ее поверхности глинистой микрофлорой, снижение уровня метаболических

процессов, что препятствует ее прорастанию, т.е. устраняются основные причины порчи сельхозпродукции, что дает значительный экономический эффект.

Несмотря на ряд неоспоримых преимуществ, процесс озонирования имеет несколько недостатков. Основной проблемой при практическом применении озона в сельском хозяйстве выступает опасность высоких концентраций газа для здоровья людей. Процесс озонирования следует проводить в герметичных сооружениях или при отсутствии человека и животных.

Для того чтобы остаточный озон не вступал в нежелательные химические реакции, его необходимо, предварительно очистив, возвращать обратно в технологический процесс. Это не только предотвратит образование влаги, но и снизит вероятность попадания опасного газа в рабочую зону оператора, а также повысит производительность озонатора, уменьшив себестоимость процесса озонирования.

Таким образом, при применении озона в пищевой промышленности большое внимание должно быть обращено на концентрацию выделяемого озона для обработки продукции. Также необходимо учитывать особенности технологического процесса, видовой состав микрофлоры, температуру.

Ирода ТАДЖИБЕКОВА,
старший преподаватель, ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Белов В.В., Гасанов Р.В. Проблемы сохранения качества сельскохозяйственной продукции.// «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки», №7 (23). 2018.
2. Романовский, В.И. Технические аспекты использования озона в водоподготовке / В.И. Романовский [и др.]. // Вода magazine. – 2016. – №2(102). – С. 36–41.

SANOAT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQARISHDA ELEKTRON TIJORATNI TASHKIL QILISH VA AXBOROT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI

Аннотация. В статье показана организация электронной коммерции при производстве промышленной продукции и обеспечение информационной безопасности при внедрении инновационных технологий и управлении промышленными предприятиями с использованием ИКТ.

Annotation. The article shows the organization of e-commerce in the production of industrial products and ensuring information security during the introduction of innovative technologies and management of industrial enterprises using ICT.

Sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda electron tijoratni tashkil qilish uchun innovatsion texnologiyalarni joriy qilish dasturlarini ushbu korxonalarni texnologik qayta jihozlash dasturlari bilan uyg'unlashtirish zarur. Yangi intellektual texnologiyalarga asoslangan holda mahsulotlarni ishlab chiqish, joriy etish hisobiga xizmatlar sifatini yaxshilash, ularning narxini, ishlab chiqarishdagi muammolarni bartaraf etadi. Mintaqqa sanoat tuzilmasini raqamli boshqaruv tizimlarini joriy etishda raqamli texnologilarini qo'llash bo'yicha tizimlashtirilgan normativ-huquqiy bazani yaratish orqali takomillashtirish;

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 05 oktabr kundagi «Raqamli O'zbekiston-2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi №-PF-6079-son farmoniga asosan Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari bandiga ko'ra iqtisodiyotning real sektorida raqamli texnologiyalarni rivojlantirish maqsadida sohani raqamlashtirishda bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirilishi belgilab berilgan, bunga ko'ra:

Mintaqa sanoat ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarini raqamlashtirishda onlayn internet xizmatlari, sun'iy intellekt tizimlarini qo'llanilishi dasturiy mahsulotlarning ishlab chiqarilish qismi 2027 yilga kelib, apparat qismini esa 2030 yilga kelib mahalliyashtirish jarayonlarida davlat-xususiy sheriklik chora-tadbirlari amalga oshirilishi belgilangan bo'lib, ushbu jarayonlarni amalga oshirishda quyidagi texnologiyalar qamrab oladi: SCADA, MES, ERP va boshqalar.

ERP inglizcha (Enterprise Resource Planning System) so'zlarining bosh harflaridan kelib

chiqqan holda olingan, "Korxona resurslarini rejalashtirish tizimi" degan ma'noni bildiradi. Misol uchun, korxona omborxonasida qandaydir mahsulot kam miqdorda qolgan, agarda xuddi shu mahsulot olib kelinmasa, demak, korxona ma'lum muddat ishlashdan, hatto, mahsulotni ishlab chiqarish jarayoni ham to'xtab qoladi. Ushbu jarayon korxonaning katta zarar ko'rishiga olib keladi. Aynan shunday vaziyatlarda ERP tizimlar yordamga keladi. Ushbu tizimga korxonaning har bir bo'limi bog'lanadi va ma'lumot almashinuvu jarayonlari amalga oshiriladi.

MES inglizcha (manufacturing execution system), ishlab chiqarish jarayonlarini boshqarish tizimi - bu ixtisoslashgan dasturiy ta'minot.

SCADA inglizcha (Supervisory Control And Data Acquisition) so'zlaridan olingan bo'lib, xavfsizlik va ishonchilik nuqtai nazaridan hayotiy va muhim sohalarda murakkab dinamik tizimlarni (jarayonlarni) avtomatashtirilgan boshqarishning asosiy usullaridan biridir.

Sanoatda elektron tijoratni rivojlantirishda xalqaro tajribalardan foydalangan holda bir necha qadamlar orqali amalga oshiriladi.

Birinchi qadam, qatnashchilarining sa'y-harakatlari ko'ra, davlat tashkilotlarining qaror va farmoyishlariga asosida hukumatlararo kelishuvlarga ko'ra ijtimoiy-iqtisodiy vakolatlar va majburiyatlar bilan yangidan tashkil etish orqali ishtiroychilarining kapitallarini ixtiyoriy birlashtirish usulidir, bu hozirgi kunda keng tarqalgan usuldir.

Ikkinci qadam, yangidan ko'rileyotgan sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish va realizatsiya qilishni raqamli transformatsiya orqali shakllantirishdir.

Uchinchchi qadam esa, boshqa ishtirokchilar koxona va tashkilotlarning aksiyalarini o'zlashtirish bo'lib, buning oqibatida sanoat elektron tijoratidan foydalanuvchilar shakllanadi.

Yuqoridaagi usullardan foydalanish natijasida sanoatda elektron tijoratni shakllantirish jarayonini quyidagi 1-rasmda shakllantirdik.



1-rasm. Sanoatda elektron tijoratni shakllantirish jarayoni.

Fikrimizcha, sanoatda elektron tijoratni rivojlantirish, raqamli texnologiyalarning qo'llanilishi, ya'nii biznes subyektining yetkazib beruvchilar, kompaniyalar, iste'molchilar, mijozlar, ishlab chiqaruvchilar bilan o'zaro integratsion aloqa jarayonining o'zaro munosabatlarni jiddiy ravishda o'zgartirishga, bunday munosabatlarning globallashuvini va oldin mumkin bo'lмаган yuqori darajada moslashuvchanligini ta'minlashga olib keladi.

Bugungi kunda mashinalar yangi natijalarni yaratishning ijodiy jarayoniga ta'sir ko'rsatadi. Ular faqat ma'lumotlarni ma'lum tartibda tuzuvchi kompyuterlar emas. Bu ma'lum usullar va algoritmlar natijasida ma'lumotlarni tahlil qilish va qo'shimcha dasturlashsiz ma'lumotlardan foydalangan holda o'zini o'zi o'rganish imkoniyatiga

ega bo'lgan tizimlardir. Neyron tarmoqlarning dizayni inson miyasining kognitiv funktsiyalariiga taqlid qilish imkonini beradi, shu bilan birga, mavjud ma'lumotlarni inson aralashuvisz, ya'nii avtonom tarzda qayta ishlash jarayonida unumdonlikni oshiradi. Zamonaviy sun'iy intellekt tizimlari allaqachon intellektual mulk huquqlari ob'ektlari sifatida himoya qilinishi mumkin bo'lgan natijalarni yaratishga qodir.

Bu yo'naliishdagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadi, ushbu mavzuni chuqur o'rganishda yuzaga keladigan masalalar jiddiy mulohaza va mulohaza yuritishni talab qiladi. Texnologiyalar jadal rivojlanadi va fuqarolik muomalasiga jalb qilingan mashinalar tomonidan avtonom tarzda yaratilgan natijalar soni ortadi.

Xulosha o'rnda shuni ta'kidlash mumkinki, mintaqaga sanoat tuzilmasini rivojlanish bosqislari ishlab chiqish bu esa mintaqada va umuman, respublikada sanoatni rivojlantirishning strategik maqsadlariga erishishga qaratilgan innovatsion va investitsiya loyihibarini baholash va amalga oshirish uchun tanlash imkonini beradi va albatta juda dolzarb vazifadir. Shuningdek, mintaqaga sanoatini rivojlantirishda nazariy-uslubiy va amaliy darajada qo'llab-quvvatlash va samarali iqtisodiy siyosatni amalga oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Mintaqaga sanoat tuzilmalarining samaradorligini oshirish va uzlusizligini ta'minlash asosida barqaror iqtisodiy taraqqiyotni qo'llab-quvvatlash uchun moliyaviy institutlar hamda ishlab chiqarish korxonalarini o'tasida mustahkam aloqalar o'rnatilishi natijasida yuzaga keluvchi mukammal intellektual tizim talab etiladi.

G'ulom SHARIPOV,
Qarshi muhandislik-iqtisodiyoti instituti
mustaqil izlanuvchisi.

ADABIYOTLAR

- Mukhiddinov, H. S., and F. A. Norkobilova. "Prospects for Development of Digital Economy in Entrepreneurship." Academic Journal of Digital Economics and Stability (2021): 27-36.
- Madina Bozorova Xudayar Muxtidinov, Farrux Qodirov. "THE ROLE AND IMPORTANCE OF TELEMEDICINE IN THE PROVISION OF MEDICAL SERVICES TO THE POPULATION". International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2022.
- Gulruh Nazarova. "RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA AHOLINING ISH BILAN BANDLIK DARAJASINI OSHIRISH YO'LLARI. "Solution of social problems in management and economy 1.6 (2022): 45-50.
- Nazarova Gulruh Umarjonovna. "IMPORTANCE OF ECONOMIC KNOWLEDGE IN FINANCIAL PROCESS MANAGEMENT." Conferencea (2022): 35-40.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг 2017-2021 йиллардаги ривожланиши йўналишлари ва ҳолати таҳлил қилинган.

Аннотация. В данной статье анализируются направления развития и состояние текстильной промышленности Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.

Annotation. This article analyzes the development directions and state of the textile industry of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021.

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик саноати иқтисодиёт тармоқлари ичida етакчи ва жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тўқимачилик саноати макроиқтисодиёт мажмуасида мустаҳкам ўрин эгаллади. Президентимиз раҳнамолигида яратилган қулай шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялар, мустаҳкам меъёрий-хукуқий база туфайли соҳа корхоналари улкан ютуқларга эришиб, ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига қадам қўймоқда.

Замонавий даврда мамлакатимиз тўқимачилик салоҳиятининг ортиб бораётганини, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати таркибида 1750 та корхона жумладан: 410 та тўқимачилик саноати, 10 та машинасозлик, 1330 та тикувчилик ва трикотаж саноати, 75 та пахта-тўқимачилик кластери [10] фаолият олиб бораётганини тармоқнинг истиқболда ривожланишини прогноз қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш учун тўқимачилик саноатининг ривожланиш йўналишлари ва жорий ҳолатини таҳлил қилишни талаб этади. Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий мақола мавзуси долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даржаси. Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммолари пахта етишириувчи, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уни экспорт қилувчи мамлакатларнинг олимлари томонидан кенг тадқиқ этилади.

Жумладан, режали иқтисодиёт даврида олимлар Т.Б.Поляк [1], Л.И.Замаховский [2], А.М.Либерман [3] ва бошқаларнинг ишларида маҳсулот ассортименти, уни режалаштириш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Ушбу даврда бозор тамойилларининг талаб ва таклиф қонуни асосида шаклланмаганлиги маҳсулот ассортиментини режалаштиришда енгилликлар берганд. 70-йилларда ишлаб чиқарishни ташкил этишини такомиллаштириш назарияси Ф.Ф.Бездудний

[4], А.П.Павлов, Л.Н.Никитина, З.В.Брагина [5], Р.А.нинг ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқаришдаги математик усуллари, иш ҳақи ва меъёрий-хукуқий база асарларида янада ривожлантирилди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида назарий тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Жумладан, тўқимачилик саноатининг, уни ривожлантириш йўналишларининг илмий-назарий асослари, мавзуни тадқиқ этган олимларнинг илмий изоҳлари келтирилган.

Таҳлил ва натижалар. 2017 йилда Ўзбекистон тўқимачилик саноати ривожининг янги босқичи бошлаб берилди. “Ўзтўқимачиликсаноати” Юшмаси таъсис этилди. Умумий экспорт ҳажми 2 млрд. долларни ташкил этди[6].



1-расм. 2021 йил якуни бўйича тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми.

Манба: Отчеты — Ассоциация «Узтекстильпром» (uzts.uz) Мурожаат санаси 13.08.2022

2019-2021-йилларда тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Тараққиётни қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси хисобидан қопланиши тартиби сақланиб қолди [10].

Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни

экспорт қилишда темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизигача миқдорда компенсация бериш учун субсидиялар бериш механизми мавжуд.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 64 трлн. сўм (ўсиш суръати – 145 фоиз), шундан Юшмага аъзо корхоналар томонидан 33,0 трлн. сўмлик тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Жўмладан: 750 минг тонна калави или (119%), 550 млн. кв м. газлама (135%), 176,0 минг тонна трикотаж мато (146%), 302 млн жуфт пайпоқ маҳсулотлари (117%), 553 млн. дона трикотаж маҳсулотлари (129%) ва 604 млрд. сўмлик тикув маҳсулотлари (130%) ишлаб чиқилди.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт ҳажми 3,0 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,6 баробар ўсиш суръатлари таъминланди.

Худудларни ривожлантириш дастурлари доирасида умумий қиймати 733,2 млн. долларга тенг жами 85 та лойиҳалар ўз фаолиятини бошлаб, 22 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиди [7].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-куватлашга доир кечикириб бўлмайдиган чора-тадбир-

лар тўғрисида”ги Фармонига асосан 2022 йил 1 январга қадар 64 нафар импорт қилинадиган хомашё ва бошқа материаллар рўйхати божхона боки тўлашдан озод қилинган [8].

Хулоса ва таклифлар. Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарининг узлуксиз ривожини таъминлаш, хомашё ва ресурс экспортидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш анъанасини яратиш ва уни муваффақиятли давом эттириш, текстил ва тикув-трикотаж маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга кўйиш, маҳсулот номенклатурасини янада диверсификация қилиш, ўлкамизнинг турли худудларида пахта ва бошқа тўқимачилик хомашёсини қайта ишлашга ихтиослашган саноат обьектларини бунёд этиш ҳамда уларнинг барқарор фаoliyatiini таъминлаш, илғор хорижий тажриба асосида малакали ишчи-кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, жаҳон стандартлари бўйича рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорида уни реализация қилиш каби вазифаларнинг бажарилиши соҳанинг келгусидаги ривожига янада ҳисса кўшиши аниқ.

Илхом ХЎЖАЕВ,

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети режа-молия бўлими бошлиғи.

АДАБИЁТЛАР

1. Замаховский Л.И. Организация и планирование хлопкопрядильного производства. М.: Легкая индустрия, 1967. - 254 с.
2. Либерман А.М. Организация и планирование производства на предприятиях текстильной промышленности. М.: Легкая и пищевая промышленность, 1981. - 308 с.
3. Безудный Ф.Ф., Павлов А.П. Математические методы и модели в планировании текстильной и легкой промышленности. М.: Легпромбытиздат, 1979. 316 с.
4. Брагина З.В., Ершова М.Л. Оптимизация логистических потоков текстильных предприятий. Кострома.: КГТУ, - 1998. - 48 с.
5. Муминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосини самарали ташкил этишининг концептуал ёндашувлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. № 3, май-июн, 2021 йил.
6. Отчеты — Ассоциация «Узтекстильпром» (uzts.uz) Мурожаат санаси 13.08.2022.
7. <https://uzts.uz/hisobotlar/> Мурожаат санаси 26.07.2022
8. Божхона божларини тўлашдан озод этиладиган импорт қилинадиган хомашё ва материаллар рўйхати – «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси (uzts.uz) Мурожаат санаси 13.08.2022.
9. Матчанова Ф.А. Рыночные методы повышения конкурентоспособности промышленных предприятий на основе икт. Икт. фан. фалс. докт. диссертацияси. 79-бет.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини исплоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 12.02.2019 йилдаги ПҚ-4186-сон. <https://lex.uz/docs/4199421>

АГРАР ТАРМОҚДА ПАРРАНДАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. В данной статье указывается на то, что в настоящее время птицеводство является одним из быстрорастущих секторов животноводства, позволяющим обеспечить население диетическими мясными и яичными продуктами и его развитие имеет особое значение для обеспечения продовольственной безопасности.

Annotation. This article points out that poultry farming is currently one of the fastest growing sectors of animal husbandry, which allows providing the population with dietary meat and egg products and its development is of particular importance for ensuring food security.

Паррандачиллик - чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, аҳолига қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари гўшт, тухум ва енгил саноатга пат хомашёсини етказиб бериш учун хизмат қиласди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзининг ташкилий ва таркибий хусусиятлари билан дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларидан фарқ қиласди ва ўзига хослиги билан ажралиб туради [1].

Парранда маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш тизимида ахборот технологияларидан фойдаланиш талаб даражасида шаклланмаганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва, шунингдек, истеъмолчилар бирдай зарар кўрмоқда. Чунки, аксарият ҳолларда маҳсулотни яқинрок маҳаллий бозорларга олиб чиқсан тадбиркор мазкур бозорларда маҳсулот миқдори ортиб, баҳо пасайишидан биринчи навбатда зарар кўради [1]. Паррандачиллик хўжаликлари ҳар куни тайёр маҳсулотни бозорга олиб чиқиши имкониятига эга эмас. Бунинг учун уларни етиштираётган маҳсулотларини сотиш тизими бўйича имтиёзлар яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хозирги вақтда республикамиз аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш, кишилар эҳтиёжини ҳар томонлама тўлароқ қондириш, шу йўл билан уларнинг саломатлигини янада яхшилаш каби муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилиш масалалари ўз ечинини кутмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун аввало чорва турларини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, тез этилувчанлик муддатини қисқартириш, маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхона, ташкилот ва муассасаларини замон талаблари асосида барпо этиш

талаб қилинади [2].

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2022 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда паррандаларнинг умумий сони 4 821,0 минг бошга етди. 2021 йилнинг 1 апрелига нисбатан паррандалар бош сони 354,3 минг бошга ёки 7,9 фоизга кўпайди. Уларнинг 81,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди. Шунингдек, паррандалар умумий сонидан 9,8 фоизи фермер хўжаликларига, 9,2 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Демак, Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда қишлоқ хўжалиги таянч тармоқлардан бири бўлиб хизмат қиласди. Минтақада экологик вазиятнинг оғирлашуви, мавжуд ресурслар танқислиги муаммосини ошиб бориши миқдорий усуслар асосида оптимал ечимларни аниқлашни талаб қиласди [3]. Парранда гўшти ўзининг кимёвий таркибига кўра барча чорва ҳайвонлариникуга ўхшаш бўлади. Товук гўштида оқсил ва экспрессив моддалар кўпроқ учраши билан бирга у тез ҳазм бўлади, ёги паст ҳароратда эрийди. Жумладан, семиз товуқ гўштида 20 фоиз оқсил, 16 фоиз ёғ, 1 фоиз минерал модда, 64 фоиз сув бўлиб, 100 г гўштида ўртacha 228 ккал бўлади [4].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, инновацион фаолиятни паррандачиллик корхоналарига нисбатан мамлакатда истиқболда паррандачиллик маҳсулоти сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ҳажм ва иқтисодий кўрсаткичларини кенгайтиришга йўналтирилган ихтиро-янгиликларни яратиш, татбиқ этиш, ўзлаштириш ва тижоратлаштириш каби тадбирлар тизими

сифатида ўрганиш керак. Паррандачилик корхонасиға янгилик киритиш жараёни киритилаётган янгилик ҳақида маълумот олиш, янгилик ва унинг хусусиятларини таҳлил қилиш, инновацион лойиҳани татбиқ этиш давомида паррандачилик корхонасининг бозор рақобатидаги ўрнини аниқлаш, уни татбиқ этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш ва инновацияларни паррандачилик корхоналарида оммавий татбиқ этиш босқичларидан иборатdir.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, паррандачиликни барқарор ривожлантириш асосида аҳолини парҳез гўшт ва тухум каби озик-овқат маҳсулотларига, саноат корхоналарни эса хомашёга бўлган талабини доимий қондириш учун тармоқда ташкилий, иқтисодий, ҳуқукий, технологик ва экологик йўналишларни ўз ичига олган қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Фермер хўжликпарида пахта ва ғалладан паст ҳосил олинаётган майдонларда босқичма-босқич парранда озука экинларини жойлаштириш ҳисобига озука таъминотини мустаҳкамлаш ва тупроқ унумдорлигини яхшилаш;

Кичик бизнес ва аҳоли учун паррандалар стандарт омухта ёки маҳсус ем аралашмасини талабларга тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлаб чиқариш ҳамда сотиш тизимини ташкил этиш;

Паррандачилик тармоғи маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сотиш ва уларга хизмат қиласиган субъектларни тенг ҳуқуқда мустақил фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган сертификатлаштириш, лицензиялаштириш, стандартлаш ва рўйхатга олиш каби жараёнларни эркинлаштириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш;

Парранда гўнгини илғор технологиялар асосида қайта ишлаш, биогумус ишлаб чиқариши йўлга кўйиш. Юқорида илгари сурилган таклиф ва амалий тавсияларни амалга ошириш паррандачилик тармоғини барқарор ривожлантириш, аҳолининг парранда маҳсулотлари билан тиббий меъёр даражасини таъминлаш ва тармоқ иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Парахат АЛЛАНИЯЗОВ,
Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

- Н.Асқаров. “Парранда маҳсулотлари сотиш тизимини такомиллаштириш ва тармоқни модернизациялашнинг асосий йўналишлари”// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. ISSN 2181-502X . Т-№3. 2015. Б -38-39.
- Икромов Т.Х., Кўҷқоров О·Р. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш технологияси: Касб-хунар коллежлари учун дарслик. - Т.: «ДАВР НАШРИЁТИ» МЧЖ, 2013, - 224 б.
- Саҳуанов Ж.К. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш: муаммолар, усуслар ва моделлар. (Монография) Т.: “Лессон Пресс” МЧЖ нашриёти, 2022. - 235 б. ИСБН 978-9943-8475-4-5.
- Рўзиев Р.И ва б., Парранда боқиш бўйича тавсиянома. Тошкент-2017. Б. 36.

УО‘Т: 33

OLIMA AYOLLARIMIZ

VILOYAT AHOLISINING TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA KICHIK BIZNESNING AHAMIYATI VA DOLZARBLIGI

Annotation. Entrepreneurship plays a major role in solving existing problems in the social and economic spheres in the society and in the socio-economic development of the population. It creates new jobs in the fields of production, work performance, and service, and is of great importance in providing employment to the population and reducing unemployment.

Аннотация. Предпринимательство играет большую роль в решении существующих проблем в социальной и экономической сферах в обществе и в социально-экономическом

развитии населения. Она создает новые рабочие места в сферах производства и обслуживания, имеет большое значение в обеспечении занятости населения и сокращении безработицы.

Kirish. O'zbekistonda tadbirkorlik jamiyatining ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlari mujassamlashgan, yaqqol namoyon bo'ladigan hamda tez rivojlanib borayotgan va harakatchan sohasiga aylanib bormoqda. Mamlakatda bozor munosabatlarining shakllanishi va iqtisodiy taraqqiyotida uning o'rni va roli tobora sezilarli tus olib bormoqda. Mehnat bozorida yoshlarga qaratilayotgan alohida e'tibor bois, jami aholiga nisbatan ish bilan ta'minlash ulushi yuqori bo'lmoqda.[1] Ularga jamiyatda munosib o'rin topishiga ko'maklashish va tashabbus ko'rsatib mehnat qilishini qo'llab-quvvatlash bo'yicha tizimli ishlar yo'lga qo'yildi. Yaratilayotgan imkoniyatlardan unumli foydalanayotgan yoshlar esa, barcha sohalarda o'z qobiliyatini namoyon etmoqda. Binobarin, mamlakat taqdiri uchun mas'uliyatni chuqur his etadigan, mustaqil va yangicha fikrلaydigan yosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish vazifasi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Aholi daromadlari, ularning tarkibi, olinish manbalari va tabaqlanish darajasi jamiyat iqtisodiy va ijtimoiy farovonligining eng muhim ko'rsatkichidir. Modomiki, daromadlar insonning shaxsiy ehtiyojlarini qondirishning asosiy manbai bo'lib xizmat qilar ekan, ayanan daromad kengroq tushuncha bo'lib, aholi turmush darajasining markazi bo'g'ini, yadrosidir. Daromad deganda nimani tushunish, ularning turlari va asosiy olinish manbalari qandayligini bilish muhimdir. Aholining natural daromadlari qishloq xo'jaligi mahsulotlarining barcha tushumlari: dehqonchilik, chorvachilik, parrandachilik mahsulotlari, bog'-qo'rg'on, sabzavot-poliz ekinlari uchastkasi, shaxsiy tomorqa, tabiat in'omlaridan shaxsiy, oilaviy ehtiyojlar uchun tayyorlanadigan mahsulotlar kabi tushumlardan iborat.

Natija va muhokama. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi bandligi va daromadlarini oshirishda muhim omildir. Ushbu soha vakillarini har taraflama qo'llab-quvvatlash maqsadida oxirgi ikki yarim yilda Prezidentning ellikdan ortiq farmon va qarorlari qabul qilindi.[2] Jumladan, tadbirkorlik faoliyatini davlat ro'yxatidan o'tkazish, turli ruxsatnomalar olish va boshqa ko'plab xizmatlar tartib-qoidalari soddalashtirildi. Bu borada qulaylik yaratish uchun Davlat xizmatlari

agentligi va uning joylardagi markazlari tashkil etildi. Tadbirkorlik sub'yektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil (Biznes-ombudsman) lavozimi joriy qilindi.[4]

Barcha hududlarda tadbirkorlar murojaatlarini qabul qilib, hal etishga ko'maklashadigan Bosh vazir qabulxonalari tashkil etildi. Vazirlar Mahkamasi huzurida Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasi faoliyati yo'lga qo'yilib,unga 200 milliard so'm va 50 million dollar mablag' ajratildi. Tijorat banklari tomonidan tadbirkorlarga ajratilayotgan kreditlar hajmi oshdi. Bunday amaliy choralar o'z natijasini bermoqda. Kichik biznes mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotining qariyb 60 foizini, sanoat mahsulotlari hajmining uchdan birini, qishloq xo'jaligi mahsulotining 98 foizini, investitsiyalarning yarmini ta'minlamoqda. Ko'pgina viloyatlarda eksportning 70-90 foizi aynan kichik biznesga to'g'ri keladi.[5] Joriy yilning 6 oyida tadbirkorlik sub'yektlari soni 60 mingtaga ortgan. Banklarning tadbirkorlik sub'yektlariga xizmat ko'rsatishini yaxshilash va ajratilayotgan kreditlar samaradorligini oshirish masalasiga ham e'tibor qaratildi. Hozirda kredit olish istagidagi tadbirkorning murojaati 3 bosqichda, ya'ni tuman-viloyat-respublika darajasida ko'rib chiqiladi. Bankning markazi idorasasi rozilik bermasa, tadbirkor kredit ololmaydi. Oqibatda, bu jarayon ayrim hollarda oylab cho'zilib ketyapti. Shu bois, banklarda kredit ajratish masalalarini bir va ikki pog'onaga o'tkazish, 70-100 nafar xodim ishlaydigan filiallar o'rniga 10-15 nafar shtatdan iborat ixcham bank xizmatlari markazlarini ko'paytirish lozimligi ta'kidlandi. Tadbirkorlarning kredit foiz stavkalariga oid fikrlari muhokama qilinar ekan, kreditlar bo'yicha kafolat berish va foizlarni qisman qoplash maqsadida tashkil qilingan.[6]

O'zbekistonda uning taraqqiyoti zamonaviy tadbirkorlikka yaqin bosqichdan boshlanib, tez sur'atlar bilan, izchil tarzda yuqori bosqichga qarab bormoqda. Lekin bunday rivojlanish qiyinchiliklarsiz kechmadi va hozirgi kunda ham bu yo'nalishda anchagina muammolar o'z yechimini kutmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotida katta rol o'ynaydi va yetakchi o'r'in egallaydi. Chunki mamlakatda

yaratilayotgan yalpi ichki mahsulotning qariyb yarmi va yangi ish o'rinalining 57 foizi, ish bilan band aholining 76 foizi va aholi daromadlarining 70 foizi aynan ana shu sohaga to'g'ri keladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, demak, mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti unga bog'liq bo'lib, u ana shu taraqqiyotni belgilovchi asosiy kuchlardan biri hisoblanadi. Kichik biznes va xususiy tadbirdorlik sub,yektlari ixcham, harakatchan, tez moslashuvchanliklari tufayli jahon moliyaviy-

iqtisodiy inqirozini ham nisbatan osonroq kechib o'tishga qodir va buni hayot ko'satmoqda. Shu boisdan ham ular inqirozga tez moslashib, uning ta'sirini yumshatib, mamlakat ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotining to'xtab qolishi yoki retsessiyaga tushishining oldini oladilar. Shuning uchun ham tadbirdorlikning rivojlanishini davlat har tomonlama qo'llab-quvvatlaydi.

Gulruh NAZAROVA,
Qarshi muhandislik-iqtisodiyoti instituti o'qituvchisi.

ADABIYOTLAR

1. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "The role of small business in improving the living standard of the population." Conferencea (2022): 34-36.
2. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "Methods for increasing the level of employment of the population in the conditions of the digital economy." E Conference Zone. 2022.
3. Dodoboev Yu.T, Xudoyberdiyev A. «Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi». Farg'ona-2001 yil, 219-222-betlar.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси». Lex.uz
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <http://president.uz>. расмий сайти.
6. Ф.Э.Кодиров, О.Д.Дониёров. Эффективные модели развития медицинского обслуживания населения Кашкадарьинской области. 2022. Журнал "Символ науки" номер 7-2. Страницы 15-17.
7. Farrux Qodirov, Xudayar Muhiddinov. Features that increase efficiency in the provision of medical services and factors affecting them. 2022/7/30 журнал Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali 2 Том, 7 Номер страницы 192-199.

УЎТ: 338.439-027

ОЛИМА АЁЛЛАРИМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация. В статье проанализированы трансакционные издержки в сельскохозяйственных предприятиях, а также разработаны рекомендации по проблемам и решениям для оценки трансакционных издержек.

Annotation. The article analyzes transaction costs in agricultural enterprises, and also develops recommendations on problems and solutions for assessing transaction costs.

Бугунги кунда агробизнесда трансакцион харажатлар иқтисодиёти назарий жиҳатдан ўрганилган бўлсада, эмпирик жиҳатдан ўрганилмаганлиги муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Трансакциялар даражасидаги бундай эмпирик тадқиқот натижалари давлат ходимлари ва хусусий шахслар томонидан қарор қабул қилиш жараёнларида муҳим аҳборот вазифасини бажаради.

Шу ўринда трансакцион харажатлар бўйича ёндашувларга эътибор қаратадиган бўлсак, таникли америкалик иқтисодчи Уильямсон Оливер Итоннинг фикрича трансакция бу бирбиридан ажратилган интерфейс орқали товар ва хизматларнинг узатилишидир [3]. Муаллифнинг бундай таърифлаши асосида ресурслар фақат жисмоний жиҳатдан ўтказилиши назарда тутилган. Бундай ўтказмалар фирма ичida ёки

бозорлар ёрдамида фирмаларо ҳам содир этилиши мумкин.

Яна бир америкалик иқтисодчи олим Джон Роджерс Коммонс трансакцияларни товар ва хизматларга эгалик ҳукуқини бериш, бунда нафақат жисмоний ўтказма, балки мулкчилик нутқа-назаридан ушбу ресурсларни фойдаланиш ҳукуқини ва бундан келиб чиқувчи ресурсларни фойдаланиш шартномасини ҳам назарда тутади деб таърифлайди [1].

Ҳам жисмоний ва ҳам ҳукукий трансакциялар иқтисодий трансакцияларни ташкил этганлиги боис, бу харажатлар бир қанча давлатлар иқтисодчи олимларида қизиқиш уйғоткан. Жумладан, Джон Роджерс Коммонс трансакцияларни таҳлилнинг юраги сифатида талқин қиласди [1], бошқа томондан эса Хагедрон табиятта алоқадор трансакциялар қышлоқ ҳўжалиги, боғдорчиллик, балиқчиллик, ва ўрмон ҳўжалиги, яъни табият тизими билан ўзаро боғлик тармоқларга хос

эканлигини таъкидлайди [2].

Трансакцион харажатларни чуқур ўрганиш орқали шартнома тузувчи ҳамкорлар аниқ шартномага хос тизимли муқобил варианларни танлаш йўли билан ушбу трансакцион харажатларни камайтириш ва активларини сақлаб қолиш имкониятини кўлга киритади. Трансакцион харажатларни фазаларига бўлиб ўрганиш эса трансакцион харажатлар моделини эмпирик жиҳатдан амалга ошириш имконини беради.

Агар сектор ривожланган худудларда қишлоқ ҳўжалигига инвестиция киритиш ва ривожлантириш жараёни жуда катта аҳамият касб этади. Яъни соҳани интенсивлаштириш асосида қишлоқ ҳўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, рискларни камайтириш, ҳайвонот ва ўсимлик маҳсулотлари сифатини, озиқ-овқат ҳавфсизлигини ошириш вазифалари бевосита киритилган инвестициялар ҳажмига боғлиқ ҳисобланади.

1-жадвал.

Трансакция фазаларига боғлиқ бўлган трансакцион харажатлар

Трансакцион харажатлар	Трансакцион харажатларнинг вужудга келиш жойи
Информацион харажатлар	Шартномалар тузилиш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳамкорлар ва шартнома шартлари бўйича маълумот кидириш ва маълумот олиш
Келишув харажатлари	Келишувга эришиш ва шартнома тузиш, музокаралар олиб бориш бўйича харажатлари
Назорат ва мониторинг харажатлари	Келишилган муддатларда сифат, сон, нарх кўрсаткичларига ва маҳфийликка риоя қилишни таъминлаш харажатлари.
Мослашув харажатлари	Келишув амал қилган муддат ичидан давр ўзгаришларини, сифат ва сондаги ўзгаришларга риоя қилишни таъминлаш харажатлари

2-жадвал.

Фермер ҳўжаликларида ускунавий хизматларни кўрсатиш бўйича трансакцион харажатларнинг ролини баҳолашда муқобил шартнома келишувларни турлари.

1	Бозор асосида келишув	келишувлар бозор қонунлари асосида амалга ошади, фермер ушбу машинани етказиб берувчи билан ҳеч қандай муносабат қурмасдан ёллади. Одатда қишлоқ ҳўжалиги шароитида бу учналик кўп учрамайди. Чунки фермерлар техникани доимо битта етказиб берувчидан ёллаши шу асосда у билан муносабат қуриши эҳтимоли жуда юкоридир
2	Келишувнинг иерархик шакли	бунда агар фермер техникани сотиб олса ёки жуда узок муддатга шартнома асосида ёлласа ушбу келишувни Уильямсон таърифлаганидек “иерархик келишув” деб ҳисобласак бўлади.
3	Ҳамкорлик келишуви асосида	ер майдони катта бўлмаган қўшни фермерлар орасида ушбу келишув амалга ошиши мумкин, яъни улар норасмий келишув асосида нақд пул тўлмаган ҳолда техникани бирга ишлатиши мумкин. Бунда хизмат ҳақи натура шаклида ёки ишларни бажарип бериш шаклида амалга ошиши мумкин.
4	Давлат муассасалари билан келишувлар асосида	масалан маҳаллий давлат муассасалари балансида техникалар мавжуд бўлиб, фермерларга ушбу хизматлар шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Лекин ўз ускуналарига инвестиция киритиш, айниқса, майда фермерлар учун ушбу ускуналарни аутсорсинг хизматидан фойдаланиш орқали ёллашдан қимматроқ тусиши ҳам мумкин. Шунинг учун техника ускуналар бўйича хизматларга оптимал шартнома вариантларини танлашда керакли бўлган ускунанинг нархини ва трансакцион харажатларни баҳолаш зарур бўлади.

Ушбу ускуналар хизматини кўрсатиш бўйича тузилиши мумкин бўлган шартнома келишувларини танлашда трансакцион харажатларнинг роли жуда катта ҳисобланади. Фермер хўжаликлари ҳар хил ташкилотлар билан келишувлар тузган холда ушбу хизматлардан

фойдаланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, трансакцион харажатларнинг фақатгина истиқболли тармоқлардагина ўрганилаётганлиги, фермерлар нуқтаи назаридан ушбу таҳлилларнинг бугунги кунгача чукур ўрганилмаганлиги ушбу соҳада эмпирик тадқиқотлар олиб борилиши жуда ҳам долзарбилигини тақозо этади.

Трансакцион харажатларни баҳолашнинг стандарт тартиби мавжуд эмаслиги ва ҳар бир вазиятда аниқ белгиланган моделни тавсифлаш асосида трансакцион харажатларни баҳолашни талаб қиласди.

Феруза ОСПАНОВА,
Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

- Commons, W. Institutional economics: its place in political economy. New York: Macmillan, 1934.
- Hagedorn, K. Particular requirements of institutional analysis in nature-related sectors, European Review of Agricultural Economics, 2008.
- Williamson, O.E. The economic institutions of capitalism: firms, markets and relational contracting. New York: The Free Press, 1985.

UO'T: 338

TADQIQOT

RESPUBLIKADA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA ISTE'MOL VA URUG'LIK KARTOSHKA YETISHTIRISH ISTIQBOLLARI

***Annotation.** In this article, the prospects, problems and some issues of the value chain of the production of consumption and seed potatoes in ensuring food safety in potato farming, as well as the problems of the state of the potato industry in general, were analyzed on the example of Bulung'ur district. The analysis showed that it is important to develop every link of the value chain in potato growing in Bulung'ur district, in particular, enterprises that supply potato seeds, storage, processing, and export activities of potatoes based on the laws of the market economy.*

***Аннотация.** В данной статье проанализированы перспективы, проблемы и некоторые вопросы стоимостной цепочки потребления и выращивания семенного картофеля в обеспечении продовольственной безопасности в картофелеводстве, а также проблемы состояния картофельной отрасли в целом на примере района Булунгур. Анализ показал, что важно развивать каждое звено производственно-сбытовой цепочки в картофелеводстве Булунгурского района, в частности, предприятия по поставкам семян картофеля, хранению, переработке и экспортной деятельности картофеля на основе законов рыночной экономики.*

Respublikada oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda iste'mol va urug'lik kartoshka yetishtirishni rivojlantirish, kartoshkachilik sohasida klaster va kooperatsiya mexanizmlarini kengaytirish hamda

zamonaviy texnologiyalarini joriy etishni davlat tomonidan yanada qo'llab-quvvatlash, shuningdek, kartoshkaga bo'lgan ichki bozor talabini to'liq qondirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi

Prezidentining 2020 yil 6-maydag'i PQ-4704-soni qarori e'lon qilindi. Bunda kartoshka yetishtiruvchilar uyushmasining kartoshkachilikka ixtisoslashtiriladigan tumanlarda kartoshkachilik klasterlari va kooperatsiyalarini tashkil etgan holda innovatsion va resurstejamkor texnologiyalar asosida urug'luk kartoshka yetishtirish hamda sohaga qo'shilgan qiymat zanjirini yaratish, aholining oziq ovqatga bo'lgan talabini qondirish hamda iste'molga bo'lgan ichki bozor talabini oshirish, shuningdek, uning eksportini kengaytirish bo'yicha muhim ishlar amalga oshirish kerakligi ta'kidlab o'tilgan. Xususan, Davlat statistika qo'mitasi xabariga ko'ra, 2022 yilning yanvar-fevral oylarida O'zbekiston 7 ta davlatdan qiymati 21 mln AQSh dollariga teng bo'lgan 122,4 ming tonna kartoshka import qilgan. Qayd etilishicha, kartoshka importi o'tgan yilning mos davri bilan solishtirilganda qariyb 42 ming tonnaga oshgan. O'zbekistonga 2022 yilning dastlabki 2 oyida Pokiston 91,3 ming tonna kartoshka import qilgan bo'lsa, Qozog'iston 12,6 ming tonna, Eron 5,2 ming tonna, Rossiya – 4,4 ming tonna, Qирг'изистон – 4,3 ming tonna, Afg'oniston – 4 ming tonna, Belarus – 631,6 tonna kartoshka import qilgan.

Dunyoning rivojlangan mamlakatlaridan Belorussiya, Germaniya, Niderlandiya, Rossiya, Turkiya, Fransiya kabi davlatlarda kartoshka yetishtirish serdaromad soha hisoblanib, o'rtaча 1 hektar maydonдан olinadigan sof foyda 6-7 ming AQSh dollarni tashkil etgan holda, respublikadagi mazkur ko'rsatkich 5-6 mln. so'mni tashkil etmoqda, xolos. Ayrim kichik fermer xo'jaliklarda kartoshka yetishtirish uchun sarflangan xarajatlar ham qoplamayapti. Kartoshka yetishtiruvchi fermer xo'jaliklari urug'luk kartoshka yetishtirish bo'yicha chuqr bilim va ko'nikmalarga ega emasligi natijasida talab etiladigan sifatli kartoshka urug'ligi yetishtirish va tayyorlash tizimi to'liq takomillashtirilmaganligi hamda kartoshka yetishtiruvchi hududlarini to'liq ixtisoslashtirilmaganligi, shuningdek, kartoshka yetishtiruvchilar bilan ilm-fan o'rtasida integratsiyaning yetarli emasligi ushbu sohaning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Kartoshkachilik sohasi rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, ushbu mamlakatlar tomonidan har yili kartoshka yetishtiruvchi xo'jaliklarni turli shakllarda qo'llab-quvvatlash uchun davlat dasturlari qabul qilib borilmoqda.

So'nggi yillarda kartoshka yetishtirish hamda uni eksport qilish masalalari O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatida markaziy o'rinnlardan

birida turadi. Endilikda aholi turmush darajasini yaxshilash va daromadlarini oshirish, aholini oziq-ovqat bilan to'laqonli ta'minlash masalalari oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda kartoshka ishlab chiqarish bilan chambarchas bog'liqdir. Ma'lumki, davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan islohotlarning yangi bosqichida O'zbekiston iqtisodiyotining eng muhim sohalaridan biri hisoblangan qishloq xo'jaligining kartoshka yetishtirish tarmog'i tubdan isloq qilinyapti. Ayniqsa, hozirgi pandemiya paytida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash, ichki bozorda kartoshkaga bo'lgan talabni qondirish, bozorlarda kartoshkaning narx-navo barqarorligini ushslash — bularning bariga kartoshka yetishtirish agroklaster va kooperatsiyalarni rivojlantirmasdan erishib bo'lmaydi. Ma'lumotlarga qaraganda, 2025 yilgacha mamlakat yalpi ichki mahsuloti hajmini 100 milliard dollar, yillik eksportni 30 milliard dollarga yetkazish maqsad qilingan. Bu ko'rsatkichlarga erishish uchun esa qishloq xo'jaligi sohasidagi mavjud bo'lgan zaxiradagi imkoniyatlar ishga solinmoqda.


Mamlakatimiz rahbari tomonidan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020–2030 yillarga mo'ljallangan strategiyasi oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning muhim ustuvor yo'nalishlarini belgilab berdi. Qishloq xo'jaligining muhim tarmog'i hisoblangan kartoshka ishlab chiqarish va oziq-ovqat sanoatida tutgan o'mini o'rganish juda muhimdir. Shu nuqtai nazardan mazkur maqolada kartoshka yetishtirish bo'yicha Samarqand viloyatining eng ilg'or tumanlaridan bo'lgan Bulung'ur tumanini misolida kartoshkachilikda qiymat zanjirini tahlil qildik. Tahlil davomida asosan Bulung'ur tumanida tasodifiy tanlanma asosida kartoshka yetishtiruvchi fermer xo'jaliklari, dehqon xo'jaliklari bilan bo'lgan intervyyu ma'lumotlaridan, Samarqand viloyat statistika boshqarmasi yig'ma ma'lumotlaridan foydalandik.

Kartoshkachilik faoliyati qiymat zanjirida dastlab duch keladigan halqa bu – yerni ekinga tayyorlash, xomashyo ta'minoti ya'ni ishlab chiqaruvchilarga sifatlari, yuqori navli urug'larni yetkazib berish, o'g'it bilan ta'minlash hisoblanadi. Bulung'ur tumanida olib borilgan tadqiqotlar shuni ko'ssatadiki, ayrim yangi tashkil qilingan kartoshka urug'i yetkazib beruvchi korxona yuqori sifatlari kartoshka urug'ini asosan Gollandiya davlatidan to'g'ridan-to'g'ri import qilib, shartnomaga asosida fermerlarga yetkazib bermoqda.

Kartoshkachilik faoliyati qiymat zanjirida muhim bo'lgan bo'g'inlardan biri bu bevosita mahsulotni ishlab chiqarish bo'g'inidir. Respublikamizda kar-

toshka ishlab chiqarish, asosan, fermer xo'jaliklari, dehqon xo'jaliklari va qishloq xo'jaligi korxonalarini tomonidan amalga oshiriladi. Shuningdek, keyingi vaqtarda kartoshkachilikka ixtisoslashgan klasterlarni rivojlantirishga ham alohida e'tibor qaratilmoqda va ushbu klasterlar tomonidan nafaqat kartoshka mahsulotlarini ishlab chiqarish, balki, urug'lik yetkazib berish, sotish, saqlash va qayta ishlash faoliyatları yo'lg'a qo'yilmoqda.

Tadqiqot olib borilgan hududlardan biri bo'lgan Bulung'ur tumanida kartoshka ishlab chiqarish ekin maydoni dinamikasi quyidagi rasmda keltirilgan (1-rasm).




1-rasm. Bulung'ur tumanida kartoshka ekin maydoni (ga).

Bulung'ur tumanida 2017, 2018 va 2019 yillarda mos ravishda jami qishloq xo'jaligi ekin maydonlarining 9,0 foiz, 13,5 foiz va 12,3 foiziga kartoshka ekini ekilgan.

1-rasmga ko'ra 2018 va 2019 yillarda Bulung'ur tumanida asosiy kartoshka ekin maydoni dehqon xo'jaliklariга to'g'ri kelgan. Shuningdek, tumanda yetishtirilgan kartoshkaning ulushi dehqon xo'jaliklariга to'g'ri kelganligini ko'rishimiz mumkin. Garchi 2017 yilda fermer xo'jaliklari 1243 hektar maydonga, dehqon xo'jaliklari esa 865 hektar

maydonga kartoshka ekkan bo'lsa-da, dehqon xo'jaliklari fermer xo'jaliklariga nisbatan 8,2 tonna ko'p kartoshka ishlab chiqargan.



2-rasm. Bulung'ur tumanida kartoshka ishlab chiqarish (ming tonna).

Kartoshkachilikda qiymat zanjirining yana bir bo'lmi kartoshkani saqlash bo'lib, tumanda bu jarayon uchun maxsus omborxonalar, muzxonalar tashkil qilingan.

Tadqiqot olib borilayotgan Bulung'ur tumanida kartoshkani sotish ishlari, asosan, mahalliy bozorlarda chakana narxlarda, vositachi korxonalar orqali ulgurji narxlarda sotilmoqda.

Umuman yuqoridaq tahlillardan xulosa qilib aytish mumkinki, kartoshka yetishtirishda Samarqand viloyatida ilg'or bo'lgan Bulung'ur tumanida kartoshkachilikda qiymat zanjirining har bir halqasini, xususan, kartoshka urugi'ni yetkazib beruvchi korxonalar, kartoshkani saqlash, qayta ishlash, eksport faoliyatlarini bozor iqtisodiyoti qonunlari asosida rivojlantirish muhim hisoblanadi. Shuningdek, kartoshka ishlab chiqarishda innovatsion texnologiyalarni joriy qilish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Bektash HASANOV,
TDIU Samarqand filiali tayanch doktoranti.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947- va sonli Farmoni. // Xalq so'zi. 8 fevral' 2017 yil.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4704-sun qarori. "Respublikada kartoshka yetishtirishni kengaytirish va urug'chiligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida", Toshkent sh., 2020 yil 6 may.
3. Abdug'aniev A. Qishloq xo'jalik yerlaridan to'liq va samarali foydalanish istiqbollari //O'zbekiston qishloq xo'jaligi. Toshkent, 2013.
4. Janssen, W., Hall, A., Pehu, E., & Rajalathi, R. Linking market and knowledge based development: The why and how of agricultural innovation systems. markets, marketing and developing countries: where we stand and where we are heading, 44-53. 2010.
5. Kapalasa, E., Mwenye, O., Jogo, W., Parker, M., & Demo, P. Potato value chain analysis report for Malawi. 2022

БАХТИМ ШУЛ – ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН



Зулфия Истроилова 1915 йил 1 март
куни Тошкентда ҳунарманд оиласи-
да туғилган. Шоира хотин-қизлар
билим юртида ўқиган вактларида ёқ
адабий тўғаракларда шеърлар машқ
қила бошлиди. 1935—1938 йилларда
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
Тил ва адабиёт институти аспиранту-
расида таҳсил олди. Сўнгра Болалар
нашриётида мухаррир, Ўзбекистон
Давлат нашриётида бўлим бошлиги,
«Ўзбекистон хотин-қизлари» («Сао-
дат») журналида бўлим бошлиги, бош
мухаррир бўлиб ишлади.

Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъана-ларининг роли бениҳоя бўлди. Шоира «Шеърлар» ва «Қизлар қўшиғи» каби поэтик асарларини она-Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахта-корлар, механик, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлайди. Айни чоғда мазкур тўпламлардаги шеърлари шоиранинг шеърий маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди. Уруш даврида шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар», «Ҳижрон кунларида» каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг «Менинг Ватаним», «Қўлимда қуролу устимда шинель», «Бизни кут» каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеъриягининг жанговар руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган. Шоиранинг

урушдан сўнгги йилларда ёзилган «Да-лада бир кун», «Тонг қўшиғи» каби бир қатор шеърлар туркуми, «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар», «Куйларим сизга» тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатадиган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Зулфия «Ўйлар», «Шалола» каби шеърий мажмуалари учун Ҳамза номида-ги республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро соврин, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилу-фар» мукофотига сазовор бўлган. Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг Дехклида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машхур «Мушоира» асарини яратди. Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил 1 августида вафот этган.

МЕН ЎТГАН УМРГА...

Ҳаёт китобимни бехос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чараклаб.
Суиши керак бўлса — телбача сўйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Сўйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Қўйдим,
Иззат нима — билдим.
Шу-да бир яшаш!..

БУ ОҚШОМ

Бу оқшом пориллар дил нурингизда,
Дийдор баҳти насиб яна Сиз билан.
Турибман, азизлар, хузурингизда
Ҳамон ўтлиғ кўнгил, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър.
Сочимда, чехрамда ийллардан нишон,
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,
Орзуларим карвон, сарбоним – ишонч.

Ҳамон ота-онам, икки жаҳоним
Азиз ёди аро шикаста, бутман
Ишқим – алангадир, кордир ҳижроним
Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорағич –
Мунисим Ҳулкарим, алпим Омоним
Ширин набиралар ҳаётдан тортиғ
Ҳар бири жонига пайвандир жоним.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд
Ҳазрат устозларим – теран илдизлар,
Мен ундан жон олиб кўқарган дарахт,
Меваси – қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим
Аждодларим менга ифтихор, ғуур
Шу мавжлардан томган нукра умидим
Шоира қизларим баҳш этган сурур.

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳф этолмас завол лашкари,
Мен кетсан мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар – бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман, юзимни тутиб Каъбага,
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур
Асли Сиз офтобим, мен зиёсимиан.
Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,
Баҳтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.

ТИНГЛА, БУЛБУЛ

Булбул сайрап, ирмоқ қўйлар, ўйнар ел,
Ҳамма ёққа нур тўлганга ўхшайди.
Ширин куйга тўлиб кетди маъсум дил,
Севги унга ёр бўлганга ўхшайди.

– Тўхта, булбул, мен куйлайнин, жон булбул,
Сен тинглагин қалбимдаги торимни.
Баҳор десам, рашик қилмасин чаман гул,
Юрагимга кириб олган ёримни.

Мен ёр севдим, ишқ ўради ўйимни,
Эрка дилнинг тўлқинига қулоқ сол.
Сен бийронсан, лекин менинг куйимни
Кўрки бўлган садоқатдан сабоқ ол...

ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон ҳалқ шоираси.

БИР ОИЛАДЯ БЕШ ОЛИМ

**80 ёши қаршилаётган академик Б.Мамбетназаровнинг
ҳаёт ўйлига бир назар**

“

**Мелиорация ва суформа
дехқончилик соҳасида улкан
олим, академик Бийсенбай
Сатназарович Мамбетназаровни
мен 1975 йилдан, Бутун иттифок
пахтачилик илмий-тадқиқот
институтида илмий ижодини
бошлаган даврларидан
буён яқиндан биламан.**

”



Қорақалпоғистан Республикаси фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик Бийсенбай Мамбетназаров ўзининг илмдаги ютуқлари, инсоний фазилатлари билан наинки Қорақалпоғистонда, балки бутун Ўзбекистонда ҳурмат ва эҳтиром топган олимдир. Унинг фандаги ва ҳаётдаги умр йўлини ўзига хос бир мактаб деб аташ мумкин.

Бийсенбай Сатназарович 1943 йили 25 март куни Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани Кенес ҚФЙдаги Оролбой қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тутагиб, ўзининг билими янада ошириш мақсадида 1965 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишига кирди.

Институтни муваффақиятли тамомлангандан сўнг 1970 йили Қорақалпоғистон дехқончилик илмий-тадқиқот институтига кичик илмий ходим лавозимида иш бошлаб, 1972 йили Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти аспирантурасига ўқишига киради. Бўлажак олим “Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида бедани суфориш режимини аниқлаш” мавзудаги диссертация ишини бошлади ва 1977 йили қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди диссертацияси ни ҳимоя қилди.

У Қорақалпоғистан дехқончилик илмий-тадқиқот институтининг “Агротехника” ва “Мелиорация ва суформа дехқончилик” лабораториялари мудири лавозимида ишлаб, илмий-тадқиқот ишларини изчил давом эттириди ва 20 йиллик изланишлари натижасида “Қорақалпоғистон Республикасидаги гўзани алмашлаб экиш тизимини суфориш режимини аниқлаш ва гидромодул районлаштириш” мавзудаги докторлик диссертациясини 1991 йили ҳимоя қилиб, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олди.

Олим ўша йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзолигига сайланди.

У 1998 йилдан Қорақалпоғистон дехқончилик илмий-тадқиқот институти директори лавозимида ишлаб ўзининг ташкилотчилик ва раҳбарлик хислатларини намоён қилади. Ўша даврда Чимбой-5018 гўза нави яратилиб, ҳозирги вақтда ушбу нав Қорақалпоғистон Республикасида 48 минг гектардан ортиқ майдонларда етиштириб келинмоқда.

Олим 2002 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети университетининг “Тупроқшунослик” кафедраси раҳбари лавозимида иш бошлаб, 2005 йилдан шу

вақтга қадар “Экология ва тупроқшунослик” кафедраси профессори лавозимида ишлаб келяпти.

Б.Мамбетназаров Германия, АҚШ, Бирлашган миллиятлар ташкилоти (FAO) ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликдаги илмий лойиҳаларни амалга оширишда катта жонбозлик қўрсатган олимлардандир. Масалан, у Германия техник ҳамкорлик (GTZ) ташкилоти лойиҳалари доирасида 300 минг гектарга Орол дengизи атрофига саксовулзор ташкил этишда фаол иштирок этди.

Шунингдек Америка қишлоқ хўжалиги департаменти билан ҳамкорликдаги “Қорақалпоғистон ҳудудида сувсизлик шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш” мавзусидаги лойиҳада ўзининг бой илмий салоҳияти билан иштирок этиб фермер ва дехқон хўжаликларида иклим ўзгаришига боғлиқ дехқончиликни ривожлантириш чоралари ҳамда ширинмия ўсимлигини уруғидан экиш ва унинг агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борди.

Ҳозирда олим шогирдлари билан “Оролбўйи ҳудудида шўр тупроқ ва сув танқислиги шароитида кунжут навларини етиштиришнинг ресурстежамкор агротехнологиясини ишлаб чиқиш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш” ва “Оролбўйи регионида шўр ва қурғоқчиликка чидамли ноанъанавий экинларнинг голофитларини экиш ва кенгайтириш” мавзудаги амалий лойиҳаларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

2016 йили Президентимиз Ш.Мирзиёев билан учрашганида, унга давлатимиз раҳбарининг «ilmий мактаб тузинг» деган фикрлари асосида “Тупроқшунослик” ихтинослиги бўйича университетда магистратура йўналиши очилди. Ҳозирги вақтда бу ерда 20 нафар магистр илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Шу билан бирга, университетда докторантурда очилишига эришилиб, 5 нафар докторант долзарб муаммолар бўйича диссертация ишларини олиб бормоқдалар.

Академик ҳаётда ниҳоятда меҳнатсевар ва шогирдпарвар инсон. Унинг кўплаб шогирдлари Қорақалпоғистон дехқончилик илмийтадқиқот институти, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ва бошқа илмий-тадқиқот институтларида фаолият олиб бормоқда. Б.Мамбетназаров 100 дан ортиқ бакалавр ишлари, 62 та магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилган. Бундан ташқари, 8 нафар фан номзоди, 5 нафар фалсафа доктори (PhD), 2 нафар фан доктори (DsC) тайёрлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий мақола, 5 та монография ва ўкув кўлланмалари чоп этилган.


Ҳузурига бирор бир масалада келган ёшларга ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари, бой илмий салоҳиятидан келиб чиқиб маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беради. Ёшлар унинг ўйтларида ўзига хос бағрикенглигни, самимиятни ҳис қиласидилар. Олимнинг улар орасидаги мартабаси юқори эканлигининг боиси ҳам шунда.

Ҳозирги вақтда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияси илмий-тадқиқот институти қошидаги ихтинослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда олимнинг оиласидаги ҳаётига бир назар ташлайлик. Умр йўлдоши Қурбаниязова Генжегул билан беш нафар фарзандни камолга етказди. Улардан уч нафари фалсафа доктори (PhD), бир нафари фан доктори (DsC) профессор, қизи эса ҳамшира бўлиб ишлаб келмоқда. Бир оиласдан беш олим етишиб чиққанининг ўзиёқ кўпларнинг хавасини уйғотади. Бу сулоланинг жамиятга, халққа хизмати бекиёс, албатта.

Устоз ва йирик олим, академик Бийсенбай Мамбетназаровни таваллуд куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман ва мустахкам соғлиқ, узоқ умр, қишлоқ хўжалиги илм-фани ривожланиши йўлидаги илмий-педагогик ишларida муваффақиятлар тилайман.

Шерали НУРМАТОВ,
к.х.ф.д., профессор.



Агрономдан Чиққан олим ва ёзувчи

*ёхуд касби қишлоқ хўжалиги
соҳаси бўлса-да, тарихий
тадқиқотлари ва
замонавий асарлари билан
зиёли аҳлини ҳайратлантириб
келаётган инсон ҳақида
дил сўзларим*

Зойир Зиётов гарчи агроном бўлса ҳам бугунги қунда уни қўпчилик тарихчи олим сифатида танийди. Шунингдек, у ўзига хос ёзувчи ва публицист ҳамdir. У яқин ўтмишимиз ва бугунги ҳаётимиизга бўлган ўз қараашларини, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муносабатларини қаламга олиб келмоқда.

Бу инсоннинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон ҳалқ артисти, олий тоифали сұхандон, “Дўстлик” ордени соҳиби Фарҳод Бобоҷоновдан Турон Фанлар академияси академиги, толмас тадқиқотчи, сермаҳсул ижодкор Зойир Зиётов ҳақида ўзининг дил сўзларини ёзиб беришини сўрадик. Фарҳод aka тақлифимизни баҳри дили очилиб қабул қилди.

Таҳририятимиз агроном, олим ва ёзувчи З.Зиётовни қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилайди.

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор.

Мен касбим тақазоси билан турли тоифадаги одамларга тўқнаш келганиман. Кимдир соядай сирғалиб, одамлар хотирасида ҳеч бир из қолдирмай ўтиб кетади. Кимдир чақиндай чақнаб, бир умр қалбингдан жой олади.

Ўтган асрнинг 70 йиллари бошида иштихонлик хўжалик раҳбари Зойир Зиётов билан иш юзасидан учрашганман. Шундан сўнг яқин дўстлашдик, кўп бора самимий муроқотлар қипдик. Мени ўзи бошқараётган хўжаликка таклиф этди.

У ерда Зоир аканинг отаси Зиёд бобо билан учрашдим. 90 ёшни қоралаб қолган бу инсоннинг тетик, бардам-бақувватлиги, ёш йигитлардай чайирлигидан ҳайратга тушганман. Узок йиллар хўжаликни бошқарган бу инсоннинг суяги меҳнатда қотганлиги шундай сезилиб турарди.

Зоир Зиётов 1973-1978 йилларда хўжаликка раис бўлганида шўролар ёшлилар мукофотини кўлга киритган.

**Тақдирни қўл билан яратур одам,
Ғойибдан келажак баҳт бир афсона...**

Бу файласуф шоир Фофур Ғуломнинг қайноқ қалбидан чиқкан шеърий сатрлар.

Дўстим ҳам ўз тақдирини ўзи яратиб, интилиб, изланиб яшаб келмоқда.

Биз Зоир Зиётов билан яқин дўст, бир-бirimizga устоз-шогирдмиз.

Самарқанднинг 2500 йиллигига бағишиланган халқаро илмий конференцияда Академик Иброҳим Мўминов қўлган “Амир Темурнинг Ўтра Осиёда тутган ўрни” маъruzаси китобча бўлиб чиқди. Бу китобчанинг бир донасини дўстим Зоир Зиётовга тұхфа қилдим. Ўша даврда бобомиз Амир Темур ҳақида ижобий сўзлар айтиш Иброҳим Мўминовнинг катта жасорати эди.

Биз ҳар гал учрашганимизда соатлаб ўтган кунларимиз, узоқ ва яқин ўтмишимиз ҳақида сұхбатлашамиз. Жадидчилик даври – Чўлпон, Фитрат, Авлонийлар қалам тебратган фожеалийиллар, Туркистан генерал-губернатори Скобелевнинг “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданияти, санъатини, тилини йўқ қилисанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди”, деган сўзларини мен Зоир акага сўзлаб берганман.

Зоир Зиётов қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда адабиётга, айниқса, ўтмиш тарихимизга жуда қизиқади. Тарихимиз ҳали очилмаган кўриқ эди. У кўп йиллар изланиб, 2008 йилда биринчи ирик асари “Турон қавмлари” китоби нашр эттириди. Бу китобнинг яратилишида унинг сабот билан кўп йиллар изланишлари, ақлий ва руҳий матонат билан ўзи бошлаган ишни сибйт қадамлик или ниҳоясига етказгани бир ижодкор сифатида мени ҳайратлантиради.

Зоир ака ёзувчи-шоирлардан анча йироқ эди. Давримизнинг буюк шоири, ўша даврдаги Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов билан Зоир акани таништирганман. Шоиримизга “Турон қавмлари” китобини дўстим билан биргаликда совға қилганимиз. Абдулла ака китоб номини ўқиши биланоқ суюниб кетди. “Ҳали биронта ижодкоримиз бунга журъат қилолмаганди. Бу кўпчилик учун кўл етмас чўйки эди. Сиз қишлоқ хўжалик мутахассиси қандай вақт топа билдингиз. Буларнинг бари қанча бедор кунлар, уйкусиз тунлар, узоқ изланишлар маҳсулї”, дей Зоир акани табриклиди. Китобни пешонасига тегизиб “Бу мен учун охириги йиллардаги энг ноёб қимматбаҳо совға”, деди

юксак эҳтиром билан.

Зоир ака кейинги йилларда сермаҳсул ижод қилди. Сўнгги 10 йиллар давомида унинг “Инсон ва биосфера”, “Шумерлар ва Турон қавмлари”, “Оталар йўли” романи, “Наврўз – мозийдан садо” китоби, “Хонадон”, “Қўёш боласи” романи ва яқинда “Лазерми...? йўқ лазурный” китоби чоп этилди.



Зоир ака фотоаппаратда ҳам ишлаш ҳадисини олган. Чет элларга саёҳати таасуротлари ҳақида ҳикоя қилувчи бир неча қисмдан иборат фотоальбом тайёрлаган. Ўзбекистонда олган сонсаноқиз суратлари эса бу инсоннинг бойлиги деб ўллайман. Ижодхонасида кутубхона ташкил қилган. У ерда қимматбаҳо китоблар тахлами... Э-хе, айтаверсам адоги йўқ. Чет эллардан олиб келган ноёб топилмаларни кўриб ҳайратга тушасиз.

Ҳақиқий истеъод соҳибларининг қалби тоза бўлади. Улар нимаики ишга кўл урса, аввало, ниятини яхши қиласадилар. Бундай инсонларга омад кулиб боқади.

Дўстим! Сизни самимият ва меҳр, катта ижодий ҳаяжонлар сира тарк этмасин!

Фарҳод БОБОЖНОВ.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrар-iqtisodiy,
ilmiy-ommmabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIKHLARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay`ati:

Aziz VOITOV

Shavkat XAMRAYEV

Shuhrat TESHAYEV

Azimjon NAZAROV

Bahodir TOJIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBOV

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, mart №3.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалигидаги аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида.....	1
Р.СИДДИҚОВ, И.ХОШИМОВ, И.ЭГАМОВ.	
Хосил баракаси – парварища.....	2
О.АМАНОВ, А.МЕЙЛИЕВ. Бугдой майсалари химояга муҳож.....	5
Ҳ.АБДУЛАЕВА, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ. Богларда баҳор кезмокда...	8
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Кўйклам юмушлари авжида.....	10
С.КУЛМИРЗАЕВ. Имконият ва имтиёзлар.....	13
Ш.СУЮНОВ. Ўзбекистон сувни тежашда Марказий Осиёда ташаббускор.....	15
Д.ЗИГАНШИНА. Сув кодекси пишик, пухта ва ҳалқаро стандартлар асосида тайёрланмоқда.....	17
Х.КАРИМОВ. Соҳа фидойиси мулоҳазалари.....	19
Тажриба ва шижаот омухта бўлгандা.....	20
Тупроқдан зар ундирап нафис кўллар.....	21
Ш.ЖАББАРОВА. Аёл меҳнатидан гуллайди боғлар.....	22
Ш.СОДИҚОВА. Ялламанинг Нодираси.....	24
Боғотлик Ҳанифа опа.....	26
Ёшларни бирлаштирган онахон.....	28
К.ЭРГАШЕВ. Ишчиларини умрага юборган фермер.....	29
Наслии чорва – соҳа ривожига замин.....	31
Ш.НОРМУРОДОВ. Нурободда чорвачилик ривожланмоқда.....	32
З.ХАФИЗОВА. Навоий вилоятининг тог ва тоголди тумандаридаги боғдорчилик ва ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари.....	34
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, Г.САЙДОВА, Х.ТИЛАВОВ.	
Помидорнинг Бухоро вилоятидаги кучсиз шўрланган ерларга мосланувчан навзарни.....	36
С.ИСАЕВ, Ж.НАРЗУЛАЕВ. Гулқарамни этаглаб ва ёмғирлатиб сугоришнинг хосилордикка таъсери.....	38
М.РАХМОНОВА, К.ҲАМДАМОВ. Андижон вилояти шароитида беҳида учровчи зарапкунандаларнинг тарқалиши ва зарари.....	41
М.РАХМАТАЛИЕВ, Н.АБДУРАХМОНОВ. Республикаиз паррандачилик тармогининг ривожланишида дехқон хўжаликларининг ўрни.....	42
И.ТАДЖИБЕКОВА. Проблемы применения процесса озонирования в сельском хозяйстве и пути их решения.....	44
G.SHARIPOV. Sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda elektron tijoratni tashkil qilish va axborot xavfsizligini ta'minlashning innovatsion texnologiyalari.....	46
И.ХЎЖАЕВ. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг ривожланиши йўналишлари.....	48
П.АЛЛАНИЯЗОВ. Агарар тармокда паррандачилик хўжаликларидан фойдаланиш имкониятлари.....	50
G.NAZAROVA. Viloyat aholisining turmush darajasini oshirishda kichik biznesning ahamiyati va dolzarbligi.....	51
Ф.ОСПАНОВА. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида трансакцион харажатлар таҳлили.....	53
В.HASANOV. Respublikada oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda iste'mol va urug'lik kartoshka yetishtirish istiqbollari.....	55
Бахтияр Шул – ўзбекистон Зулғиясиман.....	58
Бир ойлада беш олим.....	60
Агрономдан чиқкан олим ва ёзувчи.....	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil 2-mart. Qog oz bichimi 70x100 1/16. Ofset usulida ofset qog'oziga chop etildi. Sharqli bosma tabog'i – 5,5. Nashr bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 3. Nusxasi 1300 dona.

«HIOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalarli kesishuv.

Navbatchi muharrirlar –
B.ESANOV, A.TAIROV
Dizayner – U.MAMAJONOV

**Жонажон юртимиз ободши иўлида
мехнат қилаётган аттар өсса ҳодимларини,
тизимда саларали фаолият олиб бораётган
иригаторларни, бободежон өв фермерларни
мехр-сажоват ғамзи бўлиб кишиб келаётган
Наврӯз айёни билан салимий тадбирлаймиз!**

**Хонадоилиарга тинчлик-хотиржалмик,
хайрли шилари бафофидан келишини тилаймиз!**

Зомин иригация тизими бўшқармаси якапоаси



**«Sardor avto invest» DM yurtdoshlarimizni
Navro'zi olam bilan samimiy tabriklaydi!**



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdag'i rasmiy diler | Tel.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN